Н. ТЎХЛИЕВ, А. ЎЛМАСОВ

# ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

Тошкент
Қомуслар Бош таҳририяти — 1993

Тақризчи

Иқтисод фанлари доктори,
профессор **С. Н. Зайнутдинов**

Масъул муҳаррир

**С. Х. Холназаров**

Ушбу луғат бозор иқтисодиёти, соҳибкорлик, тижорат оламида кенг қўлланилаётган мингга яқин тушунча ва атамалар бўйича қисқа маълумот, шарҳ беришни мақсад қилиб қўяди. Луғатда бозор иқтисодиётининг асосий тушунчалари, хўжалик амалиёти, ташқи иқтисодий фаолият, маркетинг, халқаро бозор масалалари, халқаро иқтисодий ташкилотлар, уюшмалар қамраб олинган.

Луғат бозор иқтисодиёти шароитларида яшаш ва ишлашга ўрганаётган ишбилармонларнинг бу соҳада янада билимдонроқ бўлишларига ёрдам бериш мақсадларини кўзлайди. Луғат ишбилармонлар, мутахассислар, бозор иқтисодиёти билан қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

$$И \frac{4602030000}{350-93} 005-93$$

ISBN—5—89890—071—3 © Қомуслар Бош таҳририяти, 1993

# СЎЗ БОШИ

Бозор иқтисодиёти атама ва тушунчалари ҳаёт тарзимизга тобора кириб бормоқда. Назария ва амалиётимиз биз учун принципиал янги хўжалик усули унсурлари билан бойимоқда. Аммо ишбилармонларимиз, тадбиркор-омилкор кишиларимиз, янги ижтимоий қатлам сифатида шаклланаётган соҳибкорларимиз, тижоратчиларимиз, биржа аҳли ва бу касбларнинг сир-асрорларини синчиклаб ўрганаётган ўқувчи ва талабаларимиз, боринки бозор иқтисодиёти муаммолари билан қизиқаётган кенг халқ оммасига ўзбек тилидаги адабиёт ва қўлланмалар етарлими? Бу саволга ижобий жавоб бериш ҳали қийин. Ушбу китоб бу борадаги «бўшлиқ»ни тўлдиришга ҳисса қўшади деган умиддамиз. У ўтган йили Бош таҳририят томонидан чоп этилган «Бозор иқтисодиёти» луғат-маълумотномасидан характери, йўналиши ва таркибига кўра фарқ қилади. Луғатда хўжалик ҳаёти, ташқи иқтисодий алоқалар, молия-кредит, биржа ва маркетинг фаолиятида энг кўп учрайдиган тушунчаларнинг мазмунини очиб беришга алоҳида аҳамият берилди. Китобда мақолаларининг мазмунан ўзаро ички боғланишини таъминлашда ҳаволалар тизимидан фойдаланилди (ҳавола мақола номи *курсив* билан терилган).

Биз ишбилармонлар дунёсининг барча луғат заҳирасини қамраб олишга даъвогарлик қилаётганимиз йўқ, балки ўз олдимизга бозор шароитида яшашга ва ишлашга тайёрланаётган ишбилармонларга ўз билимларини кенгайтиришга кўмаклашишдек камтарона вазифа қўйганмиз.

Китобнинг охирида Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган энг муҳим қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг Фармон ва

қарорлари, республикамизда ва МДҲга кирган давлатларда фаолият кўрсатаётган биржаларнинг рўйхати ва манзилгоҳлари илова қилинган.

Муаллифлар китоб ҳақидаги истак, таклиф, фикр ва мулоҳаза, маслаҳатларни мамнуният билан қабул қиладилар.

Қомуслар Бош таҳририяти манзилгоҳи:
Тошкент, ГСП, Жуковский кўчаси, 52-уй.

**Қисқартмалар ва шартли белгилар рўйхати**

ар.— арабча
ва б.— ва бошқа(лар)
ва ҳ. к.— ва ҳоказо
голл.— голландча
дм — дециметр
ЕИҲ — Европа Иқтисодий Ҳамжамияти
инг.— инглизча
исп.— испанча
итал.— итальянча
й.— йил
лат.— латинча
м — метр
млн.— миллион
млрд.— миллиард
МДҲ — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
нем.— немисча
рус.— русча
фр.— французча
юн.— юнонча
қ.— қаранг
% — процент

# А

**АВАЛЬ,** в е к с е л ь б ў й и ч а к а ф и л л и к — 1) вексель эгаси олдида жавобгарлик; 2) векселнинг ўнг бетида ёки унга илова қилинган варақда имзо шаклида ифодаланган банк кафиллиги.

**АВАРИЯ,** ф а л о к а т — ташиш жараёнида транспорт воситасига, юкка ва фрахтга етказилган зиён.

**АВИЗО** (итал. aviso) — банк, тижорат амалиётида ҳисоб-китоб ҳаракатларининг бажарилганлиги тўғрисида расмий хабарнома. Бир контрагент томонидан иккинчисига жўнатилади. А. ёрдамида банклар ўз мижозларини ҳисоб варақалари бўйича кирим ва кредит қайдлари, ҳисоб варақасидаги қолдиқ маблағлар, пул ўтказмаларини тўлаш, чек талабномаси, аккредитив очиш ва б. ҳаракатлар тўғрисида хабардор қилади. Товар жўнатувчи (сотувчи) томонидан товарни қабул қилувчи (харидор)га товар жўнатилгани ҳақидаги хат ҳам авизо деб юритилади.

**А-ВИСТА** — тўлов муддати кўрсатилмаган вексель, тўлов учун исталган пайтда тақдим этилиши мумкин.

**АВТАРКИЯ** (юн. autarkeia — ўз-ўзига етарли) — ўз-ўзини таъминлаш қоидасига асосланган, бошқалар билан иқтисодий алоқалардан узилиб қолган биқиқ хўжалик тизими.

**АВУАРЛАР** (фр. avoir — мулк, бойлик) — 1) пул ҳужжатлари (чеклар, векселлар, пул ўтказмалари, аккредитивлар), улар ёрдамида тўловлар ўтказилади ва мажбуриятлар узилади; 2) банкнинг чет эл банкларидаги жорий ҳисоб варақасида турган чет эл валютасидаги маблағлари.

**АГЕНТ** (лат. agens — ишлайдиган, ҳаракат қиладиган) — тожир воситачи, бирон-бир муассасанинг масъул топшириқларини бажарувчи вакили. Савдо агенти бир ёки бир неча корхоналарнинг маҳсулотини шартнома бўйича сотади. Савдо агенти саноат агентига нисбатан мустақил бўлиб, маҳсулот нархи ва сотиш шароитларини ўзи белгилайди. Харид бўйича агентлар — саноатда ишлатиладиган товарлар хариди бўйича махсус ихтисосга эга бўлган харидорлар.

**АГЕНТ ХИЗМАТ ҲАҚИ** — ҳажми *агентлик шартномаси* шартлари ва амалдаги тарифлар бўйича аниқланадиган хизмат ҳақи.

**АГЕНТЛИК** — муайян бош ташкилотнинг топшириги ёки ваколати б-н у ёки бу савдо, саноат корхонаси фаолиятини юритиб турувчи муассаса.

**АГЕНТЛИК БИТИМИ** — принципал ва агентлик ўртасида томонларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятларини белгилайдиган шартнома. Агентлик битими агентнинг бозорда принципалга нисбатан мавқеини қайд этади (оддий агент, монопол агент, мулкни сотиш ҳуқуқига эга бўлган ёки «ўнг қўл» агент). Агентлик битимида агентнинг вакил, комиссионер (комиссия шартномаси), ишончли вакил (топшириқни бажариш шартномаси) ва харидор (олди-сотди шартномаси) сифатида ишлаш шартлари белгиланади. Шунингдек, агентлик битимида мукофот тўлаш шакллари ва усуллари ҳам белгиланади.

**АГЕНТЛИК ШАРТНОМАСИ** — буюртмачи (топшириқ берувчи) билан агент ўртасида агент томонидан буюртмачи ҳисобига ва унинг номидан, муайян хизмат ҳақи эвазига бажариладиган мажбурият мазмуни ва ҳажмини аниқловчи шартнома.

**АГРЕССИВ (тажовузкор) ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР** — капиталнинг шиддат билан ўси-

шини таъминлайдиган қимматбаҳо қоғозлар.

**А-ДАТО** — у ёки бу ҳужжат, масалан, вексель берилган сана; маълум муддатдан кейин тўланиши (а-дато) зарурлигини кўрсатади.

**АДРИТУРА** — 1) товар етказиб берилиши зарур бўлган жойга тўғри жўнатилганини билдирувчи атама; 2) вексель ҳаракатларида муддати ўтиб кетган ёки эътироз билдирилган векселлар тўлов учун бевосита вексель эгасига ёки унга кафиллик берувчига тақдим этилишини билдиради.

**АЖИО** (итал. aggio) — 1) валюта курслари ўртасидаги фарқ; 2) қоғоз пулларни металл тангаларга ёки «кучсиз» валютани «кучли» валютага алмаштиришда олинадиган комиссион йиғим (пул).

**АЖИО-КОНТО** (итал. conto) — кўрилган фойда ва зарар ҳисоб варағи.

**АЖИОТАЖ ТАЛАБ** — бозордаги шов-шув ва ваҳима таъсири остида сунъий пайдо бўладиган ва шиддат билан ортиб борадиган талаб. Бундай талаб, бир томондан, аҳоли орасида мишмишлар тарқатиш ва реклама воситасида муайян товарларга ўта юқори баҳо бериш орқали истеъмолчи психологиясига таъсир этиш йўли билан, иккинчи томондан, товарларга бўлган ғоят катта қизиқиш, қимматчилик ва қаҳатчилик хавфи, пулни алмаштириш имконияти, ҳар хил шов-шувлар таъсирида пулдан тезроқ қутулиш ва товар заҳирасини кўпайтиришга интилиш оқибатида юзага келади. Ажиотаж талаб пайдо бўлса бозор нархи ошади, товарлар талашиб олинади, товар таклифи талабдан орқада қолиб, бозор мувозанати бузилади, товарлар тақчиллиги ғоят кучайиб кетади.

**«АЙИҚЛАР»** — қимматбаҳо қоғозлар, валюта, товарлар нархининг пасайишидан фойдаланувчи биржа чайқовчилари.

**АККРЕДИТИВ** (лат. accredo — ишонаман) — пул ҳисоб-китоб ҳужжати; банк мажбурияти. 1) томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан амалга ошириладнган ҳисоб-китоб тури бўлиб, унга кўра қарз берувчи (кредитор) белгиланган муддатларда, келишилган шартлар асосида келишувда кўрсатилган банк орқали ўзига тегишли тўловни олиб туради; 2) жамғарма банкининг аҳолига кўрсатадиган хизмат турларидан бири; банк бўлимининг тегишли бир шахсга маълум миқдордаги суммани тўлаш учун бошқа бўлимларга берадиган буйруғи, махсус бланк воситасида амалга оширилади. Булардан ташқари аккредитив турли шаҳарларда жойлашган корхона (бирлашма) ларнинг мулкий муносабатларида, халқаро ҳисоб-китобларда (айникса, мамлакатлараро экспорт-импорт муносабатларида) кенг қўлланилади.

**АККРЕДИТИВ ҲИСОБ-КИТОБЛАР** — товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз *аккредитив*лар билан ҳисоб-китоб қнлиш шакли. Одатда турли шаҳарларда жойлашган банклар ўртасида амалга оширилади. Товар етказиб берувчи банкдан бошқа шаҳардаги харидорнинг ўзига хизмат кўрсатадиган банкка сақлашга қўйган активлари ҳисобидан пул маблағларини олади.

**АКТУАРИЙ** (инг. actuary, лат. actuarius — тезкор мирза) — суғурта бадаллари, мукофот ва шу кабиларнинг ҳисоб-китоби билан шуғулланувчи мутахассис, иш юритувчи.

**АКЦЕПТ** (лат. acceptus —розилик берилган) — 1) пул, ҳисоб-китоб, товар ҳужжатларини ёки товар ҳақини тўлашга розилик ёки тўлашга кафиллик; 2) таклиф этилган шартларда шартнома тузишга розилик. Акцепт етказиб берилган товарлар ва ички

ҳамда халқаро товар-пул муомаласида кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаш шаклларидан бири сифатида кенг қўлланилади; 3) вексель, чек ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар, шунингдек товар ҳужжатлари бўйича ҳисоб-китоб шакли.

Акцептда мол етказиб берувчи ташкилот маҳсулот жўнатилгандан кейин тўлаш учун талабнома варақаси ёзади ва ўзига хизмат қилувчи банк инкассасига топширади. Белгиланган қоидага мувофиқ, варақани акцепт қилиш ёки рад этиш олувчининг ихтиёрида бўлади.

**АКЦЕПТ УЙЛАРИ** ташқи савдони кредит билан таъминлашга ихтисослашган банк муассасалари. Фаолиятининг асосий соҳалари тижорат векселлари ёки тратт экспортёрлар акцепти, депозит-кредит ҳаракатлари ҳамда эмиссия-таъсисчилик фаолияти, маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

**АКЦЕПТАНТ** (лат. acceptans — қабул қилувчи) — тўлов варақаси, вексель кўрсатувчига пул тўлаш мажбуриятини олган шахс.

**АКЦЕПТЛАНГАН ВЕКСЕЛЬ** — тўловчи (трассат)нинг тўлашга розилиги ёзилган вексель.

**АКЦЕПТЛАНГАН ЧЕК** чек олувчининг чекда кўрсатилган маблағни олишини кафолатловчи банк акцептига эга бўлган чек. Бир шаҳар доирасида бюджет ташкилотлари ўртасида товар ва хизматлар учун қилинадиган ҳисоб-китобларда ҳамда молия идораларига бюджет даромадларини алоқа корхоналари орқали жўнатишда қўлланилади.

**АКЦИЗ** (фр. accise) — кенг истеъмол товарлари, энг муҳим хом ашёларга билвосита солинадиган солиқ тури. Муайян товар нархига, кўрсатилган хизмат ҳақига қўшилади.

**АКЦИОНЕР ЖАМИЯТ** турли корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар пул маблағларини шерикчилик асосида ва соҳибкорлик мақсадида бирлаштирадиган жамият (корхона). Муомалага номинал қиймати кўрсатилган *акция*лар чиқариш ва уни сотиш бундай жамиятнинг молиявий негизини ташкил этади. Акция эгалари-ширкатчилар *дивиденд* шаклида даромад оладилар. Акционер жамиятнинг очиқ ва ёпиқ кўринишлари бор. **Ёпиқ акционер жамият** — жамият акциялари фақат унинг таъсисчилари ўртасида тарқатилади. **Очиқ акционер жамият** — жамият акциялари эркин сотилади ва сотиб олинади. Акционер жамият юридик шахс бўлиб, мажбуриятлари учун ўзига тегишли мулк доирасида жавоб беради. Акционер жамиятлар эркин капиталларни марказлаштириш шакли ва шу билан бир қаторда аҳоли кенг қатламларининг жамғармаларини сафарбар қилиш, уларни капиталга айлантириш воситаси ҳамдир. Бунда акциялар чиқариш, ширкатчилик жамиятларида иш ҳақи ва мукофотнинг бир қисмини ишчиларга корхона акцияси билан тўлаш сифатида тақсимлаш амалга оширилади. Собиқ СССРда 30-йиллар бошигача савдо ва саноат соҳаларида давлат, аралаш, хусусий, кооператив мулк шаклига асосланган 151 акционер жамият мавжуд бўлган.

Ўзбекистон Республикасида биринчи акционерлик жамияти 1989 йили ташкил топди.

**АКЦИОНЕР КАПИТАЛ** — акционер жамиятнинг асосий капитали. Унинг ҳажми жамият Уставида белгиланади. Акциялар чиқариш ҳисобига ҳосил бўлади.

**АКЦИЯ** (фр. action — фармойиш, рухсатнома, фаолият) — *акционер жамият* чиқарган қимматбаҳо (даромад келтирувчи) қоғоз. Акция эгасининг шу жамият маблағига қўшган ҳиссасини ва шунга мувофиқ топилган фойданинг бир қисмини *дивиденд*

тарикасида олишини, уни бошқариб туришда қатнаша олишини тасдиқлайди. Акция қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди қилинади. Акция қиймати акцияда қайд этилган пул миқдоридир. У сотиладиган нарх **акция курси** деб аталади. Акциянинг акционер жамият таъсис этилганда сотилган дастлабки нархи **номинал қиймати** дейилади. Акция курси қийматининг номинал қийматидан ошиб кетиши — **кажж**, пасайиб кетиши — **дизажио** дейилади. Акция нархининг ошиб бориши ёки пасайиб туришига қараб айрим компаниялар аҳволига ва умуман иқтисодий вазиятга баҳо берилади. Акциялар оддий ва имтиёзли бўлади. **Оддий акцияларга** дивиденд олинадиган фойдага қараб берилади, лекин акция эгаси акционерлар мажлисида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади; **имтиёзли акцияларга** дивиденд олинган фойдага қараб эмас, балки заёмга тўлангани каби, олдиндан белгиланган қатъий процентларда берилади, аммо акция эгаси акционерлар мажлисида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бундай акциялар қоидага кўра акционер жамият устав фондининг 10 % идан ортиқ чиқарилиши мумкин эмас. Жамият (корхона) биринчи навбатда имтиёзли акция эгалари билан ҳисоб-китоб қилганидан кейин қолган маблағ оддий акция эгаларига тақсимланади.

90-йиллар бошларидан Ўзбекистонда акционер жамиятларнинг эркин сотиладиган акциялари чиқарила бошлади.

**АКЦИЯЛАРНИНГ НАЗОРАТ ПАКЕТИ** — акция эгасига акционер жамиятда амалдаги ҳукмронлигини таъминлайдиган акциялар миқдори; чиқарилган акцияларнинг умумий суммасида бир шахс, компания ёки давлатнинг йирик ҳиссаси. Акционер жамиятнинг йиғилишида ҳал қилувчи овозга эга бўлиш ҳуқуқини беради (бунда жами акционер капиталнинг 51 % га эмас, балки 20—30 %, баъзан ундан ҳам камроқ ҳиссага эга бўлиш кифоя). Акцияларнинг назорат пакетига эгалик қилиш амалда акционер жамиятнинг хўжайини бўлиш, унинг қолган аъзолари капиталини бошқариш имкониятини беради.

**АЛЛОНЖ** (фр. allonge — улама) — векселнинг орқасига унинг эгаси ўзгарганлиги тўғрисидаги ёзувлар сиғмай қолганда ёзувлар давом эттириладиган қўшимча қоғоз.

**АЛЬПАРИ** (итал. al pari, alla pari — тенг, баб-баравар) — қимматбаҳо қоғозлар биржа курсининг ёки валюта бозор курсининг номинал (паритет)га мос келиши.

**АЛЬТЕРНАТИВ БУЙРУҚ, муқобил буйруқ** — муайян қимматбаҳо қоғозларни чекланган нархда сотиб олиш ёки сотиш ҳақидаги буйруқ.

**АМАЛЬГАМАЦИЯ** (фр. amalgame — қўшилиш) — банклар фаолиятида илгари мустақил бўлган икки ёки бир неча банкларнинг рақобат натижасида қўшилиши; банк капиталининг марказлашуви шаклларидан бири. Икки тури мавжуд: йирик банкка кичик банкнинг сингиб кетиши; банкларни қўшилиши натижасида янги банкнинг ташкил бўлиши.

**АМПЛИАЦИЯ** (лат. amplifi — тарқатмоқ) — пул қабул қилинганлиги ҳақидаги тилхат нусхаси.

**АНДЕРАЙТИНГ** (обуна) — сотиш мақсадида янги чиқарилган қимматбаҳо қоғозларни харид қилиш. Одатда инвестицион дилерлар, андерайтер (обуначи) лар гуруҳлари шуғулланади.

**АНДЕРРАЙТЕР** — суғурта компаниялари ва банклардаги энг обрўли молиявий фаолият тури. Суғурта ишида суғурта битимла-

ри тузиш учун масъул шахс; банк ишида эса махсус хизмат ҳақи эвазига эмитент (қимматбаҳо қоғоз, заёмлар чиқарувчи)га унинг заём облигациялари ёки акциялари пакетини келишилган шартларда бозорда жойлаштиришга кафолат берувчи шахс ёки компания.

**АННУИТЕТ** (фр. annuite — йиллик бадал) — узоқ муддатли давлат қарзи турларидан бири, асосий қарзни унга тўланадиган процентн билан аста-секин қайтариш имконияти ҳисобга олинган ҳолда, ҳар йили кредиторга маълум даромад келтиради.

**АНТИМОНОПОЛ СИЁСАТ** — иқтисодиётни монополия (якка ҳукмронлик)дан халос этиш ва монополияларни чеклаб қўйишга йўналтирилган давлат сиёсати.

**АНТИТРЕСТ ҚОНУНЧИЛИГИ** — монополистик корхоналар ташкил этиш йўли билан эркин рақобатга тўсқинлик қиладиган капиталнинг марказлашув жараёнини бошқариб туришда қўлланиладиган давлат қонунлари.

**АПОРТЛАР** — акционер жамият ихтиёрига акциялар учун тўлов тарзида ўтадиган мулк. Апорт баҳоланган ва пул капиталининг муайян суммасига тенглаштирилган товарлар, савдо ва саноат корхоналари бўлиши мумкин. Кўпинча таъсисчилар янги ташкил этилаётган акционер жамиятларга апорт сифатида ўз корхоналари ҳамда товарларини оширилган нархда ўтказадилар, натижада мулк қийматига нисбатан кўпроқ миқдорда акция оладилар.

**АРАЛАШ ЖАМИЯТ** — чет эл капитали билан ҳамкорликда барпо этилган, мамлакат қонунларига бўйсинувчи корхона, хўжалик фаолияти турларидан бири.

**АССЕКУРАЦИЯ** — товарларни ёки бирон-бир мулкни суғурта қилиш.

**АУДИТ** (лат. audire — эшитмоқ) — хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш, таҳлил этиш.

**АУДИТОР ФИРМА** — корхона ва ташкилотларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишининг иқтисодий экспертизасини ўтказувчи мустақил фирма; одатда *акционер жамият* ёки кооператив шаклида фаолият килади, ўз хизмати учун ҳақ олади. Аудитор фирма тўла мустақилликка эга бўлиб, ҳеч кимга қарам эмас, ўз ишини ҳар бир мамлакатда ёки халқаро миқёсда қабул қилинган ҳисоб-китоб ва тафтиш (ревизия) қоидаларига биноан олиб боради. Тафтиш натижалари бошқалар учун сир сақланиб, эълон этилмайди. Аудитор фирма ишида қатнашувчи тафтишчилар а у д и т о р л а р деб аталади. Улар вақтбай ишлаб, хизмат ҳақи ишланган кун ҳисобига қараб тўланади. 1990 йили хорижда аудиторлар ҳар кунги иши учун 500 дан то 1500 долларгача хизмат ҳақи олган. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Ўзбекистонда ҳам дастлабки аудитор фирма ташкил топган. Аудитор фирма хизмати ғоят муҳим, шу сабабли акционерлик-тижорат банклари, айрим йирик компаниялар молиявий аҳволига кафиллик берувчи расмий аудитор фирма белгилаб қўйилади. Шунингдек, корхоналар аудитор фирмалар хизматидан фойдаланиб, ўзларининг молиявий аҳволидан чуқуррок хабардорликка эга бўлади. Ўзбекистонда 1992 йилдан «Ўзбанкаудит» банклараро акционер жамият иш олиб боради, банклар, кредит муассасалари, суғурта компаниялари, ташкилот ва корхоналар, колхозларнинг тижорат ва молиявий-хўжалик фаолиятини текширади, мижозлар буюртмаси бўйича экспертизалар ўтказади.

**АУКЦИОН** (лат. auction) — махсус кимошди савдо бозорлари, товарларни талабгор хари-

дорларга сотиш усули. Аукцион савдо товарларнинг нисбатан чекланган рўйхати бўйича (мўйна, коракўл тери, ювилмаган жун, чой, хўл мева, сабзавот, балик, от, бадиий ҳунармандчилик буюмлари, антика буюмлар ва б.) ўтказилади. Аукцион олдиндан эълон килинган вактда даврий: ҳар куни, ҳар ойда, муайян ойларда ёки йилда бир марта товарларнинг бозорга келиб тушиш мавсумига ва ҳажмига караб ўтказилади. Харидорлар савдо бошлангунига кадар аукцион омборларига кўйилган товар ёки унинг намунаси (*лот*) билан танишадилар. Савдо вактида лотлар каталогда кўрсатилган тартибда навбатсиз савдога кўйилади, харидорлар орасида энг юкори нархни таклиф килгани товарни сотиб олади. Битимлар оғзаки ёки шартли белгилар воситасида тузилади. Карзни тўлашга курби етмайдиган карздорлар мулки ҳам мажбурий аукцион шаклида сотилади.

Ҳар кандай аукционларнинг умумий шарти — сотувчи намойишга кўйилган товарлар сифатига масъул ҳисобланмайди. 1990—91-йиллардан бошлаб Ўзбекистонда ҳам пахта толаси, саноат моллари, хом ашё, валюта аукционлари ўтказилмокда.

**АУТРАЙТ** — томонлар катъий белгилаган муддатларда «*форвард*» курси бўйича тўловларни назарда тутадиган оддий муддатли валюта битими.

**АУТСАЙДЕР** (инг. outsider — бегона) — 1) «бегона», «ёввойи» деб ном олган мустакил кичик ва ўртача корхоналар. Бирор сабаб билан муайян аник бир тармоклар доирасида ташкил топадиган монополистик бирлашмалар ва келишувларга кирмайди. Кўпинча А. йирик монополияларга ёрдамчи пудратчи ҳисобланади; 2) биржа аъзоси бўлмаган брокер, у биржа савдосининг айрим конунларига риоя килиш мажбуриятини олган ҳолда савдо залида ишлашга вактинча, бирон максадли рухсатнома олиши мумкин.

**АФЗАЛЛИКЛАР** — к. *Преференциялар.*

**АФҒОНИ** — Афғонистон пул бирлиги. 1 афғони=100 пул. Россия Федерацияси Марказий банки жорий этган клиринг валюталарининг тижорат курсига кўра Афғонистон билан ҳисоб-китобларда 100 АКШ доллари=56 сўм 98 тийин (1992, май).

**АКЛИЙ МУЛК** — к. *Интеллектуал мулк.*

**АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ** — муайян жамиятда кишиларнинг жисмоний, ижтимоий, интеллектуал эҳтиёжларини кондиришда эришилган турмуш, меҳнат, маиший шароитлар мажмуи. Унинг асосий мезони — аҳолининг истеъмол неъматлари билан таъминланиш даражаси ҳисобланади. Турмуш даражаси аҳоли жон бошига моддий неъматлар истеъмол килиш ва маиший хизматнинг умумий ҳажми; ноозик-овкат молларини ва озик-овкат маҳсулотларини истеъмол килиш даражаси ва сифати; реал даромадлар, иш ҳаки микдори; ижтимоий истеъмол фондларидан тушадиган даромадлар ҳиссаси; меҳнат шароити, иш ва бўш вактларнинг давомийлиги ва мазмуни; уй-жой шароитлари; халк таълими, соғликни саклаш, маданият ҳамда бошка сифат ва микдор кўрсаткичлари тизимида ифодаланади. Бозор иктисодиётига ўтишнинг биринчи боскичида *ишсизлик*нинг кўпайиши, нарх-навонинг талаб ва таклиф асосида кескин кўтарилиши натижасида аҳолининг турмуш даражаси сезиларли пасайиши мумкин. Бундай шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, аҳоли даромадларини индекслаш каби тадбирларни кўллаш муҳим аҳамиятга эга.

# Б

**БАЗИС БАҲО** — 1) умуман товарлар ва уларнинг айрим гуруҳлари бўйича савдода (экспорт ва импорт) баҳолар индексини аниқлаш учун ишлатиладиган асос. БМТ даврий иқтисодий нашрларида, халқаро ва миллий ташқи савдо статистикасида чоп этилади. Ҳозирги шароитда БМТ статистикасида база сифатида 1980 йилнинг экспорт баҳоларидан фойдаланилади; 2) муайян маҳсулотнинг ташқи савдо баҳосини аниқлашда намуна сифатида олинган ва қайд қилинган, маълум сифатларга эга бўлган буюм баҳоси.

**БАНК-КОРРЕСПОНДЕНТ** — қ. *Мухбир (вакил) банк.*

**БАЛАНС**, мувозанат — муттасил ўзгариб турувчи ҳодиса ёки тушунчанинг нисбатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Халқ хўжалигида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, мақсадга мувофиқ ривожланишини таъминлашдаги зарурий нисбатлар. Халқ хўжалиги соҳалари, моддий, тармоқлараро, тўлов, қиймат, меҳнат ресурслари, ёқилғи-энергетика, фойда, асосий фондлар қиймати баланслари, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси, бухгалтерия баланси, тўлов баланси ва б. баланслар мавжуд.

**БАНК** (фр. banque) — кредит-молия муассасаси; уларнинг энг асосий вазифаси вақтинча бўш пул воситаларини бир жойга тўплаш, корхоналарга ва умуман пулга муҳтожларга кредит, ссуда бериш, пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш, пул ва турли қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, олтин ва чет эл валюталари билан боғлиқ муаммоларни бажариш ва бошқалар. Банклар пул қўювчиларга маълум процент тўлаб, қарз олганлардан юқорироқ процент ставкаси ундиради. Ана шу процентлар ўртасидаги фарқдан банк фойдаси ҳосил бўлади. Ҳозирги даврда қуйидаги асосий банк турлари фаолият кўрсатади:

Марказий (эмиссия) банклар («банкларнинг банки») мамлакатнинг жами кредит тизимига раҳбарлик қилади, давлат пул-кредит сиёсатини амалга оширади, пул ва қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини монопол ҳуқуқда амалга оширади.

Тижорат банклари жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга хилма-хил банк хизмати кўрсатади (депозитларни жалб этиш, *вексель* ҳисоби, кредит бериш, қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва сотиб олиш).

*Махсус банклар* муайян мижозлар гуруҳига хизмат кўрсатади ёки айрим ҳаракатларга ихтисослашади (инвестицион, жамғарма, савдо, қишлоқ хўжалиги, ташқи савдо, ипотека ва б.).

Кооператив банклар товар ишлаб чиқарувчилар томонидан пай асосида барпо этилади, таъсисчиларнинг кредит ва бошқа банк хизматларига бўлган эхтиёжларини қондиради. Тармоқ ёки территориал принциплар бўйича ташкил топади, тижорат банкларининг бир кўриниши ҳисобланади.

Универсал банклар ҳамма турдаги асосий банк ҳаракатларини амалга оширадиган банклар.

Мулк шаклига кўра давлат банки, акционер, кооператив, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, аралаш (давлат иштирокида) ва халқаро банклар бор. Ҳозир банклар фаолиятида тижоратлашув, хусусийлашув жараёни кечмоқда.

**БАНК БИЛЕТЛАРИ** — қ. *Банкнотлар.*

**БАНК ПРОЦЕНТ СТАВКАСИ** — банк ссудасидан фой-

фойдаланганлик учун белгиланган ҳақ миқдори; қарз суммасига нисбатан процент ҳисобида ундирилади. Масалан, банкнинг йиллик процент ставкаси 8 % бўлса, банкка олинган қарзнинг 8 % ига тенг миқдорда ҳақ тўланади. Банк процент ставкаси расмий, яъни маълум даврда ўзгармайдиган қилиб белгиланади. Бу давлат олган қарзга, давлат ташкилотлари, молия идоралари векселлари эвазига берилган қарзга, шунингдек, ишончли даромад келтирувчи қимматбаҳо қоғозлар (*акция, облигация*) ҳисобидан берилган қарзга тааллуқли. Банк процент ставкаси қарзнинг қайси тарзда ва қандай берилишига ҳам боғлиқ. Агар қарз халқаро валютада ёки халқаро облигацияда берилса, банк процент ставкаси юқори, агар миллий валютада берилса, паст бўлади. Узоқ муддатли қарзнинг банк проценти ставкаси юқори, қисқа муддатлисиники паст бўлади. Қарз ёрдам тарзида берилганда ҳам банк процент ставкаси имтиёзли бўлади. Қарз олиб иқтисодий ёки ижтимоий вазифани ечиш мўлжалланса, банк процент ставкаси паст белгиланади. Агар корхона ва ташкилотларни ўз қўлидаги маблағни яхши ишлатишга ундаш зарур бўлса, банк процент ставкаси оширилади. Банк процент ставкаси паст бўлса, корхоналарда хотиржамлик ва боқимандалик кайфиятини туғдиради. Банк процент ставкасининг минимал ва максимал даражаси бор. Минимал даражадаги банк процент ставкаси банкнинг харажатларини қоплаб, зарар кўрмаслигини таъминлаши керак. Максимали эса банкка эл қатори фойда кўришни таъминлаши лозим. Банк омонат (депозит)лар учун тўлайдиган процент ставкалари ссудадан фойдаланганлик учун белгиланган процент ставкаларидан паст бўлади, бу эса банкларнинг фойда олиб ишлашини таъминлайди. Яна қ. *Ҳисоб проценти.*

**БАНК УЮШМАСИ** — ўз касб манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида тузилган хусусий банклар бирлашмаси.

**БАНК-ГАРАНТ** — ўз мижози учун кафил бўлган банк. Мижозлар топшириғи бўйича ва уларнинг ҳисобидан ҳамда мухбир банклар ҳисобидан кафолат беради.

**БАНК ЎТКАЗМАЛАРИ ОРҚАЛИ ҲИСОБ-КИТОБЛАР** — ташқи савдо муомаласида қўлланиладиган ҳисоб-китоблар. Бундай ҳисоб-китобларда экспортчилар импортчиларга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар, даъволар ва б. ўзаро ҳисоб-китоблар учун ҳисоб варақаси ва б. ҳужжатлар юборадилар. Бу ҳужжатлар асосида товарлар ва хизматлар ҳақини тўлайдиганлар ўз банкларига экспортчи ёки кредиторлар ҳисобига пул ўтказиш тўғрисида тўлов топшириқлари юборадилар.

**БАНКДАГИ ПУЛ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ** — инфляция юз бериб нархлар ошиб бориши натижасида банкка қўйилган пул жамғармалари харид қобилиятининг пасайиб бориши. Нархлар ошгач, банкдаги пулнинг товар билан таъминланиши камаяди, чунки пул бирлигининг қурби пасаяди. Банкдаги жамғармаларнинг қадрсизланиши нарх ошиши билан омонат учун банк берадиган процент ставкасининг ўсиши ўртасидаги нисбатга бевосита боғлиқ бўлади. Агар нарх банк тўлайдиган процентга нисбатан тезроқ ўсса, банкдаги жамғармаларнинг қадрсизланиши юз беради; агар процентнинг йиллик нормаси 5 % бўлиб, нарх-наво 8 % ошса, банкдаги жамғармаларнинг қадрсизланиши 3 % га тенг бўлади. Шу сабабли процентни ошириш инфляцияга қарши тадбирлар доирасига киради. 1991 йил 1 апрелда собиқ СССРда нархлар ўртача 40 % ошган-

лиги муносабати билан банкдаги пул кадрсизланишини коплаш учун пул жамғармалари микдори хам 40 % га кўпайтирилди. Инфляция шароитида пулни банкка жалб этиш учун банкка кўйилган пул хам индексация этилади, яъни пул кадрини тушишига караб банкдаги пул жамғармаси суммаси оширилади.

**БАНКИРЛАР УЙИ** — айрим банкир ёки банкирлар гурухига тегишли хусусий банк корхоналари; одатда масъулияти чекланмаган ширкатга бирлашган бўлади.

**БАНКНОТЛАР** (инг. bank-note), банк билетлари, кредит билетлари — марказий эмиссия банклари томонидан чикариладиган коғоз пуллар. Банк билетлари давлатнинг ахолига сотадиган товарлари ва давлатнинг олтин захирасига асосланади. Улар олтин, кимматбахо металлар ва давлат банкининг бошка активлари билан таъминланади. МДХда банкнотлар 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000 рубль кийматли банк билетларида муомалага чикарилади ва улар танга ва чакаларга майдаланади (1993, январь).

**БАНКРОТЛИК** (итал. bancarotta — айнан синган курси), синиш — фукаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағ етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича карзларни тўлашга курби етмаслиги. Банкротликка учрашнинг сабаблари товар ишлаб чикаришда киймат конунининг амал килиши, ракобат ва инфляция билан белгиланади. Корхонанинг банкрот деб эълон килиниши унга нисбатан катор *санирлаш* тадбирларини амалга оширишни, унга хар томонлама ёрдам кўрсатишни кўзда тутади. Бозор шароитида давлат томонидан банкрот корхоналар ўз ахволларини яхшилаб олишлари учун кўмак тарзида бир катор тадбирлар кўрилади. Банкрот деб эълон килинган корхоналар асосан шу корхона жамоа аъзоларига ижарага берилиши ёки бошка корхоналарга сотилиши, улар билан бирлашиб кетиши мумкин.

**БАРРЕЛЬ** (инг. barrel, асосий маъноси — бочка) — инглиз ўлчовлар тизимидан фойдаланадиган бир катор мамлакатларда кўлланиладиган сиғим ва хажм ўлчови. АКШда курук баррель (115, 628 дм$^3$) ва нефть баррели (158,988 дм$^3$) фарк килинади. Инг. баррели (сочилувчан моддалар учун) 163, 65 дм$^3$ га тенг. Халкаро нефть савдосида 1 баррель=159 л.

**БАРТЕР**, бартер келишуви (инг. barter — товар айирбошлаш) — пулсиз бевосита товар айирбошлаш. Кўпрок ривожланмаган товар муносабатлари даври учун хос бўлган келишув. Хозирги замон бартер келишувининг аник шакллари — валютасиз айирбошлаш, компенсацияли келишувлар, турли хил *клиринг*лар. Бартер хозирги шароитда ахолини истеъмол моллари билан таъминлашда мухим ахамиятга эга бўлмокда.

**БАРТЕР БИТИМИ** — келишувга биноан мувозанатли, лекин пулсиз товар айирбошлаш хакидаги шартнома. Бартер битими ташки савдода кўпрок кўлланади. Кейинги йилларда мамлакат ичида хамда корхоналар ўртасида кенг таркалди. Бартер битимига биноан келишган томонлар ўз товарларини маълум нархда бахолайдилар. Бу нарх айирбошлашнинг тенгма-тенг бўлишини, бож сарф-харажатларини хисобга олади. Тенг бараварлик товарларни жахон бозори нархларига кўра айирбошлаш оркали таъминланади. Бир томон иккинчисига карздор бўлиб колса, у ўз карзини валюта билан эмас, балки товарлар билан узади. Валюта такчил бўлса ёки унга ишонч кам бўлса бартер битими кўлланади. Бундай битимга асосан савдо килганда валюта талаб килинмайди, бир вактнинг ўзида *экс-*

*порт* ва *импорт* муомалалари амалга ошади, улар юзасидан ҳисоб-китоб дарҳол кечиктирилмай ўтказилади. Бартер битимлари икки томонлама ёки кўп томонлама бўлиши мумкин.

**БАЧКИ ЖАМИЯТ** — қ. *Қиз жамият.*

**БАҲО** — қ. *Нарх.*

**БЕССА** — биржа чайқовчилиги; қимматбаҳо қоғозлар курси ёки товарлар нархини пасайтириш мақсадида қилинади. Нархларни пасайтиришга интиладиган чайқовчи қимматбаҳо қоғозлар ёки товарларни маълум муддатга сотади. Келишилган муддат ва унинг ижроси ўртасидаги давр мобайнида бозорда нарх тушиб кетса, келишувни бажариш муҳлати келиши билан чайқовчи-сотувчи қоғоз ёки товарларни янада арзонроқ нархда сотиб олиб, ўз контрагентига юқори шартлашилган нархда топшириб, фойда олади. Шундай қилиб, келишув товар ёки қоғозларни амалда етказиб бермай туриб ҳам курс фарқини тўлаш билан тугайди. Курс ёки нарх пасайишидаги фарқ чайқовчи-сотувчи фойдасига, нарх кўтарилганда эса харидор фойдасига ҳал бўлади.

**БИД** — 1) товар, қимматбаҳо қоғозларни муайян нархларда, масалан, дилер валютани харид қиладиган ёки қарзга оладиган курс бўйича сотиб олиш мажбурияти; 2) еврооблигациялар иккиламчи бозорида харидор таклиф этадиган нарх.

**БИЗНЕС** (инг. business) — даромад келтирадиган ёки бошқа наф берадиган хўжалик фаолияти (касб-кор, машғулот); соҳибкорлик-тижорат ишлари билан шуғулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан банд бўлиш. Бизнес товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш, хизмат кўрсатиш, транспорт ва бошқа соҳалардаги фаолиятдир. Бизнес хўжалик юритиш кўламига қараб йирик, ўрта ва майда турларга бўлинади. Йирик бизнесга асосан ишлаб чиқаришда 500 дан ортиқ киши банд бўлган, ўрта бизнесга 20—500 киши банд бўлган корхона (фирма)лар, майда бизнесга 10—20 ва ундан кам киши ишлайдиган корхоналар киради.

Йирик ва ўрта бизнесга асосан йирик ишлаб чиқариш, кўп сонли товарлар чиқарадиган, механизациялашган ва автоматлаштирилган соҳалар киради. Майда бизнес қишлоқ хўжалиги, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг тарқалган. Майда бизнес шароитга тез мослашувчанлиги билан ажралиб туради, чунки унинг фаолияти катта маблағ талаб қилмайди ва кичик маблағни тез топиш мумкин. Майда бизнес самарали бўлганидан кенг тарқалади, аксинча, йирик бизнес учун қулай бўлмаган соҳаларда авж олади.

**БИЛДИРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ** — қабул қилиш пайтида камомад, юкнинг айниши, муҳрларнинг бузилиши ва бошқа ҳолатлар ҳақида асосий далолатномага қўшимча равишда тузиладиган далолатнома (акт). Айбдор томонга даъво қўзғаш учун тузилади.

**БИЛЛЬ-БРОКЕРЛАР** (инг. bill) — қимматбаҳо қоғозлар бозорида вексellар ҳисоби ҳамда қайта ҳисоби бўйича келишувларда воситачилик қиладиган вексель маклерлари. Вексель суммасидан муайян процент даллоллик (комиссион) ҳақи олади.

**БИРЖА** (голл. beurs, нем. Börse — ҳамён) — бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли; товарлар (товар биржаси), қимматбаҳо қоғозлар (фонд биржаси), валюта (валюта биржаси) улгуржи савдоси, товар бўлган «иш кучи» олди-сотдиси (меҳнат биржаси) бозори. Биржага биржа қўмитаси раҳбарлик қилади. Унинг ҳузурида котировка комиссияси иш олиб боради. Биржада *брокер*лар, *дилер*лар, *трейдер*лар фаолият кўрсатади.

Товар биржаси оммавий

товарлар (дон, пахта, металл ва б.) ни стандартлар ёки намуналар бўйича сотади. Айрим биржалар аксарият фақат бир гурух товарлар савдоси бўйича ихтисослашади. Келишувлар маълум муддатларга тузилади (аксарият 6 ой), натижада томонлар нархлар фаркларидан кўп нарса ютиш ёки ютказиши мумкин. Биржа нархлари ҳақидаги маълумотлар котировка шаклида мунтазам биржа бюллетенларида эълон қилиб борилади.

Фонд биржаси акциялар ва облигациялар билан олди-сотди муомаласини олиб боради. Бундай биржаларда мамлакатда чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар билан бирга чет эл қимматбаҳо қоғозлари ҳам савдода қатнашаверади. Фонд биржасидаги битишувларда қимматбаҳо қогозлар ҳақи савдолашувнинг ўзида ёки 2—3 кун кейин тўланади (касса битишуви) ёки ҳисоб-китоблар бир ой муддатда ўтказилади (муддатли битишув). Биржада иш кўраётганлар қимматбаҳо қоғозларини сотиш ва сотиб олиш вақтидаги курслар фарқидан (муддатда сотиш) катта фойда кўрадилар. Йирик фонд биржалари Нью-Йорк, Токио, Лондон, Париж, Базель, Москва ва б. шаҳарларда жойлашган.

Валюта биржаси валюталар бозорини ўтказади ва валюталар котировкасини амалга оширади. Ҳозирги шароитларда кенг кўламли валюта савдоси йирик банклар ўртасида олиб борилади, аммо айрим мамлакатларда банклараро валюта бозори билан бирга махсус валюта биржалари ҳам бор. Тошкентда ҳам валюта биржаси иш олиб боради (1992, апр.).

Меҳнат биржалари ҳақида қ. *Меҳнат биржаси.*

Биржа ва унинг турли шакллари бозор механизмининг инфраструктурасини ташкил этади. Биржа келишувининг характерли белгиси товар ёки акция ва валюта курсларига, баҳонинг тебраниб туришига ҳақиқий ва чайқов йўли билан таъсир қилишидир. Ҳукуматга алоқадор, ишлаб чиқаришни назорат қилиб турадиган монополистлар ишлаб чиқаришнинг мўлжалланаётган ўсиши ёки пасайиши, *дивиденд*ларнинг қисқариши ёки ошиши, нарх, акция ва валюта курсининг кўтарилиши ва тушишидан доимо хабардор бўлишади, қимматбаҳо қоғозлар (товарлар) ни паст баҳоларда сотиб олиб, кейин қимматга сотиб чайқовчиликдан катта фойда кўришади. Шу аснода биржа олибсотарлигининг пайдо бўлиши бировларнинг бойиб, бошқаларнинг эса (айниқса, майда ва ўрта қатламларнинг) хонавайрон бўлишига олиб келади. Бизнинг мамлакатимизда 20-йилларда биржалар мавжуд бўлиб, улардан кўп укладли иқтисод шароитида бозорни давлат томонидан бошқариш мақсадида фойдаланилган эди. 1991 йилдан мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши даврида Ўзбекистонда «Тошкент», «Турон», «Ўзбекистон» каби биржалар фаолият бошлади (иловада Ўзбекистон Республикасидаги ва МДҲ ҳудудида иш олиб бораётган энг йирик биржалар рўйхати берилган).

**БИРЖА БОЖИ** — биржа қўмитаси биржа аъзолари ҳамда харидор-қатновчилардан биржа савдосида иштирок этиш ҳуқуқи учун оладиган ҳақ.

**БИРЖА БЮЛЛЕТЕНИ** — биржанинг маълум даврда чоп этиладиган хабарномаси. Хабарномада қимматбаҳо қоғозлар курси ҳамда товарлар нархи эълон қилинади. Айрим биржалар бюллетенида биржадаги ҳар бир сотиладиган мулкнинг муомала суммаси кўрсатилади. Агар муайян кунда товар ёки қимматбаҳо қоғозлар савдолари ўтказилмаса, унда курс ўрнига мўлжал нархлар эълон қилинади. Биржа бюллетени одатда ҳар куни чиқарилади, савдо-саноат газета ва журналларида босилади.

**БИРЖА ИНДЕКСЛАРИ** — қимматбаҳо қоғозларнинг биржадаги ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткич, одатда биржадаги олди-сотди тақдирини ҳал қилувчи фирмалар (корпорациялар) акцияси курси (нархи) нинг ўзгаришида намоён бўлади. Энг машҳури Доу-Жонс индекси бўлиб, АҚШдаги 30 йирик саноат корпорациялари акциясининг биржадаги курси билан белгиланади. Индекснинг ўзгариши пунктлар билан ҳисобланади. Масалан, индекс 10 пунктга ошди ёки камайди деб баҳоланади. Иқтисодиётда фаоллик кучайса, биржа индекси кўтарилади ёки аксинча. Биржа индекслари қимматбаҳо қоғозни олиш ёки олмай туриш учун муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

**БИРЖА КЕЛИШУВЛАРИ,** биржа муомаласи — 1) катта (оддий) биржа келишувлари — акциялар, товарлар олди-сотдиси (харидорга бериш) ва ҳақини тўлаш шу заҳоти ёки яқин икки-уч кун ичида бажарилади; 2) муддатли биржа келишувлари — маълум муҳлатда бажарилади (яна қ. *Биржа чайқовчилиги*).

**БИРЖА КОТИРОВКАСИ** — биржада сотиладиган товарлар нархи; тегишли товар биржасининг махсус нарх белгиловчи комиссияси томонидан рўйхатга олинади ва биржа нашрларида эълон қилинади.

**БИРЖА ҚУРСИ** — фонд биржасида муомалада бўладиган қимматбаҳо қоғоз қиймати. Биржа курси ссуда проценти даражаси билан мазкур қимматбаҳо қоғознинг даромад бериш даражаси нисбати орқали аниқланади. Масалан, номинал баҳоси 100 сўм бўлган акция йилига 10 сўм дивиденд беради дейлик, унда омонатлар бўйича банк тўлайдиган ссуда проценти 5 % бўлса, бундай акциянинг бозор нархи 200 сўмни ташкил этади. Яна қ. *Қимматбаҳо қоғозлар*.

**БИРЖА МАЖЛИСИ** — биржа аъзолари мажлиси; қимматбаҳо қоғозлар ёки биржа товарларига талаб ва таклиф аниқланади ҳамда мажлис қатнашчилари б-н бевосита ёки брокерлар (маклерлар) орқали келишувлар расмийлаштирилади. Биржа мажлиси тартибини биржа қўмитаси белгилайди ва биржа аъзолари унга қатъий риоя қилишлари шарт. Биржа мажлиси ҳар куни маълум соатда ўтказилади.

**БИРЖА ОБОРОТИ** — биржада муайян давр давомида қилинган савдо-сотиқнинг ҳажми. Сотилган товарлар (товар биржасида) ёки қимматбаҳо қоғозлар мажмуи (фонд биржасида) нархи суммасида белгиланади. Шунингдек, фонд биржасида сотилган кимматбаҳо қогозлар сони биржа обороти кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

**БИРЖА ПОШЛИНАСИ** — биржада иштирок этганлик учун мижозлардан олинадиган ҳақ. У қуйидагилар учун ундирилади: биржа битимлари тузганлик, биржа бюллетенларидан фойдаланганлик, брокерлар тайинланганлик, биржа иштирокчилари ўртасидаги баҳсларни ҳал этганлик.

**БИРЖА ПРЕЗИДЕНТИ** — биржадаги бош мансабдор шахс. Уни ҳар бир биржанинг раҳбар органи тайинлайди.

**БИРЖА ФИРМАСИ,** биржали фирма — биржада ўзига жой сотиб олган, «ўз ўрни»га эга бўлган фирма. Бу фирма ҳар бир «ўрин» учун бир овозга эга бўлиб, биржа ишида мустақил иш юритадиган ташкилот сифатида қатнашади. «Ўрин» биржанинг ўзидан ё бошқа биржа фирмаларидан сотиб олинади, бу эса биржа фирмасининг қимматли активи бўлиб, ундан биржа низомида баён этилган шартларда фойдаланиш мумкин.

**БИРЖА ФОЙДАСИ** — биржада товарлар ва қимматбаҳо қоғоз-

лар сотишдан тушадиган фойда. Биржада товар сотишдан келган фойда табиатан савдо фойдасининг ўзи ва бу фойда икки хил бўлади: таъсис фойдаси, яъни акционер жамият — биржа таъсисчилари фойдаси, бу амалда қўйилган капитал билан сотиш учун чиқарилган акция суммаси ўртасидаги фарқдан иборат; курс фойдаси, бу акция ёки облигацияни сотиб олиш билан сотиш нархи ўртасидаги фарқ.

**БИРЖА ЧАЙҚОВЧИЛИГИ** — биржада қимматбаҳо қоғозлар ва товарлар олди-сотдиси билан шуғулланиш. Сотиб олиш ва қайта сотишда курс (ёки нарх) ўртасидаги фарқдан даромад олиш мақсадларини кўзлайди. Унинг асосан муддатли келишувларда учрайдиган репорт ва депорт кўринишлари бор:

репорт — биржада муддатли чайқовчилик келишуви, курс фарқини олиш мақсадларида қимматбаҳо қоғозлар курси кўтарилишини кўзлаб тузилади.

депорт — биржада чайқовчилик келишуви, курс фарқига эга бўлиш мақсадларида қимматбаҳо қоғозлар курси пасайишини кўзлаб тузилади.

**БИРЖА ШОВ-ШУВИ** — товарлар нархи ва баъзи қимматбаҳо қоғозлар курсининг қисқа муддат, аммо бирдан ғоят ошиб кетиши. Одатда, нархлар ўртасидаги фарқлар ҳисобига фойда олиш мақсадида сунъий равишда вужудга келтирилади.

**БИРЖА ҚОНУНЧИЛИГИ** — биржадаги савдони тартибга солиб турувчи қонунлар мажмуи. Асосий вазифаси — нархлар билан қаллоблик қилиш ҳамда синиш (банкротлик)ларнинг олдини олиш; майда фирмалар манфаатларини чайқовчилардан ҳимоя қилиш. Сўнгги 20 йил ичида биржа савдосини қонунчилик йўли билан тартибга солиш кучайди. Илгари кўпгина мамлакатларда биржа муомаласи асосан биржанинг ўзида ишлаб чиқилган меъёр ҳамда қонунлар асосида тартибга солинар эди. АҚШда 1973 йилдан *фьючер* биржалари ишини барча товар фьючер савдоси бўйича комиссия бошқаради. Унинг ходимлари таркибини президент тайинлайди ва конгресс тасдиқлайди. Англияда 1986 йилгача товар биржаси фаолиятини Англия банки кузатиб турган, 1986 йилдан қимматбаҳо қоғозлар ва инвестиция бўйича Кенгаш тартибга солади. Францияда бундай бошқариш фьючер товар бозори бўйича комиссияга, Японияда турли вазирликлар (молия, қишлоқ хўжалиги, ташқи савдо ҳамда саноат)га юклатилган. Ўзбекистонда 1992 йил 2 июлда «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида» Қонун қабул қилинди. 1992 йил мартдан Вазирлар Маҳкамаси қарори билан биржалар ишини мувофиқлаштирувчи *Ўзбекистон Республикаси биржалари кенгаши* ишлайди.

**БИРЖА ҚЎМИТАСИ** — бир ёки бир неча биржанинг кундалик ишларига раҳбарлик қилувчи доимий идора. Қўмита раиси ва аъзолари умумий мажлисда муайян муддатга сайланади. Биржа қўмитаси вазифалари: биржада савдо тартибини жорий этиш, қимматбаҳо қоғозларни биржага қўйишни назорат қилиш ҳамда биржа бюллетенини тузиш, биржа ишлари бўйича ҳукумат идоралари билан ҳамкорлик, биржа маклер (брокер) ларини тайинлаш, низоларни ҳал этиш. Биржада биржа қўмитасидан ташқари бошқа қўмиталар ҳам ишлайди.

**БИТИМЛАР** — фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тиклаш, уларни ўзгартириш ва тўхтатишга йўналтирилган фаолият. Битимларнинг энг кўп тарқалган тури — шартнома. Турли товар ва хизматлар битим мавзуи бўлиши мумкин. Хайр-эҳсон характеридаги битимларда

ҳадя қилиш, текин ёрдам бериш кўзда тутилса, тижорат битимларида товарлар олди-сотдиси, хизматларни пулга ёки бошқа товарга айирбошлаш мўлжалланади.

**БЛАНК-ВЕКСЕЛЬ** — вексель эгасининг имзоси, қарз миқдори ёки санаси каби одатдаги реквизитлардан бири ёки бир нечаси кўрсатилмаган вексель. Бланк-векселлар муомалага банк акцепти эвазига вексель эгаси (трассант) томонидан ҳам, қарздор томонидан ҳам чиқарилиши мумкин.

**БОЖ**, бож пули (ар. ўлпон, солиқ) — божхона назорати остида давлат томонидан мамлакат чегарасидан олиб ўтиладиган импорт товарлар, мол-мулк ва қимматбаҳо буюмлардан ундириладиган пул йиғимлари. У билвосита солиқ тури бўлиб, унинг мол чиқариш, мол киритиш ва мамлакат территорияси орқали ташиб ўтказиш (транзит) учун ундириладиган турлари мавжуд. Бож муайян товарлар рўйхати, товар миқдори, массаси, бирлиги, шунингдек, товар баҳоси (адвалор бож) бўйича белгиланган божхона тарифлари доирасида ундирилади.

**БОЖХОНА** — чегара орқали ўтадиган жами юкларни, шу жумладан, багаж ва почта жўнатмаларини назорат қиладиган давлат муассасаси; ўтказилаётган юкларни текшириш ва улардан божхона йиғимлари ундириш билан шуғулланади. Божхоналар, одатда денгиз ва дарё портларида, халқаро аэропортларда, темир йўл станцияларининг чегара пунктларида ва мамлакатнинг йирик марказларида жойлашади. Божхона муассасалари ташқи савдода мамлакат манфаати таъминланишини назорат қилади, божхонага юклатилган вазифаларни бажаради ва божхона қоидаларн бузилишига ҳамда контрабандага қарши кураш олиб боради. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожлана бориши муносабати билан божхона муассасаларининг ташкил этилиши ва вазифалари такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон территориясида божхоналар фаолиятини уюштириш ва унга раҳбарликни марказий божхона идораси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Божхона қўмитаси олиб боради.

**БОЖХОНА ДАРОМАДЛАРИ** — давлат бюджетининг даромад бандларидан бири. Мамлакат чегарасидан ўтаётган товарлардан бож ундириш натижасида ҳосил бўлади ҳамда божхона йиғимлари, чегара солиқ йиғимлари, жарималар ва божхоналар томонидан мусодара қилинган товарларни сотишдан тушган пулдан иборат.

**БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ** — миллий қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжат. Чегара орқали ўтаётган юк (экспорт-импорт товарлари, кишиларга тегишли юклар, қўлдаги анжомлар, валюта, қимматбаҳо буюмлар ва б.) ҳақидаги маълумотлар қайд этилади.

**БОЖХОНА ЙИҒИМИ** — божга қўшимча тарзда ундириладиган йиғимлар; статистик йиғим, марка йиғими, товарларни сақлаш ва омборларга жойлаш ва б. учун олинадиган ҳақлар.

**БОЖХОНА КОНВЕНЦИЯСИ** — кўп томонлама ёки икки томонлама халқаро келишув; иштирокчи давлатларнинг ўзаро савдо-сотиқда божлар ҳамда божхона расмиятчилиги масалаларини тартибга солишга хизмат қилади.

**БОЖХОНА СИЁСАТИ** — давлат иқтисодий ва ташқи савдо сиёсатининг таркибий қисми. Давлат томонидан мамлакатга импорт қилинаётган товарлардан бож ундириш ҳамда уларни божхонада расмийлаштиришда муайян тартибни жорий қилиш

мақсадларида қўлланиладиган тадбирлар тизими.

**БОЖХОНА ТАРИФЛАРИ** — давлат чегарасидан ўтказиладиган товарлардан ундириладиган божларнинг тизимга туширилган тўплами. Бож олинадиган товарлар номи ва таснифи, бож ставкаси, уларни ҳисоблаш ва тўлаш усуллари, бож олинмай ўтказиладиган мол (буюмлар) рўйхати, шунингдек олиб келиш, олиб кетиш, олиб ўтиш (транзит) тақиқланган маҳсулотлар рўйхати кўрсатилади.

**БОЗОР** — сотувчи билан харидор ўртасида товарни пулга айирбошлаш муносабати; товарлар билан олди-сотди муносабатлари, товар ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш ва пул муомаласи қонунларига биноан амалга оширилади. Бозорда икки жараён амалга ошади: бири товарларни сотиш, бунда товар пулга алмашади, яъни Т-П жараёни юз беради, иккинчиси товарни харид этиш, пулни товарга айирбошлаш, яъни П-Т жараёни амалга ошади. Айирбошлаш ихтиёрий ва эркин шаклланган нархларда олиб борилади. Айирбошлаш объектининг моддий шакли жиҳатидан олганда истеъмол товарлари ва хизматлар, ишлаб чиқариш воситалари, инвестиция, қимматли қоғозлар, илмий ғоялар, техникавий ишланмалар ва меҳнат (иш кучи) бозорлари мавжуд. Айирбошлаш миқёси жиҳатидан маҳаллий, ҳудудий, миллий ва жаҳон бозори, ички ва ташқи бозорлар бор (қ. *Жаҳон бозори, Миллий бозор, Регионал бозор*).

Товарларнинг четдан келишига қараб очиқ бозор, ёпиқ бозор (ички бозор) сингари турлари учрайди. Олди-сотди миқдори, яъни товар обороти ҳажмининг ўзгаришига қараб кенгаювчи бозор ва тораювчи бозорга бўлинади.

Амал қилиш характери жиҳатидан бозор уч хил бўлади: тартибсиз (стихияли), режали ташкил этилган ва, ниҳоят, бошқариладиган бозор. Стихияли бозордан тартибли, режали ташкил этилган бозорга ўтиш маданийлашган жамиятга хос. Ҳозир ҳеч бир мамлакатда стихияли бозор ҳукмрон эмас, аксинча бошқариладиган бозор етакчи мавқега эга. Собиқ СССР ҳудудида бозор иқтисодиётига ўтишга қадар асосий бўлмасада, стихияли бозор мавжуд бўлиб, саноат молларининг *чайқов бозори* ва деҳқон бозори унинг кўринишларидир.

**БОЗОР ИНТЕРВЕНЦИЯСИ** — миллий ёки регионал бозорга ташқаридан суқилиб кириш ва уни ўзига тобе этиш. Хорижий товарлар муайян мамлакат ёки регион бозорини ҳимоя қиладиган тўсиқларни бартараф этиб, бозорга кириб олади ва шу ердаги товарлар билан рақобат қилади, харидорларни ўзига огдириб олади. Бозор интервенцияси ҳар хил воситалар билан амалга ошади: демпинг экспорт (ички бозордан ҳам паст баҳоларда экспорт) ишлатиш, юқори бож тўловларига ҳам рози бўлиш, бозор чаққон ерларда корхоналар қуриб, товар чиқариш, импорт қилувчи мамлакат ёки регионга моддий ёрдам кўрсатиш, сиёсий тазйиқ ўтказиш ва бошқалар.

**БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ** — бозор иқтисодиёти учун ҳар хил хизмат кўрсатувчи соҳалар; унга банклар, жумладан, тижорат банклари, биржалар, аукционлар, савдо уйлари, ташқи савдо фирмалари, давлатнинг ташқи савдо маҳкамалари, божхоналари, солиқ ундирувчи инспекцияси, тижорат ва соҳибкорлик идоралари, воситачи фирмалар, савдо-сотиқ уюшмалари, концернлар, консорциумлар ва бошқалар киради.

**БОЗОР КОНЪЮНКТУРАСИ** — бозорларда муайян ҳолатлар-

нинг мавжудлиги. Бозор конъюнктураси муайян даврдаги бозор ҳолати, бозорда мувозанатнинг мавжудлиги ёки бузилганлиги билан характерланади. Шунга кўра, бозор конъюнктураси ижобий ва салбий, қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин. Бозор конъюнктураси талабнинг ошиши билан характерланса, сотувчи учун қулай, чунки у товарини қимматга сотиб, ортиқча даромад кўради. Агар бозорда таклиф ортиқлик қиладиган бўлса, конъюнктура харидор учун қулай бўлади-товарни арзонга олиб, бундан наф кўради.

Бозор конъюнктурасини ўрганишда таҳлил этиладиган асосий масалалар: ишлаб чиқариш, талаб ва таклиф; товар ва уни сотиш; халқаро савдо; нархлар ҳолатлари; 1—1,5 йил учун олдиндан айрим тахминлар. Бозор конъюнктураси айрим товар ишлаб чиқариш миқёсига ва сотиб олувчиларнинг харид қобилиятига боғлиқдир, нарх-навога, моданинг ўзгаришига қараб ҳар хил бўлади. Бозорнинг келажакдаги ҳолатини ишлаб чиқаришнинг техникавий аҳволи, унга сарфланган қўшимча ресурслар ва уларнинг қайтим бериш муддатлари, товар захиралари динамикаси, экспорт ва импорт, шунингдек, нарх-наводаги ўзгаришлар йўналишига қараб аниқлаш мумкин. Бу билан товарлар т а к л и ф и ўрганилади. Инвестиция суммаси ва структурасига, меҳнат предметига бўлган талаб ва корхона, ташкилотлар пул сарфининг йўналишига қараб, шунингдек, аҳоли харид қобилиятини, унинг товарлар билан таъминланиши даражасини ҳисобга олиб т а л а б ўрганилади.

Бозор конъюнктураси тахминлари миллий, регионал ва жаҳон бозорларига, айрим товарларга нисбатан аниқланади. Бозор конъюнктурасини олдиндан кўра билиш иқтисодий тангликка йўлиқмаслик, бозор мувозанатига эришиги шарти ҳисобланади.

**БОЗОР МУВОЗАНАТИ** — бозордаги талаб ва таклифнинг миқдоран ва таркиби жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келиши. Бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий йўллари: товар ишлаб чиқаришни талаб даражасига етказиш орқали бозорни тўйдириш; етарли товарлар захирасини барпо этиш; талабгир товарлар нархини ошириш, ўтмай турган товарлар нархини пасайтириш; экспорт ва импортнинг ортиши ёки камайиши; аҳоли даромадларининг товарлар ва хизматлар кўпайишига қараб ортиб бориши; меҳнат унумдорлигининг иш ҳақига нисбатан тезроқ ўсиши. Бозор мувозанати маърифатли жамиятда бозорни тартибга солиш орқали таъминланади.

**БОЗОР МУҲОФАЗАСИ** — миллий бозорнинг ёки айрим товарлар бозорининг давлатнинг экспорт-импортни тартибга солувчи тадбирлари воситасида ҳимоя қилиниши. Бозор муҳофазаси четдан товар келтиришни чеклаш, тақиқлаш ёки бож тўловини ошириш орқали амалга ошади. Муайян давлатнинг бозор муҳофазасини бартараф этиш учун бошқа давлатлар ўз территориясида шу мамлакатдан чиқарилган товарларга бож тўловини оширб, ўз рақибини ён босишга мажбур қилади. Шу сабабли бож тўловлари ўзгариб туради. Бозор муҳофазасини четлаб ўтишнинг муҳим йўли илгари товар чиқарилган мамлакатга капитал чиқариб, муайян товарни ўша ернинг ўзида яратиш ва сотиш ҳисобланади. Масалан, Япония автомобиль фирмалари ўз товарини АҚШга киритиш йўлидаги юқори бож тўловларига чап бериш учун АҚШда ўз заводларини қуриб, чиқарилган автомобилни шу ернинг ўзида сотади. Бозор муҳофазаси мамлакатлараро савдо жангларида қўлланадиган истеҳком вазифасини ўтайди. Бир неча мамлакатлар учун умумий бозор ҳосил бўлгач, бо-

зор муҳофазаси учун ўрин қолмайди.

**БОЗОР РЕГУЛЯТОРИ** — ишлаб чиқаришни бозор орқали тартибга солишнинг иқтисодий воситаси бўлган нарх-наво. Муайян товарнинг бозор нархи ошса, уни ишлаб чиқариш юқори фойда келтиради. Бинобарин, ишлаб чиқариш омиллари фойда кам соҳадан серфойда соҳага кўчади. Бозор регулятори қайси товарни ва уни қанча сарф билан яратиш зарурлигини ишлаб чиқаришга етказади, товарлар дунёсини янгиланиб туришга ундайди. Бозордаги талаб ва таклиф нисбати нарх орқали ишлаб чиқаришга таъсир этади. Бозор регуляторига амал қилиш учун монополия бўлмаслиги, аксинча, эркин бозор рақобатига йўл берилиши зарур. Ишлаб чиқариш режа воситасида ҳам тартибга солинади. Нимани, қаерда ва қанча ишлаб чиқариш, унга қанча меҳнат сарфлаш зарурлигини режа орқали олдиндан белгилаш мумкин, лекин бунинг учун талабни ҳисобга олиш шарт.

**БОЗОР СЕГМЕНТАЦИЯСИ** — маълум белги-аломатларига қараб бозорнинг ҳар хил қисмларга ажратилиши, табақалаштирилиши. Бозорда қандай валютанинг юриши, ниманинг яхши сотилиши, харидорларнинг одат-анъаналари ва феъл-атворлари, уларнинг харид қобилиятига мувофиқ товар етказиб турилади. Бозор сегментацияси орқали товарларни кам сарф-харажатлар билан яхши нархда сотиш имкони яратилади.

**БОЗОР СТРУКТУРАСИ** — бозор мувозанати ҳолати; асосий кўринишлари: *монополия*, олигополия (гуруҳ ҳукмронлиги), монополистик *рақобат*, соғлом рақобат, *монопсония* ва б.

**БОЗОР ФОНДЛАРИ** — режали иқтисодиётда ички бозорда аҳолига шахсий истеъмол учун таклиф этиладиган товарлар мажмуи.

**БОЗОР ФУНКЦИЯЛАРИ** — бозор бажарадиган иқтисодий вазифалар. Унга асосан қуйидагилар киради: 1) товар айирбошлаш орқали ишлаб чиқариш билан истеъмолни бир-бирига боғлаш; 2) истеъмол буюмлари ва хизматларни аҳолига етказиб бериш орқали халқ фаровонлигини ошириш, иш кучининг такрор яратилишини таъминлаш; 3) ишлаб чиқариш воситаларини корхоналарга етказиб бериш орқали иқтисодиётнинг моддий асосини такроран яратиш ва ривожлантириш; 4) нархларнинг ўзгариши орқали талаб ва таклифни бир-бирига мослаштириш, пулни товарлар билан таъминлаб, пул муомаласининг барқарор бўлишига эришиш; 5) жамият аъзоларининг талаб-эҳтиёжларини ишлаб чиқаришга етказиб, уни шу йўлда ўстиришга эришиш; 6) товарларни ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатларнинг нақадар ўринли эканини, уларни жамият нақадар тан олишини аниқлаш, харажатларни пасайтиришга ундаш; 7) халқлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш.

**БОЗОР ҚОНУНЛАРИ** — пул воситасида бозорда товар айирбошлашнинг моҳиятини ифода этувчи, уни бошқариб турувчи объектив иқтисодий қонунлар. Улар жумласига *талаб ва таклиф қонуни* ҳамда *пул муомаласи* қонуни киради. Бозор қонунлари бозор муносабатлари соҳасида амал қиладиган қонунлар, объектив тарзда ҳаракат қилади. Бозорда талаб ошса, нархни ҳам оширадилар, агар пасайса, нархни ҳам туширадилар. Жамият бозор қонунларига риоя қилиб, муомалага фақат керакли миқдорда пул чиқаради. Агар пул кўпайиб, қимматчилик юз бериб, пул қадри тушиб кетса, ортиқча пул муомаладан чиқарилади, пул билан товар ўртасидаги мувофиқлик таъминланади. Бозор

қонунларини англаган ҳолда жамият *инфляция*га қарши тадбирларни амалга оширади. Бу қонунлардан уларни ифода этувчи иқтисодий (қиймат) дастакларга (нарх, процент, фойда, дивиденд, харажат ва ҳ. к.) таъсир этиб, уларни шароитга мослаштириш орқали фойдаланилади. Бунда бозор қонунларининг иқтисодиётга таъсири *бозор регулятори* орқали амалга ошуви назарда тутилади.

**БОЗОРДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАР** — режали иқтисодиётда давлат ва кооператив чакана савдони четлаб, истеъмол ва бошқа мақсадларга мўлжалланган товар фондларининг бир қисми, бозордан ташқари фондлар: армия таъминоти фондлари; саноат истеъмоли фондлари (бошқа товарларни ишлаб чиқариш жараёнида ёрдамчи материал сифатида ишлатиладиган маҳсулотлар); бюджет ҳисобидаги ижтимоий-маданий ташкилотлар таъминланадиган фондлар; махсус кийим-кечаклар, махсус пойабзаллар фонди; экспорт; давлат резерви.

**БОЗОРНИ БОШҚАРИШ** — бозор муносабатларининг муайян мақсад ва маълум йўналишда ривожланиб боришига қаратилган махсус фаолият. Уни давлат, корхоналар, бирлашмалар ёки корпорациялар амалга оширади. Бозор муносабатлари иштирокчилари бозорни бошқариш объекти бўлса, бошқарув идоралари унинг субъекти бўлади. Бозорни бошқариш — бозорни ташкил этиш, уни режалаштириш ва тартибга туширишдан иборат фаолиятни ўз ичига олади. Булар орасида бозорнинг тартибга туширилиши бошқаришнинг ҳал қилувчи бўғини ҳисобланади. Бозорни бошқаришда иқтисодий, ташкилий, маъмурий ва, ниҳоят, ижтимоий-психологик усуллар қўлланилади.

**БОЗОРНИНГ ТАРТИБГА ТУШИРИЛИШИ** — жамият номидан давлат амалга ошириладиган тадбирлар ва иқтисодий дастаклар ёрдамида бозорга фаол таъсир этиш, унинг маълум мақсад йўлида амал қилишига эришув. Бозорни тартибга тушириш воситалари туркумига давлат дастурлари, нархларнинг юқори чегарасини белгилаш, корхоналар барқарорлигини таъминлаш, нархларнинг ошиб кетишидан келган фойдани соliқлар орқали бюджетга олиш, товарни бозорга чиқариш ёки чиқармай туришни таъминлаш учун товар ишлаб чиқарувчиларга давлат ҳисобидан *субсидия*лар бериш ва б. киради. Бозорни тартибга туширишда албатта бозор қонунларини ҳисобга олиш шарт, у *бозор муассасалари*ни таъминлашга қаратилади.

**БОЙКОТ** (инг. boycott) — норозилик билдириш учун бирон-бир иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан бош тортиш. Иқтисодий алоқа юритувчи томонларнинг манфаати ўзаро зид келиб қолганда улардан бири бойкот эълон қилади, келишилган шартномани бажариш тўхтатилади. Савдо-сотиқ ишларида бойкот товарларни етказиб туришдан бош тортиш, олдин белгиланган нархдан воз кечиш кўринишларида юз беради. Бойкот вақтинча тадбир, томонлар муросага келгач, тўхтатилади.

**БОНД ОМБОРИ** — импорт товарларни бож тўламасдан сақлаш мумкин бўлган ва муайян божхонага бириктирилган омбор. Агар товарлар бонд омборидан мамлакат ичкарисига жўнатилса, бож тўланади. Бонд омборида товарлар маълум муддатгача сақланади, муддати ўтиши билан давлат фойдасига мусодара қилинади.

**БОНИФИКАЦИЯ** (фр. bonification, лат. bonus — марҳаматли, яхши) — товарларга ҳақ тўлаш усулларидан бири, келишувларда имтиёзларни таъкидлаш учун ишлатилади, масалан, товарнинг стандартдан ортиқ сифатлари

учун товар нархига кўшимча бериш, кўтара (улгуржи) савдо килганларга товарни арзонрок бериш, мамлакатдан чикариладиган товарларни харид килишда ундирилган соликларни кайтариш (экспорт боннфикацияси), давлатнинг кредитлар учун тўланадиган процентларни ўз гарданига олиб, *субсидия* бериш сингари кўринишлари бор.

**БОНЛАР** — 1) айрим муассаса ва корхоналар, давлат хазинаси томонидан чикариладиган карз мажбуриятлари; 2) майда пул сифатида вактинчалик муомалага чикариладиган когоз пул.

**БОНУС** — 1) кўшимча мукофот, хизмат хаки; 2) алохида келишувга ёки сотиш шартномасига, асосан, сотувчи томонидан харидорга бериладиган кўшимча енгиллик.

**БОШЛАНҒИЧ (КЎР) ПАЙ** — ширкат аъзоларининг умумий иш учун кўшган дастлабки пул маблағи (кооператив пай, акционер пай ва б.). Бошланғич (кўр) пай кўшиш корхона эгасига айланишнинг шарти хисобланади ва корхона мол-мулкида унинг илк хиссасига тенг бўлади. Агар сотиладиган корхона акционерлашган бўлса бошлангич пай кўшган киши дастлаб унинг суммасига тенг акцияни, акция микдорига караб эса дивиденд олади. Бошланғич пай жамоа мулкини барпо этиш йўлларидан бири, бозор иктисодиётига ўтишнинг энг зарур шарт-шароити хисобланади.

**БРАКЕРАЖ**, мол назорати — товарининг сифати, безатилиши ва транспортбоп килиб ўралиши белгиланган стандарт ёки шартнома шартларига мос келишини текшириш. Бракераж махсус давлат ташкилотлари ёки хакам брокерлар томонидан бажарилади.

**БРОКЕР** (инг. broker), маклер — фонд, товар, валюта биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик (даллоллик) киладиган айрим шахс ёки фирма. Улар фонд ва товар биржаларида, валюта, суғурта ва фрахт бозорларида сотувчилар хамда харидорлар (мижозлар) ўртасида олди-сотди килишга ёрдам беради. Брокерлар одатда мижоз топшириғига кўра ва унинг хисобига иш юритади, кафолат берувчи хисобига ўз номидан савдо битимлари тузиши хам мумкин. Воситачилик битимлари, асосан, брокерлик идоралари, фирмалар ёки уларнинг филиаллари оркали расмийлаштирилади. Воситачилик килгани учун томонларнинг келишувига кўра ёки биржа кўмитаси жорий этган такса (катъий бахо)га мувофик, олди-сотдининг муайян проценти микдорида хак (брокериж) олади. Йирик брокерлик идоралари харидорга карз беришда банклар билан хамкорлик килади, айрим холларда ўзлари кредитор бўладилар, битимлар бажарилишига кафилликни хам ўз гарданларига оладилар. Катта брокер гоф-брокер деб аталади.

**БРОКЕРЛИК ВАКОЛАТХОНАЛАРИ** — тижорат банкларида биржа харакатларини амалга ошириш учун очиладиган воситачилик ваколатхоналари. Улар корхона, ташкилотлар ва хусусий шахсларга бошлангич нархини белгилаб, кимматбахо когозлар, векселлар, акция ва облигацияларга харидорлар топишга ёрдам беради.

**БУРДСИЗЛИК ТЎЛОВИ** — к. *Неустойка*.

**БУМ** (инг. boom — шов-шув) — товарлар нархлари ва кимматбахо когозлар курсининг кўтарилиши, биржа чайковчилигининг авж олиши кўринишида юз берадиган саноат, савдо ва бошка хўжалик сохалардаги киска муддатли сунъий юксалиш.

**«БУФЕР» КРЕДИТЛАР**, калкон кредитлар — Халкаро валюта фонди берадиган кре-

дит тури. Жаҳон бозорларида хом ашё нархини барқарорлаштириш мақсадида барпо этиладиган хом ашё товарларининг буфер ғамламаларини молиялашга ажратилади.

**БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ** — корхона фаолиятининг пул ҳисобидаги кўрсаткичи тизими. Ҳисобот санасида маблағларнинг сарфланиши, манбаи ва мақсадини таърифловчи жамловчи жадвалда акс эттирилади. Икки қисмдан иборат: чап томони актив, ўнг томони пассив. Актив ва пассив натижалари тенг бўлиши керак. Бухгалтерия баланси — республикамиздаги ҳар қандай корхона бухгалтерия ҳисоботи учун энг муҳим формалардан бири (1-форма).

**БУШЕЛЬ** (инг. bushel) — суюқлик ва сочилувчан моддаларнинг АҚШ ва Англияда ишлатиладиган ҳажм ўлчов бирлиги: 1 инглиз бушели=36,3687 л; 1 америкаи бушели=35,2393 л.

**БУЮРТМАЛАР ПОРТФЕЛИ** — муайян сана ёки белгиланган муддат ичида фирмага тушган буюртмалар мажмуи. Буюртмалар портфели оз-кўплигига қараб муайян товарлар бозоридаги ҳолат аниқланади.

**БЭКВОРДЭЙШН** — нақд товарлар нархи муддати келишилган товар нархига қараганда, тез фурсатда етказиб бериладиган товар нархлари кечикиброқ етказиладиган товарлар нархига нисбатан қимматроқ бўлган ҳолат (*контанго*нинг акси). Масалан, февралда (1 т учун доллар) нақд соя дони 300, март ойида етказиб берилганда — 290, май ойида 280, июлда — 270, авғустда — 265, сентябрда — 250, ноябрда — 230 бўлиши мумкин. Бозордаги нархларнинг бундай нисбати, одатда, омборларда товарларнинг етишмаслиги (ҳосил бўлмаганлиги, иш ташлашлар оқибати ва б.) билан, келгусида эса таклифнинг ортишига ишониш (масалан, янги ҳосил ҳисобига) билан боғлиқ. Бу даврда бозор ўта асабийлиги, нархларнинг ғоят паст-баландлиги, чайқовчиликнинг кучайиши билан ажралиб туради.

**БЮДЖЕТ** (инг. budget — халта) — давлатнинг маълум муддатга мўлжаллаб тузилган ва қонун билан тасдиқланган даромадлари ҳамда харажатлари ҳисоби бандлар бўйича тақсимланган ҳужжат. Аксарият ҳолларда давлат, шаҳар, корхона, муассаса ёки бир оиланинг муайян муддатда кутиладиган даромадлари ва ҳаражатларининг тахминий ҳисоби ҳам бюджет деб юритилади. Харажат қисми даромад қисмидан ортиқ бўлса, бюджетнинг тақчиллигини билдиради. Бюджет даромадининг харажатдан устунлиги ижобий қолдиқни ҳосил қилади. қ. *Давлат бюджети.*

# В

**ВАЛЮТА** (итал. valuta, лат. valere — қадрланмоқ, қиймат) — 1) мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қоғоз); 2) чет давлатларнинг пул белгилари ва чет мамлакат пул бирликларида ифода этилган ҳамда халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган муомала ва тўлов, кредит воситалари (векселлар, чеклар, ЭКЮ ва б.). Валюталар эркин алмаштириладиган (эркин юрадиган) — ҳар қандай чет эл валютасига чекланмаган миқдорда алмаштирилади, ҳар қандай мамлакатга эркин ўтказилади, қисман алмаштириладиган — валюта алмашуви у ёки бу эгалар, у ёки бу валюта ҳаракатлари билан чегараланади, алмаштирилмайдиган (берк) валюта — бир мамлакат доирасида амал қиладиган турларга бўлинади. Халқаро

тўлов муомаласи эркин алмаштириладиган ёки *Халқаро валюта фонди* белгилаган курс бўйича эркин алмаштириладиган валюта билан бажарилади. Халкаро валюта фонди АҚШ долларини, Германия маркасини, Швейцария франкини, Англия фунт стерлингини ва Япония иенасини бошқа ҳар қандай мамлакатлар валютасига эркин алмаштириладиган валютага киритади.

Ташқи савдо шартномаларида товар нархи ифодаланган пул бирлиги нарх валютаси, товарнинг ҳақи тўланадиган ёки халқаро кредит қарзлари қайтариладиган пул бирлиги тўлов валютаси деб юритилади.

**ВАЛЮТА АРБИТРАЖИ** (фр. arbitrage) — 1) бир бозордан чет эл валютаси, қимматбаҳо қоғозлар ёки товарларни бир йўла сотиб олиб, бошка бозорда нисбатан юқори нархда сотиш; 2) турли биржа марказларидаги ҳар ҳил нарх даражаларидан фойдаланиб қоладиган биржа битими (*«спот»* ёки муддатли).

**ВАЛЮТА АУКЦИОНИ** — чет эл валютасининг миллий валютага кимошди савдоси орқали келишилган баҳоларда сотилиши. Аукционда корхоналар, фирма, ташкилот, акционер жамиятлар ва фуқаролар иштирок этиши мумкин. Ихтиёрида чет эл валютаси бўлган банклар валюта аукциони ташкил этадилар.

**ВАЛЮТА БОЗОРИ** — чет эл валюталари ва чет эл валюталари ҳисобида тўлов ҳужжатларини олди-сотдиси бўйича барқарор иктисодий ва ташкилий муносабатлар тизими. Валюта бозори валюта хатарини сугурталаш, валюта заҳираларини диверсификациялаш, валюта сарфлари билан боғлиқ турли тадбирларни ҳам қамрайди. Уни миллий ва халқаро банклар, шунингдек, биржалар амалга оширади. Хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви натижасида йирик халкаро валюта бозорлари Лондон, Париж, Нью-Йорк, Франкфурт-Майн, шунингдек, Токио, Сингапур, Гонконг, Баҳрайнда муваффакият билан фаолият олиб бормоқда. Ҳозирги даврда валюта бозорларидаги битимларга биноан валютани олди-сотди қилиш ҳажми йилига 50 триллион доллардан ортиқ суммани ташкил этади. Валюта бозорида муомалалар валютани нақд етказиб бериш (спот) билан ёки валютани келишилган вақтдаги курс бўйича маълум муддатда (1—3 ой ва ундан кейин) етказиб бериш (форвард) шаклида амалга оширилади. Аксарият валюта муомалалари АҚШ долларида олиб борилади.

**ВАЛЮТА ИЗОҲИ** — ташқи савдо контрактлари ва халқаро кредит, тўлов ва бошқа битимларга киритиладиган алоҳида шарт. Экспортёр ёки кредиторни тўлов валютаси қадрсизланиши хавфидан суғурта (муҳофазалаш) мақсадини кўзлайди.

**ВАЛЮТА ИНТЕРВЕНЦИЯСИ** — йирик давлатларнинг валюта бозоридаги муомалаларга миллий ёки чет эл валюталарининг курсини ошириш ёки тушириш мақсадида чет эл валютасининг катта суммасини ёки олтинни сотиб олиш йўли билан аралашуви. Мамлакат ўз валютаси курсини оширишдан манфаатдор бўлса, банк ва хазина ўз ихтиёридаги чет эл валютасини сотиб, миллий валютани харид қилади; ўз валютаси курсини пасайтирмоқчи бўлса, чет эл валютасини кўп миқдорда сотиб олади, миллий валютани сота бошлайди. Валюта интервенциясини марказий банклар амалга оширади.

**ВАЛЮТА ҚРИЗИСИ** — қ. *Валюта танглиги.*

**ВАЛЮТА ҚУРСИ** — мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси. Валюта курсининг қатъий қайд этилган ва ўзгариб турадиган (валюта бозоридаги

у ёки бу валютага талаб ва таклифга караб) турлари мавжуд. Валюта савдоси амалиётда валюта юкорирок курс (сотувчи курси) бўйича сотилади, сотиб олишда эса пастрок курс (харидор курси) кўлланилади. Валюта курсининг икки даражаси ўртасидаги фарк (маржа) банкнинг валюта муомаласидан оладиган даромадини ташкил этади.

Валюта курсини расмий кўтариш (ревальвация) мамлакатни капитални четга чикаришдан манфаатдор килади, чунки чет эл валютасини арзонрок харид килишга имкон туғилади. Чет эл валютаси курсининг валюта биржасида махсус идора томонидан белгиланиши ва махсус бюллетенларда нашр килиниши валюта *котировка*си дейилади. Марказий эмиссия банки белгилайдиган расмий валюта курсини хукумат белгилайдиган махсус ёки валюта бозорида вужудга келадиган эркин валюта курсидан фарк килиш керак. Валюта курси талаб ва таклифнинг жорий нисбати асосида доимо ўзгариб турадиган бирликдир.

**ВАЛЮТА МАЖМУИ** — чет эл валюталарига нисбатан миллий валюта курсини белгилашда давлат идоралари мўлжал оладиган валюталар мажмуи. Валюталар мажмуасига мурожаат килиш зарурати турли валюталар курсининг бекарорлиги билан боглик.

**ВАЛЮТА ОПЦИОНИ** (нем. option, лат. optio — танлаш) — шартномада мукобил валюта шартларини танлаш хукуки. Валюта опциони шартномада изохланади, тегишли томонга маълум муддат ичида ёки маълум холат вужудга келган шароитда бошка валютага ўтиш имкониятини беради. Бу хол валюта арбитражи учун имкониятлар хам яратади. Опцион тўловнинг жойи, усули, шакли билан боғлик бўлган валюта шартларидан келиб чикади. Шартнома ёки контракт тузишда валюта опциони шартларини аник ифода килиш мухим амалий ахамиятга эга, яъни жиддий фойда ёки зарар кўриш билан боғлик, чунки опцион тўловни келишилган муддатининг исталган кунида тўлаш еки тўлашдан воз кечиш имкониятини беради.

**ВАЛЮТА РЕЗЕРВЛАРИ** — к. *Валюта фонди.*

**ВАЛЮТА ТАНГЛИГИ**, в а л ю т а к р и з и с и — пул-кредит тизимининг чукур издан чикиши; мамлакат ичидаги пул муомаласини хамда халкаро хисоб-китобларни камраб олади. Бу жараён олтин стандартини бекор килишда, коғоз пул муомаласига ўтишда узлуксиз инфляцияда ўз ифодасини топади. Умумий ва хусусий валюта танглиги фаркланади. У м у м и й в а л ю т а т а н г л и г и иктисодиётдаги умумий тангликнинг таркибий кисми бўлиб, сурункали давом этади. Валюта танглигининг асосий хусусияти олтиннинг пул сифатида ўз кадрини йўкотиши ва валюталарнинг кадрсизланишидир. Х у с у с и й в а л ю т а т а н г л и г и вактинчалик хусусиятга эга бўлган омиллар (умумий иктисодий кризис, уруш ва бошкалар) натижасида юзага келадиган алохида бир давлатдаги валюта танглигидан иборат.

**ВАЛЮТА ТИЗИМИ** — валюта харакати билан боғлик бўлган иктисодий ва хукукий муносабатлар мажмуи. Миллий, регионал ва жахон валюта тизимлари мавжуд. Валюта тизимининг асосий вазифаси мамлакат ичида ва мамлакатлараро пул хисоб-китобларини таъминлаш учун шароит яратишдир. Валюта тизимининг мухим унсурлари: *валюта курси* режими, валюта чеклашларининг бор ёки йўклиги, халкаро хисоблар шакли, валюталарни ўзаро кайтариш шароитлари, халкаро валюта ва олтин бозорлари режими, халкаро валюта-кредит ташкилотларининг хукукий холати (масалан, *Халкаро валюта фонди*).

**ВАЛЮТА ФОНДИ** — марказий банк ва молия идоралари ёки халқаро валюта-кредит ташкилотлари ихтиёридаги халқаро ҳисоб-китоб ва тўловлар учун фойдаланиладиган чет эл валютаси ва олтин жамғармалари. Ҳозирги ўзгарувчан *валюта курси* шароитларида валюта фондидан валюта курсини пасайиб кетишдан *сақлаш* учун фойдаланилади. Мамлакатнинг валюта фондига давлат экспорт-импорт муомаласини молиялашга мўлжалланган ва корхоналар ихтиёрида бўлган чет эл валютаси, чет эл валютасидаги сўм ҳисобидаги пул воситалари ҳамда фуқароларнинг валюта жамғармалари киради.

**ВАЛЮТА ҚАМАЛИ** — давлат органлари томонидан банклардаги ҳисоб варақаларида турган чет эл валютасидан фойдаланишни чеклаш ёки бутунлай тўхтатиш.

**ВАЛЮТА ҲИСОБ ВАРАҚАСИ** — корхона ва бирлашмаларнинг банкда чет эл валютаси сақланадиган ҳисоб варақаси. Бу ҳисобда чет эллик мижоз ва ҳамкорлардан тушган тўловлар, кредитга, ҳайрияга олинган валюта воситалари тўпланади.

**ВАЛЮТАГА ТОВАР СОТИШ** — мамлакат ички бозорида конвертирланадиган чет эл валютасига мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган ва хориждан келтирилган товарларни сотиш; *чакана савдо*нинг янги шакли. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун валюта тўплаш зарурати дан келиб чиққан; валютага мол сотиш билан махсус фирмалар ва савдо уйлари шуғулланади.

**ВЕКСЕЛНИ ХАТЛАБ ОЛИШ ПРОЦЕНТИ**, векселни ҳисобга олиш проценти — банк вексель, қимматбаҳо қоғозларни хатлаб олиш вақтида оладиган ҳақ. Қимматбаҳо қоғозларнинг номинал қиймати билан векселни сотиб олишда банк тўлайдиган сумма миқдори ўртасидаги айирмага тенг. Масалан, номинал нархи 100 минг сўм, муддати 3 ойда тугайдиган вексель сотиб олинса, банк вексель сотувчига 97 минг сўм тўлайди, бу ҳолда хатлаш проценти 3 минг сўмни ташкил этади ва хатлаш проценти ставкаси 12 % га тенг бўлади (3/100:3×12×100). Ғарбда кенг тарқалган.

**ВЕКСЕЛЬ** (нем. wechsel — айирбош) — муайян миқдордаги қарзни белгиланган муддатда қатъий тўлаш мажбурияти юкланган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда тўлдириб расмийлаштирилган қарздорлик тилхати; қимматбаҳо қоғоз. Унинг оддий (қарздор томонидан тўлдириладиган) ва ўтказма (қарз берувчининг қарзни қачон ва кимга қайтариш ҳақидаги ёзма буйруғи) шакллари бор. Ўтказма вексель (тратта) айниқса халқаро ташқи савдода кенг тарқалган. Ўтказма вексель эгаси трассант, вексель бўйича қарздор трассат деб юритилади. Векселнинг амал қилиш муддатини чўзиш вексель пролонгацияси деб аталади. У қонунга мувофиқ ёки қарздор ва қарз берувчининг ўзаро келишувига кўра расмийлаштирилади.

**ВЕКСЕЛЬ БЎЙИЧА КАФИЛЛИК** — қ. *Аваль*.

**ВЕНЧУР КОРХОНАЛАР** — кичик бизнеснинг бир тури, илмий-муҳандислик ишлари, янги техника, технология, товар намуналарини яратиш, ишлаб чиқаришни бошқариш, тижорат ишини ташкил этиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, йирик фирмалар ва давлат ижара контракти буюртмаларини бажариш. Улар таркибида тижоратда воситачи бўлган корхоналар ҳам бўлади. Венчур корхоналар техниканинг янги йўналишларида иш кўриб, фан, техника тараққиётига ҳисса қўшади.

**ВЕНЧУР МОЛИЯЛАШТИРИШ** — воситачи корхона ва ташкилотлар ёрдамида молиявий маблағ топиб ишлатиш. Воситачи фирмалар маблағга муҳтож корхоналарга пулдор шерик ёки қарз олиш манбаини топиб беради. Венчур молиялаштириш юз берганда воситачи ўз хизмати учун ҳақ олади. МДҲ да ҳам ҳар хил воситачи фирмалар ташкил топмоқда.

**ВИНДИКАЦИЯ** (лат. windicatio) — мулк эгаси (даъвогар)-нинг ўз мулкини шу мулкка қонунсиз эгалик қилаётган ҳар қандай учинчи шахсдан суд орқали талаб қилиши.

**ВОСИТАЧИЛАР**, даллоллар — юк ташиш, сақлаш, суғурта, товарлар сотиш, уларни харид этиш, қарз пули топиб бериш, шунингдек, ишсизларни иш билан таъминлаш каби соҳаларда муомала ишларини амалга оширадиган алоҳида шахслар ҳамда муассасалар. Ўз ҳисобидан иш кўрадиган, ишлаб чиқариш-истеъмол занжирида мустақил бўғин ҳисобланган савдогарлардан фарқ қилиб, воситачилар кафолатчи ҳисобига иш кўрадилар ва эвазига улардан мукофот оладилар. Воситачилар вақтинча ишсизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга (қ. *Брокер, Дилер*).

# Г

**ГАРОВ**, закалат — пул қарз олинганда қарз олувчи уни қайтариб бериши кафолатига қўйилган мулк. Қарз тўланмаса, мулк қарз берувчи ихтиёрига ўтади.

**ГЕРБ БЕЛГИСИ** — тижорат ва молиявий ҳужжатлар, шартнома, вексель, чек ва шунингдек, айрим маркаларни тузиш учун мўлжалланган махсус босма иш қоғози. Уларни сотиш йўли билан давлат герб (тамға) йиғимини олади.

**ГЕРБ СОЛИҒИ** — турли келишувларни расмийлаштириш, компанияни ёки унинг акционерлик капитали кўпайганлигини рўйхатга олиш, ишончнома, ижара, облигация, акция ва қимматбаҳо қоғозларни ўтказиш ҳақидаги шартномалар, васийлик, воситачилик, вакиллик тўғрисидаги битимлардан олинадиган солиқ.

**ГИПЕРИНФЛЯЦИЯ** — ҳаддан ташқари инфляция, нархнинг шиддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши. Гиперинфляциянинг яна бир муҳим белгиси — корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли нима қилиб бўлса ҳам товар сотиб олиш мумкин бўлган, қадри юқори пул-валюта йиға бошлайди. Гиперинфляция шароитида нарх-навони мутлақо тартибга солиб бўлмайди, *бартер* авж олади, пул ўз вазифаларини бажармай қўяди. Гиперинфляция иқтисодий ҳалокат демакдир. Унинг олдини олиш учун шошилинч ҳолда инфляцияга қарши чоралар кўрилади.

**ГРАНТ** — илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказишда давлат томонидан молиялаштириладиган буюртма.

**ГУДВИЛЛ** — 1) фирма ишбилармонлик алоқаларининг тахминий баҳоси. Моддий ишлаб чиқариш доирасига кирмайдиган соҳаларда фирма жамғарган активлари «нархи» (савдо маркаси обрўси, ишбилармонлик алоқалари тажрибаси, барқарор мижозлар); 2) мижозларнинг ҳайриҳоҳлиги, илтифоти, мойиллиги; 3) муайян фирманинг турдош фирмалар ўртача даромадига қараганда кўлга киритиш мўлжалланган ортиқча даромадини пулда ҳисоблаш; 4) се-

зилмайдиган асосий капитал, сезилмайдиган активлар (умуман корхона баҳоси билан унинг мавжуд асосий капитали баҳоси ўртасидаги фарк).

# Д

**ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ** — давлат томонидан корхона ва хўжаликларга муайян маҳсулот турини тайёрлаш, ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва илмий тадқиқот характеридаги ишларни бажариш бўйича бериладиган топшириқ. Уни бажариш махсус шартнома билан келишилади, биринчи навбатда ижтимоий эхтиёжларни қондириш мўлжалланади. Давлат буюртмасини бажариш, айникса бозор шароитларида, корхоналарга муайян имтиёзлар яратади: давлат хом ашё таъминоти, иш ўринлари ва маҳсулот сотилишини кафолатлайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан давлат буюртмасининг ҳиссаси кескин камаяди. Аммо баъзи доираларда: мудофаа, фан, соғлиқни сақлашнинг айрим тармоқлари, болалар истеъмоли предметлари ишлаб чиқариш ва бошқа шу каби соҳалар учун давлат буюртмаси сақланиб қолади.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ** — марказлашган давлат пул фондини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг асосий молиявий режаси. Давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши б ю д ж е т т а қ ч и л л и г и деб аталади. Давлат бюджети ҳажми унга келиб тушадиган даромадларга боғлиқ (к. *Бюджет*).

**ДАВЛАТ ЗАЕМЛАРИ** — бюджетга пул тўплаш мақсадида давлат номидан чиқариладиган ва сотиладиган, давлатнинг қарздорлигини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз. Қарзни қоплаш муддатларига кўра қ и с қ а м у д д а т л и (1 йиллик), ў р т а м у д д а т л и (2—5 йиллик), у з о қ м у д д а т л и (5 ва ундан ортиқ йиллик); даромаддорлигига қараб п р о ц е н т л и ва ю т у қ л и; тарқатилиш жойига қараб мамлакатнинг ўзида тарқатиладиган и ч к и ва хорижий давлатларга кредит тарзида бериладиган — т а ш қ и з а ё м л а р мавжуд.

**ДАВЛАТ КОРХОНАСИНИ АКЦИОНЕРЛАШ** — корхонани давлат мулкидан акционерлар жамоаси мулкига айлантириш. Давлат корхонасини акционерлаш корхона мол-мулкини инвентаризациялаш, қайтадан ҳисоб-китоб қилиб чиқишдан бошланади. Корхонанинг асосий фондлари ва оборот маблағлари миқдори аниқланиб, шу миқдорга тенг суммада акция чиқарилади. Акцияни, энг аввал корхонада ишловчи ишчи ва хизматчилар, сўнгра бошқа корхона, ташкилотлар, ҳатто банклар ва ниҳоят, корхонага алоқаси бўлмаган фуқаролар сотиб оладилар. Агар бу пул корхонанинг қийматини қоплашга етмаса, акциянинг бир қисми насияга сотилади ва уни олганлар қарздорга айланади. Акционерлашган корхона ўзини-ўзи бошқаради, эркин, мустақил товар ишлаб чиқарувчига айланади, унинг давлат билан муомаласи солиқ тўлашдан иборат бўлади. Давлат корхонасини акционерлаш иқтисодиётни демократиялаш, бозор муносабатларига ўтиш учун зарур тадбир ҳисобланади.

**ДАВЛАТ МУЛКИ** — асосий мулкчилик шаклларидан бири. Давлат мулки икки йўл билан пайдо бўлади: а) хусусий мол-мулкни миллийлаштириб, давлат қўлига олиш; б) давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар қуриш. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кучайиши билан давлат мулки ривож топади, лекин унинг монополияси ўрнатилгач, рақобатга халақит беради. Нати-

жада давлат мулкини *реприватизация*лаш юзага келиб, бошқа мулк шакллари кучайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан иқтисодиётни демократиялаш давлат мулки монополиясини тугатишни тақозо қилади. Давлат мулкининг ҳукмронлик доираси кескин қисқаради. Давлат мулки асосан жамоа мулкига, фуқаролар мулкига ва хусусий мулкка айлантирилади.

**ДАВЛАТ РЕНТАСИ** — давлат муддатсиз облигация қарзига тўлов тури. Давлат қарзга олган капиталга ҳар йили маълум даромад (рента) тўлаб туриш мажбуриятини олади.

**ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯЛАРИ** — бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, бу тўловларнинг тўғрилигини назорат қилиш ҳамда солиқ қонунчилигига риоя қилиш мажбурияти юклатилган ташкилот. Бозор иқтисодиётига ўтиш, корхоналар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар хўжалик мустақиллигининг кенгайиши, даромад ва фойдаларнинг шаклланиши солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни давлат фойдасига ўз вақтида ва тўғри ундириш устидан давлат назоратини ўрнатиш заруратини келтириб чиқарди.

Давлат солиқ инспекциялари тизимига Ўзбекистон Молия вазирлиги Бош давлат солиқ инспекцияси, вилоят, район, шаҳар, шаҳар районлари давлат солиқ инспекциялари киради. Солиқ инспекциялари мустақил ташкилот бўлиб, барча корхоналар, муассасалар ва хусусий шаклдаги ва бошқача ташкилотларни, фуқароларнинг пул ҳужжатлари, бухгалтерия қайд китоблари, ҳисоботлари, режалари, смета, декларациялари ҳамда бюджетга солиқ тўлаш ва бошқа мажбурий тўловларга боғлиқ бўлган ҳужжатларни текшириш, зарур тушунтиришлар, текширув даврида ноаниқ саволлар бўйича маълумотлар олиш ҳуқуқига эга.

**ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ШАКЛЛАРИ** — 1) давлат корхонасини акционер жамият, бошқа хўжалик жамоаси ёки ширкатга айлантириш; 2) давлат корхонаси мол-мулкини меҳнат жамоаси аъзолари томонидан сотиб олиниши; 3) ижарага берилган давлат корхонаси мол-мулкини ҳуқуқий ва жисмоний шахс бўлган ижарачи корхона ёки бошқа ижарачи томонидан сотиб олиниши; 4) давлат корхоналарини ҳуқуқий шахслар ва фуқароларга танлов бўйича ёки кимошди савдосида сотиш.

**ДАВЛАТ ТОМОНИДАН РЎЙХАТГА ОЛИШ** — давлатнинг молия идоралари томонидан давлат, кооператив корхоналарни ва жамоат ташкилотлари корхоналарини рўйхатдан ўтказиш. Мақсад — корхоналарнинг барпо этилиши, қайта тузилиши ва тугатилишининг қонунийлигини назорат қилишдир.

**ДАВЛАТ ҚАРЗИ** — давлатнинг ўз фуқаролари, банклар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек хориж мамлакатлардан қарзи. Ўз манбаига қараб и ч к и  в а  т а ш қ и  д а в л а т  қ а р з и г а бўлинади. Давлат ўз харажатларини даромади билан қоплай олмай қарз олади, қарз ҳисобидан ўз бюджетининг камомадини вақтинча қоплайди. Давлат заёмлар чиқариб, уларни аҳолига, корхоналар ва ташкилотларга сотади. Ташқи давлат қарзи давлатнинг хориж мамлакатларидан (халқаро молия-валюта ташкилотлари, ҳукумат ва марказий банклар, хусусий банклар) олган қарзининг умумий миқдори ва улар бўйича процент тўловларидан иборат. К а п и т а л  д а в л а т  қ а р з и (тўлаш муддати келмаган қарз) ва ж о р и й  қ а р з л а р (тўлаш муддати шу ёки яқин бюджет йилида бошланадиган)га бўлинади. Давлат харажатлари кўпайиб кетса, унинг қарзи ортади. 1990 йилда

собиқ СССРда ички давлат қарзи 500 млрд. сўмдан ортиб кетди, ташқи қарзи 48 млрд. долларни ташкил этди. Ҳақиқий давлат қарзини қисқартириш йўли давлат даромадларини ошириш, унинг харажатларини энг зарур миқдорга келтиришдир. Бу ўринда ҳарбий харажатларни қисқартириш алоҳида аҳамиятга эга.

**ДАВЛАТ ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАРИ** — пул ресурсларини сафарбар қилиш, қарзларини жойлаштириш мақсадида давлат корхоналари, маҳаллий ҳокимият идоралари, марказий ҳукумат томонидан чиқариладиган облигация, хазина векселлари ва давлатнинг бошқа мажбуриятлари.

**ДАЛЛОЛЛАР** — қ. *Воситачилар.*

**ДАЛЛОЛ ПУЛИ** — қ. *Куртаж.*

**ДАРОМАДЛАРНИ ИНДЕКСЛАШ**, даромадлар индексацияси — истеъмол буюмлари нархлари даражасининг ошишига мувофиқ равишда турли аҳоли тоифаларининг номинал даромадларини мунтазам ўзгартириш (иш ҳақи, нафақа, стипендия, пенсия ва бошқа тўловлар миқдорини ошириш). Нарх-наво индекси тирикчилик учун зарур товарлар йиғиндиси — озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзғор товарлари, хизматлар бўйича ҳисобланади (қимматбаҳо буюмлар, автомашина, биллур ва бошқа нодир товарларга қилинадиган харажатлар бу ҳисобга кирмайди). Биринчи навбатда энг кам даромад олувчилар ва даромади қатъий бўлган аҳоли тоифалари даромади индексланади.

**ДАРОМАДЛАРНИ МУЗЛАТИШ** — аҳоли пул даромадларининг ўсишини секинлаштириш ёки тўхтатиб қўйишга қаратилган сиёсат ҳамда қўлланилган чора-тадбирлар тизими. Икки мақсадни кўзлайди: пулнинг бозор муомаласига тушишини сусайтириш орқали *инфляция*га қарши туриш; аҳоли даромадини ўстирмай давлат, корхона, ташкилотлар даромадини ошириб, қўшимча жамғарма ҳосил қилиш ва шу йўл билан инвестиция учун имкон бериб, иқтисодий ўсишни таъминлаш. Даромадларни музлатиш инфляцияга қарши қўриладиган тадбирлар жумласига киради.

**ДАСТМОЯ** (форс-тож.— қўл ва маблағ) — майда савдо оборотида амал қилувчи айланма маблағ. Савдо-сотиқ ишларида айлантириб туриладиган, фойда келтирадиган дастлабки асосий маблағ. Илгари косиблар қўлидаги оборот маблағ (хом ашё, материаллар олиш учун ишлатилувчи маблағ) ҳам дастмоя дейилган. Товар-пул муносабати кенгайиб, айрим косиб ва майда савдогарлар бойиб кетса, улар қўлидаги дастмоя йирик маблағ — *сармоя*га айланади.

**ДЕБЕТ-НОТА** — олди-бердиси бор томонлардан бирининг иккинчисига маълум пул миқдорини талаб қилиб олишга ҳуқуқ берадиган ҳолат пайдо бўлгани учун унинг дебет ҳисобига шу пул миқдорини ёзиб қўйганлиги ҳақида юборган хабарномаси. Дебет-нота олган томон ўзида эътироз бўлмаса, пул тўлашга розилик сифатида кредит-нота юборади.

**ДЕБИТОР** (лат. debitor — қарздор) — корхона, ташкилот ёхуд маҳкамадан пул ёки мулк қарзи бўлган юридик ёки жисмоний шахс. Қарз берган томон *кредитор* деб юритилади.

**ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗИ** — ўзаро хўжалик алоқаларини олиб борувчи корхона, ташкилотларнинг бир-биридан қарзи. Корхона дебиторлик қарзи муддатида қайтариладиган ва тўлаш муддати ўтиб кетган қарздан иборат. Ўз вақтида ундириб олинмаган дебиторлик қарзи уни берган корхонанинг зарарига қўшиб ёзилади. Дебиторлик қарзининг ўз вақтида тўланиши бозор иқти-

социётидаги молиявий интизомнинг муҳим талабидир.

**ДЕВАЛЬВАЦИЯ** (лат. de — олд қўшимча, бу ўринда пасаймоқ маъносида ва лат. valeo — қиймат) — миллий пул бирлиги курсининг чет эл валюталарига нисбатан расмий тартибда давлат томонидан пасайтирилиши; мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта резервининг ҳолдан тойиши; халқаро валюта бозорларида миллий *валюта курси*нинг пасайиши билан боғлиқ ҳолда юз беради. 1978 йилгача валюталарнинг расмий қиймати уларнинг олтин таъминотини таққослаш орқали аниқланар эди. Девальвация илгари пул бирлиги таркибидаги олтин ҳиссасини камайтириш йўли билан амалга оширилган бўлса, энди халқаро келишувга мувофиқ барча қадри юқори валюталардаги олтин нисбатлари бекор қилингандан кейин пул бирлиги курсининг у ёки бу чет эл валютасига (одатда АҚШ доллари, Германия маркаси, инглиз фунт стерлинги ва бошқалар) нисбатан пасайтирилиши йўли билан амалга ошириладиган бўлди (1990 й. 1 ноябрдан сўм долларга нисбатан 1,8 сўм=1 доллар нисбатида девальвация қилинди). Яна қ. *Ревальвация*.

**ДЕВИЗЛАР** (фр. devise) — чет эл валютасида ифодаланган ва халқаро ҳисоб-китобда қўлланадиган кредит ва тўлов ҳужжатлари (вексель, чек, ўтказмалар ва б.). Кенг маънода (аксарият қўлланиладигани ҳам) чет эл валютасида ифодаланган жами тўлов воситалари, яъни ҳам тўлов ва кредит ҳужжатларини, ҳам чет эл валютаси (банкноталар, қоғоз пул белгилари ва тангалар)ни ифодалайди.

**ДЕКОРТ** (нем. dekort) — муддатидан олдин пули тўланганлик учун товар баҳосидан олиб ташланган чегирма. Декорт чегирмаси келишувдагига қараганда товар сифати паст (ёки бошқа намунадаги товар) бўлса ҳам қўлланилади.

**ДЕКУВЕР** (фр. decouvert — қопланмаган) — суғурта қилинувчи мол-мулк баҳоси билан суғурта миқдори ўртасидаги, суғурта қилувчи хатари ҳисобига қолдириладиган фарқ.

**ДЕЛИСТИНГ** — акцияларни биржанинг ёки компаниянинг ўз қарорига биноан рўйхатдан чиқарилиши, яъни *листинг* имтиёзларидан тамомила маҳрум бўлиши. Агар акцияларнинг ўзи қолмаган бўлса (фирма қайтариб олса ёки янгисига алмаштирган бўлса); компания активсиз қолса ёки синса; акцияларни ошкора жойлаштириш мақбул бўлмаган кичик хажмга эга бўлса; компания листинг келишувини бузса делистинг қўлланилади.

**ДЕЛЬТА** — биржа котировкаси ўзгаришига қараб *опцион* мукофоти ўзгариши нисбати. Дельта қиймати 1 дан 0 гача бўлиб, нақд товар бозорида мажбуриятларни *хежирлаш* учун зарур бўлган опционлар миқдорини ҳисоблашга имкон беради.

**ДЕМОНОПОЛИЗАЦИЯ** (лат. de — ажратиш, бекор қилиш, юнон. mono — танҳо ва poleo — сотаман) — иқтисодиётдаги монополия (танҳо ҳукмронлик)дан эркин, тенг, ҳуқуқли, рақобатга асосланган соҳибкорлик фаолиятига қайтиш (қайта ўтиш). Демонополизация соғлом иқтисодий беллашувга йўл бериш мақсадларида амалга оширилади. Демонополизация икки йўл билан боради: йирик монопол мавқедаги бирлашмалар, компаниялар тарқатилиб, улардан мустақил корхоналар ажралиб чиқади; якка ҳоким корхона ёки бирлашмалар, компаниялар сақланган ҳолда улар билан рақобат қила оладиган параллель (бир хилдаги ёки бир-бирининг ўрнини босувчи маҳсулот чиқарувчи) корхона ёки бирлашмалар ташкил

этилади. Демонополизациялашда антимонопол органлар ва қонунчилик муҳим аҳамиятга эга.

**ДЕМПИНГ** (инг. dumping — ташлаш) — ташқи бозорни эгаллаш учун товарни ишлаб чиқариш харажатларидан паст (арзон) баҳоларда четга экспорт қилиш; товарларни ташқи бозорда ички бозорга нисбатан арзон баҳода сотиш; ташқи бозор учур кураш, рақобатчини синдириш воситаларидан ҳисобланади. Кўрилган зарар ички бозорда юқори нархларда сотилган товардан олинган фойда, давлат бюджети ҳисобига қопланади. *Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув* (ГАТТ) 1967 йили халқаро антидемпинг кодексини қабул қилди. Бу кодексда демпинг ҳолатини аниқлаш ва исботлаш тартиб-қоидалари, импортёр мамлакат фирмалари томонидан демпинг натижасида шу турдаги товарни ишлаб чиқарадиган экспортёр мамлакатларга етказилган зарарни тўлаш, йўллари кўзда тутилган. ГАТТда антидемпинг комитети бор (1993).

**ДЕНОМИНАЦИЯ** (лат. denominatio — номини ўзгартириш) — эски пулни қадри юқори қилиб белгиланган, аммо номи эскича қолган янги пулга маълум нисбатда алмаштириш ва шу нисбатга қараб нархларни ҳам ўзгартириш. Мамлакатдаги пул муомаласини тартибга солиш тадбирларидан бири, пул қадри пасайишини тўхтатиб қолиш ёки сусайтириш орқали пул тизимини соғломлаштириш мақсадида амалга оширилади. 1960 йилда Францияда ўтказилган деноминация пайтида эски франк янги франкка 100:1 қилиб алмаштирилган. Собиқ СССРда 1947 ва 1961 йилги пул ислоҳотларида пул 10:1 нисбатда алмаштирилган, лекин 1947 йили нархлар пулни алмаштириш нисбатига қараб ўзгартирилмаган, 1961 йилда эса товарлар нархи ҳам 10 марта пасайтирилган.

**ДЕНОНСАЦИЯ** — шартномадан воз кечиш; шартнома муддати тугагунга қадар томонларнинг биридан шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма хабарнома бўлмаса, шартнома ўз кучида қолади.

**ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ** — кредит муассасасининг омонатчига депозитни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи, пул маблағлари депонент қилинганлиги ҳақидаги ёзма гувоҳномаси. Депозитлар муддатли ва талаб қилиб олинадиган шаклларда бўлади.

**ДЕПОЗИТЛАР** (лат. depositum — омонат, асраб қўйилган) — 1) банк ва омонат кассаларга қўйилган омонатлар; 2) мижозларнинг банкка муайян талабларини тасдиқловчи, банк дафтаридаги ёзувлар; 3) кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган қимматбаҳо қоғозлар (акция ва облигациялар); 4) божхона муассасаларига бож ва божхона йиғимлари тарзидаги тўловлар учун олдиндан берилган бадаллар; 5) суд ва маъмурий муассасаларга даъвони ва судга келишини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган пул бадаллари.

**ДЕФИЦИТ** (лат. deficit — етишмайди), т а қ ч и л л и к (товарлар ҳамда хизматлар тақчиллиги) — халқ истеъмол моллари ва хизматларнинг аҳоли талаб — эҳтиёжларини қондириш учун етишмаслиги, уларни етарли даражада ишлаб чиқармаслик, шунингдек сифатсиз ва кам турда бўлиши. Дефицит товарларнинг вақтинча эмас, балки муҳим равишда, сурункали етишмай қолиши (яна қ. *Товарлар тақчиллиги*).

**ДЕФЛЯТОР** — мавжуд ва номинал ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги фарқлар кўрсаткичи. Мамлакат иқтисодиётидаги инфляциянинг умумий даражасини кўрсатади.

**ДЕФЛЯЦИЯ** (лат. deflatio — пуфламоқ) — *инфляция* даврида чиқарилган муомаладаги ортиқча қоғоз пулни камайтириш, давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул-кредит тадбирлари: солиқларни ошириш, қимматбаҳо қоғозлар сотиш, товар нархлари даражасини пасайтириш, ташқи савдони жонлантириш, банклар учет ставкасини ошириш, омонатлар ўсишини рағбатлантириш ва б. қўлланилади.

Статистик жиҳатдан дефляция муомаладаги пул массаси умумий ҳажмининг ялпи маҳсулот, товар муомаласи ва пулли хизматлар қийматлари йиғиндисига нисбати билан ифодаланади.

**ДИВЕРСИФИКАЦИЯ** (лат. diversificatio — ўзгариш, хилма-хил тараққиёт) — корхона (бирлашма)ларнинг фаолияти соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари турининг кенгайиши, янгиланиб туриши. Илгари бир соҳада ихтисослашган фирмаларнинг (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, молия ва ҳоказо) бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларига кириб боришини, улар хўжалик фаолият соҳаларининг ва имкониятларининг кенгайишини билдиради. Диверсификация натижасида турли-туман товарлар ишлаб чиқарадиган, хизмат кўрсатиш ҳамда илмий тадқиқот ва ишланмалар билан банд бўлган агросаноат комплекси, ўрмон-саноат комплекси каби, аммо ҳамиша ҳам технологик жиҳатдан ўзаро боғланмаган кенг тармоқли комплекслар вужудга келади.

**ДИВИДЕНД** (лат. dividendus — тақсимланадиган) — акционер жамият фойдасининг акция эгасига тегадиган, бинобарин, унинг даромадига айланган қисми. Ҳар йили фойда акционерлар ўртасида (солиқлар тўланиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратмалар чиқарилиб, резервлар тўлдирилгач, облигациялар бўйича процентлар ва директорларга бериладиган мукофот ҳақ тўлангандан сўнг) уларнинг қўлидаги акция миқдори (суммаси) ва турига қараб тақсимланади. Тақсимланадиган ҳисса д и в и д е н д м а с с а с и дейилади. Д и в и д е н д с т а в к а с и эса акционернинг акциялар номинал қийматларига кўра процентларда ифодаланган даромади. Дивиденд миқдори оддий акциялар бўйича жамиятнинг ўша йилда кўрган фойдасига боғлиқ; имтиёзли акцияларнинг дивиденд миқдори акцияларнинг номинал қийматига қатъий процент ставкаси миқдорида олдиндан белгиланади. Энг юқори дивиденд олинганда баъзан уларнинг бир қисми қўшимча чиқарилган бепул акциялар тарзида акционерларга тўланади. Дивиденднинг энг кўп қисмини қўлида акцияларнинг асосий ҳиссасини тўплаган кишилар ва корпорациялар оладилар.

**ДИЗАЖИО** (итал. disagio — мушкуллик) — қимматбаҳо қоғозлар, фонд бойликлари, қоғоз пуллар биржа курсининг номинал қийматига нисбатан пасайиши. Одатда номиналга нисбатан процентларда ифодаланади.

**ДИЛЕР** (инг. dealer) — ишбилармон савдогар (фирма); ўз ҳисобига ва ўз номидан қимматбаҳо қоғозлар, товарлар, валютани аввал харид қилиб, сўнгра қимматига сотиш тижорат ишлари билан шуғулланади. Дилер, шунингдек, брокерлар, бошқа дилерлар, мижозлар ўртасида воситачилик қилиши ҳам мумкин. Дилер баъзан брокер сифатида иш кўради, аммо унинг фаолиятида воситачилик эмас, мустақил савдо қилиш устун туради, бинобарин у сотиб олинган товарларнинг эгаси ҳисобланади. Дилернинг брокер ва савдо агентидан фарқи – даромади-

нинг мукофотлар ва тўловлардан эмас, балки сотиб олинадиган ва сотиладиган товарлар нархи ўртасидаги фарқдан тушадиган фойдадан ташкил топишида.

**ДИНОР** (лат. denarius — ўнтадан иборат) — Кувайт пул бирлиги. 1961 йил апрелидан Ҳиндистон рупияси ўрнига жорий қилинган. 1 кувайт динори=10 дирҳам=1000 филс. Олтин таъминоти 2,48828 г соф олтин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 1 динорнинг бозор курси 1563 сўм 43 тийинга, тенг (1993, январь). Шунингдек Жазоир, Иордания, Ироқ, Ливия, Югославия, Тунис, Яман, Баҳрайн пул бирликлари ва Эрон майда чақа пули (1/100 риёл) ҳам динор деб аталади.

**ДИРЕКТ МЕЙЛ**, почта орқали реклама — потенциал харидорларга тижорат хабарларини почта жўнатмалари, фирма товарларининг тўлиқ тавсифномалари (хат, варақа, проспектлар) билан тарқатиш. Товар сотишни рағбатлантириш ва реклама усулларидан бири.

**ДИСКАУНТ** — товарлар нархи ва муомала харажатларини камайтириш йўналишида фаолият кўрсатадиган чакана савдо корхонаси. Бунинг учун дўконларни оддий ускуналар б-н жиҳозлаш, чекланган товар турларини сотишга чиқариш, товар заҳираларини кўп тўпламасликка риоя қилинади.

**ДИСКОНТ** (инг. discount, итал. sconto — ҳисобламоқ) — 1) банклар томонидан *вексел*ни муддатидан илгари қайтариб сотиб олиш (вексель ҳисоби); 2) векселни қайта сотиб олгани учун банк ундирадиган процент; 3) товар нархи (мас., сифати стандартга тўғри келмаганда), биржа ва валюта битимларида валюта нархидан ташлама.

**ДИСТРИБЮТОР**, воситачи — товарни ўтказиш (савдо-сотиқ) бўйича воситачи. Ўз номидан ва ўз ҳисобидан товарларни олиб сотиш билан шуғулланади.

**ДОЛЛАР** (инг. dollar, нем. Taler — «талер»дан) — 1) АҚШ пул бирлиги. 1 доллар=100 цент. 1786 йилдан муомалада (кумуш доллар). АҚШ доллари халқаро валюта ҳисоб-китобларида кенг қўлланилади. Муомалада 100,50, 20, 5 ва 2 долларли қоғоз пуллар; 1 ва 0,5 долларли тангалар, 0,25, 0,1 долларли ва 5, 2, 1 центли мис тангалар ишлатилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий курси бўйича АҚШ 1 долларининг курси 474 сўм 50 тийинга тенг (1993, январь).

2) Канада пул бирлиги. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жорий этган курс бўйича 1 канада долларининг курси 371 сўм 75 тийинга тенг (1993, январь).

**ДОЛЛАРЛИ ПУЛ** — стерлинг минтақасига кирган мамлакатларнинг олтин-валюта ғамламалари бирлашмаси. Лондонда жойлашган (қ. *Пул*).

**ДОТАЦИЯ** (лат. dotatio — ҳадя, эҳсон) — давлат ёки маҳаллий бюджетдан қайтариб бермаслик шарти билан маблағ ажратиш; иқтисодиётга бюджет орқали таъсир этиш воситаларидан бири. Фаолияти умумдавлат аҳамиятига молик, лекин ўз даромади билан харажатларини қоплай олмайдиган корхона ва ташкилотларга давлат дотация билан мадад беради. Дотация умумий ва мақсадли бўлади. Умумий дотация ажратилганда маблағ маҳаллий бюджетларга бериладиган, уни ишлатиш маҳаллий ҳокимият ихтиёрида ва унга марказ аралашмайди. Мақсадли дотация берилганда уни мўлжалланган мақсад учун сарфлаш мажбурий ва буни давлат назорат қилади.

**ДРАХМА** (юнон. drachme) — 1) инглиз ўлчовлари тизимида вазн

ўлчов бирлиги; савдо унциясининг 1/16 қисми=1,772 г.

2) Греция пул бирлиги. 1 драхма=100 лепта.

**ДУОПОЛИЯ** — маълум бир товарлар ва хизматлар билан савдо қиладиган икки сотувчи етакчилик (ҳукмронлик) қиладиган бозор.

**ДЮЙМ** (голл. duim — айнан катта бармоқ) — узунлик бирлиги фут бўлган американ ва инглиз ўлчовлар тизимидаги узунлик улуш бирлиги. Халқаро келишувга кўра 1 дюйм=1/2 фут=0,0254 м (аниқ).

# Е — Ё

**ЕВРОВАЛЮТАЛАР**, Европа валюталари — бир қатор ривожланган капиталистик мамлакатлар ўз чегарасидан ташқаридаги муомалада қарз ва ҳисоб-китоб ишларида, айниқса, банклараро қарзлар ва транснационал корпорацияларни кредитлашда фойдаланиладиган валюталар. Евродоллар (Ғарбий Европада муомалада бўлган АҚШ доллари) биринчи ва энг кўп тарқалган евровалюта ҳисобланади. Евродоллар каби кейинчалик бошқа евровалюталар-евромаркалар, еврошвейцар франклари, евростерлинглар, евроиеналар пайдо бўлди. Евровалюталар банкнот шаклларида бўлиб, муомалада нақд пулсиз (банклардаги ҳисоб варақаларига кўчириш йўли билан) амалга оширилади. Евровалюталар муомаласининг ялпи ҳажми 1988 йил 3 триллион долларга етди. Унинг 70 % ни евродоллар ташкил этди.

**ЕВРОДОЛЛАРЛАР** (evrodollars) — Европа хусусий банкларидаги доллар жамғармалари; капиталистик мамлакатлардаги ташкилотлар ҳамда хусусий шахслар томонидан АҚШ чегараларидан ташқарида жойлаштирилган (1980-йиллар охирида 800 млрд. доллардан ортиқрокни ташкил этган). Капиталистик давлатлар тўлов баланси тақчиллигини қоплаш, миллий пул бозорини тўлдиришда банклар томонидан кредит бериш орқали фойдаланилади.

**ЕВРОПА ВАЛЮТА БИРЛИГИ** — қ. *ЭКЮ*

**ЕВРОПА ВАЛЮТА ТИЗИМИ** (ЕВТ) — капиталистик мамлакатлар гуруҳининг Европа Иқтисодий Ҳамжамияти («Умумий бозор») доирасида 1979 йилда ташкил этилган регионал валюта тизими. «Умумий бозор»га аъзо мамлакатларнинг валюта соҳасидаги муносабатларини тартибга солади. ЕВТга Буюк Британия ва Грециядан ташқари Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига кирувчи барча мамлакатлар аъзо бўлиб кирган. Европа валюта тизимининг асосий мақсади Европа валюта барқарорлиги зоналарини яратиш, келажакда эса АҚШ долларининг ҳукмронлигига қарши тура оладиган, Ғарбий Европа мамлакатларининг ўзаро ҳисоб-китобларида уни сиқиб чиқаришга қодир бўлган ўз валюта бирлигини (ЭКЮ) ни вужудга келтиришдан иборат эди. ЕВТ доирасида ҳисоб-китобларни амалга оширишга техник жиҳатдан кўмаклашув Базель (Швейцария) шаҳрида жойлашган Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан бажарилади.

**ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ**, «Умумий бозор» — 12 та Ғарбий Европа давлатлари аъзо бўлган иқтисодий уюшма. Ҳамжамиятни таъсис қилиш ҳақидаги шартнома 1957 йил Римда Германия, Франция, Италия, Бельгия, Голландия ва Люксембург томонидан имзоланди. 1973 йилда унга Буюк Британия, Дания ва Ирландия; 1981 йилдан Греция; 1986 йилдан Испания ва Португалия аъзо бўлиб кирди. Уюшманинг мақсадлари: бож иттифоқи ва Ҳам-

жамиятга аъзо мамлакатлар доирасида капитал, товарлар, иш кучи, хизматларнинг эркин кўчиб юрадиган умумий бозорини шакллантириш; учинчи мамлакатларга нисбатан ягона савдо сиёсатини, шунингдек, валюта, қишлоқ хўжалиги, транспорт соҳаларида умумий сиёсатни ўтказиш, молия тизимини бир хил қилиш, иқтисодий ва валюта иттифоқини тузиш ва б. Ҳозирги вақтда ҳамкорликка кирувчи давлатлар ўртасида миллий чегаралар рамзий тус олиб, ягона валюта ва ягона нархларга ўтилмоқда. Унинг олий органи Брюссель (Бельгия) шаҳрида жойлашган Комиссия ва Вазирлар Кенгашидир. Страсбургда жойлашган Европа парламенти асосан маслаҳат органи вазифасини ўтайди.

**ЕВРОПА МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ФОНДИ** — халқаро уюшма; ғарб мамлакатларидаги етакчи бизнес мактабларини, шунингдек, менежмент таълимини ривожлантиришдан манфаатдор компаниялар ва ташкилотларни бирлаштиради. Турли мамлакатлар бизнес мактаблари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, менежмент таълими усулини ишлаб чиқиш, менежерлар тайёрлаш, бизнес мактаблари тингловчиларини жаҳоннинг энг йирик компанияларида иш ўрганишини ташкил этиш билан шуғулланади.

**ЕВРОПА ЭРКИН САВДО УЮШМАСИ** (ЕЭСУ) — Европадаги қатор капиталистик мамлакатларнинг савдо-иқтисодий ташкилоти. 1960 йилда Буюк Британия ташаббуси билан *Европа Иқтисодий Ҳамжамияти*га посанги сифатида ташкил этилган. «Умумий бозор»га қўшилиши муносабати билан 1973 йили Буюк Британия ва Дания, 1986 йили Португалия ЕЭСУдан чиқди. ЕЭСУ мамлакатларининг ҳаммасида саноат юксак ривожланган ва иқтисодиётда ташқи савдонинг ўрни ва ҳиссаси салмоқли. Ҳозирги аъзолари — Австрия, Исландия, Норвегия, Швейцария, Швеция, Финляндия. Бу аъзо мамлакатларнинг ҳаммаси Европа Иқтисодий Ҳамжамияти билан эркин савдо келишувига эга ва ўзаро йирик савдо шерикчилигида.

**ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТЛАРИ** — Ғарбий Европа мамлакатларининг давлатлараро бирлашмаси; таркибида уч Ғарбий Европа регионал ташкилотлари: Европа Иқтисодий Ҳамжамияти, Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси, Атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти (Евроатом) бор. 1957 йили Римда имзоланган махсус Конвенцияга биноан Европа ҳамжамиятларининг ягона Европа парламент ассамблеяси таъсис этилди (1962 йилдан Европа парламенти). 1967 йили ҳамжамиятларнинг Вазирлар Кенгаши ва Комиссиялари тузилди. Европа парламенти Страсбург (Франция) да, Европа ҳамжамиятлари Комиссиялари Брюссель (Бельгия)да жойлашган.

**ЕР РЕНТАСИ** — бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан яратилган қўшимча маҳсулотнинг ер эгалари томонидан ўзлаштириладиган қисми. Унинг асосан, икки тури мавжуд; абсолют рента ва дифференциал рента. А б с о л ю т р е н т а бевосита ерга бўлган хусусий мулкчиликдан келиб чиқади, ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун ижарачининг ер эгасига тўлайдиган ҳақи абсолют рента ҳисобланади. Д и ф ф е р е н ц и а л р е н т а ернинг хўжалик юритиш объекти бўлишидан келиб чиқади. Дифференциал рента яхши ва ўртача унумдор ерлардан олинган қўшимча маҳсулотнинг ўртача фойдадан ортиқ қисмидир. Абсолют ва дифференциал рента лар билан бир қаторда м о н о п о л р е н т а (ноёб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — ан-

жир, апельсин, хурмо ва б. етиштириладиган ерларни ижарага бериб, устама монопол рента олади), ундирувчи саноат корхоналаридан, қурилиш участкаларидан олинадиган рентала р ҳам мавжуд.

**ЕРНИНГ БАҲОСИ** — ер эгаси ердан оладиган даромадини бошқа йўл билан топиши учун зарур бўлган пул миқдори. Ернинг қиймати бўлмаса ҳам, ернинг баҳоси бор ва бу баҳонинг ташкил топиши ўз хусусиятига эга. Ҳар бир ер участкасининг баҳоси, асосан, шу ер келтирадиган рента суммасига ва ерга сарфланган пул учун бериладиган банк проценти даражасига қараб белгиланади. Ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда асосий кўрсаткичлар сифатида ўртача ҳар бир гектар ердан олинган ялпи махсулот — пировард маҳсулот ва соф даромад ёки фойда миқдоридан фойдаланилади. Энг кўп ҳосил ва соф даромад ёки фойда берган ер картаси 100 балл билан баҳоланади. Ер олди-сотди бўладиган жамиятда унинг баҳосига ернинг ҳосилдорлиги, унинг иқлими, қайси географик минтақада бўлиши, унинг экологик ҳолати ҳам таъсир қилади. Иқлими яхши, табиати бой, экологик тоза, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктураси ривожланган ерлар баҳоси ғоят юқори бўлади. Ернинг баҳоси унга бўлган талабга қараб ҳам ўзгариб туради.

**ЁПИҚ АКЦИОНЕР ЖАМИЯТ** — қ. *Масъулияти чекланган ширкат.*

# Ж

**ЖАМОА МУЛКИ** — айрим оилаларга ёки ишчи, хизматчилар жамоасига тегишли мол-мулк; муайян мақсад йўлида жамоа (коллектив)га бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларни ҳамжиҳатлик билан ўзлаштирилишини билдиради. Жамоа мулки давлат мулкини корхона жамоаси сотиб олиши, бадал пули тўплаб корхона қуриш, акция чиқариб, уни сотиш орқали пайдо бўлади. Мамлакатимизда ижара корхоналари, жамоа корхоналари, кооперативлар, жумладан колхозлар, акционер жамиятлар, хўжалик ширкатлари ва ассоциация (уюшма) лар, ижтимоий ташкилотлар мол-мулки жамоа мулкига киради.

**ЖАҲОН БОЗОРИ** — халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш орқали бир-бирига боғланган мамлакатлар ўртасидаги барқарор товар-пул муносабатлари. Жаҳон бозори 16-асрда шакллана бошлаган ва 20-аср бошларига келиб бу жараён тугалланган. Умуминсоний иқтисодий алоқаларнинг мавжудлиги жаҳон бозорига барқарорлик бахш этади. Жаҳон бозори товарлар, хизматлар, валюта, инвестиция, илмий ишланмалар бозорлари ва б. дан иборат. Жаҳон бозорида айирбошлаш халқаро нархларда ва халқаро валюта воситасида амалга оширилади.

**ЖАҲОН ВАЛЮТА ТИЗИМИ** — қ. *Валюта тизими.*

**ЖАҲОН ПУЛИ** — халқаро миқёсда ҳамма учун умумий харид воситаси, умумий тўлов воситаси, бойликнинг умумий моддий тимсоли, байналмилал қиймат ифодаси бўлган пул. Жаҳон пул вазифасини дастлаб маълум вазндаги олтин ёмбилари бажарган, сўнгра халқаро миқёсда обрўэътиборли миллий пул (доллар, фунт стерлинг) жаҳон пуллари деб эътироф этилган. Мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳисобкитоб ва тўлов ҳаракатлари шу пулларда бажарилади. Аммо олтин ҳам айрим ҳолларда жаҳон пули ролини ўйнайди.

**ЖИРО ҲИСОБИ** (итал. giro муомала, ўтказма) — мамлакат-

ларнинг банклари ва омонат кассалари томонидан бир хисоб варақасидан иккинчисига нақд пулсиз пул ўтказишнинг бир тури. Бу атама, шунингдек пулсиз хисоб-китобларни тарифлаш учун ҳам ишлатилади.

**ЖИРОЧЕКЛАР** — чек берувчининг банкка ўз *жиро ҳисобидан* чек олувчининг ҳисобига муайян пул миқдорини ўтказиш ҳақидаги буйруғи.

**ЖОРИЙ ҲИСОБ ВАРАҚАСИ** — банклардаги пул маблағларини сақлаш ва ҳисоб-китобларни амалга оширишга хизмат қилувчи варақа (счет) тури.

## З

**ЗАКАЛАТ** — к. *Гаров*.

**ЗАКОТ** (ар.— тозалик) — ислом мамлакатларида, шу жумладан инқилобгача Ўрта Осиёда) ихтиёрий бериладиган хайр-эҳсон. Закот — мусулмонликнинг фарзларидан бири. Ҳар бир киши меҳнат фаолияти ва мол-мулкидан кўрган йиллик умумий даромадининг қирқдан бир улуши (2,5 %) закот сифатида масжитларга бериб, ундан фақат мусулмон камбағаллари — тириклик ўтказиши қийин бўлган кишилар, жисмоний ожизлар, етим-есирлар, ночор мусофирлар ва б. — садақага лойиқ кишиларни қисман таъминлашда фойдаланилган.

**ЗИЁН СЕРТИФИКАТИ** суғурта қилинган мулкка етказилган зиён ҳажми, келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятларини ифодаловчи ҳужжат. Етказилган зиённи аниқловчи комиссар томонидан тузилади ва манфаатдор шахсга, одатда, комиссарнинг харажатлари ва хизмат ҳақи тўлангандан сўнг берилади.

## И — Й

**ИЖАРА**, ижора (ар.) — мол-мулкни ёллаш бўйича мулк эгаси билан тадбиркор ўртасидаги иқтисодий муносабат; вақтинча ишлатиб туриш юзасидан ижара шартномасига кўра бир томон (ижарага берувчи) иккинчи томонга (ижарачи) маълум тўлов эвазига ва маълум шартга кўра мол-мулкини вақтинча фойдаланиш учун беради. Ижара ҳақи мулк эгаси мол-мулкининг қийматига ва келтирадиган даромадга боғлиқ бўлиб, ўзаро келишув билан белгиланади. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда ер, уй-жой, савдо-саноат бинолари, саноат ва савдо корхоналарини, машина ва ускуналарни ижарага бериш ва олиш кенг тарқалган. 80-йилларнинг охирига келиб жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалигида ижара муносабатлари ривожлана бошлади. Бу муносабатлар асосан ижара пудрати (жамоа, оила, якка тартибда) шаклини олди. Ҳозир ижара ва ижара муносабатлари ҳақида қонун қабул қилинган, бир қанча жумҳуриятларда ижарачи ва соҳибкорларнинг уюшма (ассоциация)лари тузилган (к. *Лизинг, Роялти, Рентинг*).

**ИЖТИМОИЙ МУЛК** — ишлаб чиқариш ва меҳнат маҳсулини, умуммиллий бойликни бутун жамият миқёсида ўзлаштирилишини билдиради. Бу мулкка жамият номидан турли даражадаги ҳокимият идоралари (олий, маҳаллий) эгалик қилади. Шу жиҳатдан ижтимоий мулк давлат мулки тарикасида намоён бўлади. Юксак даражада умумлашган ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсули ижтимоий мулк объектига киради, улар ўз ҳаракатлари кўлами жиҳатидан тарқоқ равишда, бошқа мулк

доирасида амал кила олмайди. Масалан, саноатнинг энг етакчи корхоналари, темир йўл, ҳаво. дарё, денгиз транспорти, алока, космик система, ирригация иншоотлари, оирлашган энергия тизимлари, ҳарбий объектлар ва ҳ. к. Ер усти ва ер ости бойликлари ҳам ижтимоий мулк ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитларида ижтимоий мулк мавкеи ва ҳолати бошка мулк билан бир каторда бўлиши лозим, унинг монополиясига йўл кўймаслик шарт. Давлат жамият номидан ижтимоий мулкка эгаликни амалга оширади.

**ИЕНА** — Япония пул бирлиги. 1 иена=100 сенам. Японияда 1870 йилдан бошлаб вазни ва пробасига кўра АҚШ долларига ўхшатиб зарб қилинган. Қадимий олтин ва кумуш танга иена деб аталган. Олтин таъминоти 0,002657 соф олтиндан иборат. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган курс бўйича республика ҳудудида 10 иенанинг курси 37 сўм 82 тийинга тенг (1993, январь).

**ИМИЖ** (инг. imig) — фирма, корхона ўз мижозлари доирасида эришган обрў-эътибор ва нуфуз (товар сифати, ўз сўзида туриш, мижозларга кулайлик ва сийловлар). Айрим фирмалар ном чиқариш, жамоатчилик кўзи олдида ўз обрўсини янада овоза килиш учун маҳсулотига кафолот муддатидан воз кечади, товарнинг узоқ хизмат муддатини таъминлайди. Бордию товардан фойдаланишда нуксонлар чиқиб қолса, янгисига алмаштириб беради. Имиж биринчи навбатда фирманинг товари ва кўрсатадиган хизмати сифати, офисининг безатилиши, кадрларни тайёрлаш сифати билан белгиланади. Товар имижи товарнинг барча хусусиятларини, шунингдек дизайн бойлиги, молни чиройли ўраш, жойлаш, рақобатчи товардан устунлиги, истеъмол хусусияти, сифатини ўз ичига олади.

**ИМПОРТ** (лат. importo — киритаман) — ички бозорда сотиш учун мамлакатга хорижий товарлар, технология, капитал киритиш ва хизматлар келтириш. Импорт микдори ва таркиби мамлакатнинг халқаро меҳнат таксимотида тутган ўрнига боглик. Халқ хўжалиги, айрим тармоқлар, турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун импорт ҳиссасини кўрсатадиган микдорий кўрсаткич **и м п о р т к в о т а с и** дейилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш давомида миллий ва халқаро бозорларнинг туташуви билан импорт доираси ҳам сезиларли кенгаяди.

**ИНВЕСТИЦИЯ БАНКЛАРИ** халқ хўжалигининг турли тармоқларини молиялаш ва узоқ муддатли қарз беришга ихтисослашган банклар.

**ИНВЕСТИЦИЯ СЕРТИФИКАТИ** — инвестиция маблаглари таркибида муайян миқдордаги ҳиссани тасдиқловчи ва шунга кўра инвестициядан келадиган даромаднинг бир қисмини олиш ҳуқуқини берувчи махсус кимматбаҳо қоғоз. Инвестиция фонди акция ва облигациялардан ташкил топади. Сертификат улар мажмуасидаги улушни кўрсатади. Сертификатнинг аниқ кийматини топиш учун инвестиция фонди суммаси уни ташкил этувчи сертификатлар сонига бўлинади.

**ИНВЕСТИЦИЯЛАР** (нем. investition, лат. investere — ўраш) — иқтисодни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда турли тармоқларга узоқ муддатли капитал киритиш (кўйиш); капитал сарфлар тушунчасига тўғри келади. Унинг молиявий ва реал турлари мавжуд. **М о л и я в и й и н в е с т и ц и я** — акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш; **р е а л и н в е с т и ц и я** — мамлакат ичкарисида ва чет элларда ишлаб чиқариш (саноат, кишлоқ хўжалиги,

қурилиш ва б.) га капитал қўйиш, шунингдек, ёш суверен давлатларга қарз ва субсидия бериш шаклларида амалга оширилади. Инвестицияни давлат, банклар ёки хусусий соҳибкорлар бериши мумкин. Кейинги даврда халқаро иқтисодий муносабатларда инвестицион ҳамкорлик ривож топди: бундай ҳамкорликнинг реал (ишлаб чиқариш тармоқларига узоқ муддатли пул қўйилмалари), молиявий (қимматбаҳо қоғозлар муомаласини ҳам қамрайдиган халқаро кредит-молиявий фаолият), интеллектуал (мутахассисларни курсларда тайёрлаш, тажрибани, лицензияларни, *ноу-хау*ни бериш, ҳамкорликда бажариладиган илмий ишланмалар ва б. га маблағ сарфлаш) типлари бор. Инвестицион ҳамкорлик умумжаҳон ва миллий муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилади.

**ИНВЕСТОР** (инг. investor) — пул қўйган киши, омонатчи; инвестицияларни амалга оширадиган шахс, ташкилот, давлат.

**ИНЖИНИРИНГ** (инг. ingineering — инженерлик санъати), муҳандислик-маслаҳат хизматлари — тижоратчилик қоидаларига асосланган муҳандислик-маслаҳат хизматлари; ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш объектларини қуриб, ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш. Бу иш билан инжиниринг фирмалари, бевосита йирик саноат фирмалари ёки уларнинг ихтисослашган бачки компаниялари шуғулланади, улар бир вақтнинг ўзида бир неча мижозларга хизмат қилади. Экспорт инжиниринг фирмалари бошқа мамлакатларга хизмат кўрсатади, чет элдаги илмий ғоялар ва техник ишланмалар бозорида лицензиялар сотади. Техник янгиликларни хорижда жорий этади, мураккаб ва улкан лойиҳаларни амалга оширади, инжиниринг билан бирга машина ва ускуналарни экспорт қилиб, етказиб беради. Инжиниринг компаниялари даромади кўрсатилган инжиниринг хизматига боғлиқ бўлади. Инжиниринг фирмалари бозорнинг муҳим иштирокчиси ҳисобланади. Халқаро инжиниринг хизмати ишнинг техник-ташкилий ва тижорат томонлари кўрсатилган контракт шаклида расмийлаштирилади, моҳияти билан муайян хизматларга буюртманинг бир кўринишидир.

**ИНЖИНИРИНГ ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ** — халқаро бозорнинг бир тури, *инжиниринг* хизматларининг давлатлараро олди-сотди қилиниши. Лойиҳалаш, корхоналарни қуриш, уларни жиҳозлаш, эксплуатация қилиш юзасидан бўлган хизматларни махсус инжиниринг фирмалари бажаради. Инжиниринг хизматлар бозорида асосий харидор ривожланаётган давлатлар бўлса, сотувчилар ривожланган капиталистик мамлакатлардир.

**ИНКАССО** (итал. incasso) — харидор ҳисоб варақасидан пул суммасини олиш бўйича банк ҳаракати. Мижозга хизмат кўрсатиш ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида ва харидорнинг ўз топшириғига кўра амалга оширилади.

**ИННОВАЦИЯ**, янгиликни жорий этиш — 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника тараққиёти ютуқлари натижалари бўлган янги техника, технология. Ихтирочиликнинг ривожланиши, бирор йўналишдаги йирик ихтиро ва кашфиётларнинг майдонга келиши инновациянинг муҳим омиллари ҳисобланади.

**ИНТЕГРАЦИЯ**, иқтисодий интеграция (лат. integer — бутун) — мустақил хўжалик фаолиятининг миллий, минтақа ва халқаро миқёсда ўзаро бирлашиб, яхлит хўжалик ҳолатини ташкил этиши.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК, ақлий мулк** — ижодий ақлий меҳнат маҳсули. Фан, адабиёт, санъат ва ишлаб чиқариш соҳасида ижодий фаолиятнинг бошқа турлари асарлари, жумладан кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари, саноат намуналари, ЭҲМ учун программалар, берилмалар базаси, *ноу-хау*нинг эксперт тизимлари, савдо сирлари, товар белгилари, фирма этмалари ва б. ақлий мулк объектларига киради.

**ИНТЕРНАЦИОНАЛ ҚИЙМАТ** — муайян товарларни ишлаб чиқариш учун халқаро ижтимоий ишлаб чиқариш, ўртача халқаро меҳнат унуми ва меҳнат жадаллиги шароитларида ижтимоий зарурий, жаҳон миқёсида тан олинган меҳнат сарфлари. Товарларнинг миллий қиймати ҳар хил бўлади, лекин уларнинг ҳаммаси эмас, балки жаҳон бозори учун маъқул бўлган қисми тан олиниб, интернационал қийматга тенглашади. Интернационал қиймат шаклланишида халқаро бозорга товарларнинг асосий қисмини етказиб берувчи мамлакатларнинг миллий қиймати асос бўлади. Пахтанинг интернационал қийматини асосий пахта етиштирувчи мамлакатлар — ХХР, АҚШ, Ўзбекистон, Мисрдаги сарф-харажатлар белгилайди. Интернационал қиймат жаҳон нархларининг асоси. Шу сабабли миллий ва интернационал қиймат ўртасидаги фарқ экспорт ёки импорт зарурлигини белгилайди.

**ИНФЛЯЦИЯ** (лат. inflatio — шишиш, кўпчиш, кўтарилиш), **пулнинг қадрсизланиши** — муомалада хўжалик обороти эҳтиёжларидан ортиқ даражада қоғоз пуллар миқдорининг кўпайиб кетиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Ортиқча миқдорда пул бирликларини муомалага чиқариш, товар ишлаб чиқаришнинг тўлов қобилиятига эга *талаб* ўсишидан орқада қолиши, бозорда талабга жавоб бермайдиган товарларнинг кўпайиб кетиши ва бошқа омиллар инфляцияни юзага келтиради. Бундан ташқари нарх белгилашнинг монополлашуви, кредитнинг ҳаддан ташқари ривожланиб кетиши, давлатнинг улкан ноишлаб чиқариш харажатлари, қуролланишга зўр бериши, давлат бюджети тақчиллиги инфляциянинг асосий сабаблари ҳисобланади. Жаҳондаги барча мамлакатларга хос ва халқаро тус олган.

Ҳозир Ўзбекистонда ҳам мавжуд инфляция халқ хўжалигидаги нисбатларнинг бузилиши туфайли товарлар танқислиги оқибатида чуқурлашмоқда.

**ИНФРАСТРУКТУРА** (лат. infra—қуйи,structura — тузилиш, жойлашув) — халқ хўжалиги фаолиятини таъминлаш учун турли-туман хизмат кўрсатувчи тармоқлар комплекси: транспорт, алоқа, савдо, моддий-техника таъминоти, сув билан таъминлаш, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Асосий ишлаб чиқариш инфраструктураси — электр таъминоти, транспорт, йўл, омбор хўжалиги, алоқа тармоқларидир.

**ИНФРАКЦИЯ** — битим ва контракт шартларининг бузилиши.

**ИПОТЕКА** (юн. hypotheke — гаров) — ссуда олиш мақсадида кўчмас мулк (ер, иморат)ни гаровга қўйиш. Ривожланган капиталистик мамлакатлар қишлоқ хўжалигида кенг тарқалган бўлиб, махсус ипотека банклари бор. Ўзбекистонда ер олди-сотди ва гаров объекти бўлмаганлиги сабабли ҳозир ипотека йўқ.

**ИПОТЕКА ОБЛИГАЦИЯЛАРИ** — кўчмас мулк (ер, ишлаб чиқариш ва уй-жой бинолари) эвазига чиқариладиган ва қатъий процент келтирувчи, узоқ муддат амал қилувчи қимматбаҳо қоғозлар.

**ИСТЕЪМОЛ ПАНЕЛИ**, андаза истеъмолчи — андаза истеъмолчилар гурухи, уларнинг товарларга берган баҳосидан барча истеъмолчилар фикрини тавсифлашда фойдаланилади.

**«ИСТЕЪМОЛ МАЖМУИ»** — муайян озик-овкат, саноат моллари ва хизматларнинг бир киши ёки оила тирикчилигини таъминлашга етарли бўлган микдори. Аҳолининг кимматчиликдан кўрадиган зарарини коплаш учун хукумат томонидан мамлакатда «истеъмол мажмуи» таркиби аникланади ва уни кўллаш таклиф этилади.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ БОЗОРИ** — меҳнат куроллари ҳамда хом ашё, ёкилғи ва материалларнинг олди-сотди килиниши; бозорнинг муҳим бўгинларидан бири. Бозор муносабатлари ишлаб чиқариш воситаларини барча истеъмолчи корхоналарга, корхона соҳибларига ва аҳолига эркин нархларда сотиш имкониятларини яратишни такозо этади. Бу эса ўз навбатида замонавий асбоб-ускуналар, техника воситаларини ишлаб чиқариш, уларнинг сифатини яхшилаш ҳамда уларни сотиш инфраструктурасини (ахборот, реклама хизмати) барпо килиш билан боғлик (к. *Товар биржаси*).

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЪМИНОТ ВА ТИЖОРАТ БИРЛАШМАЛАРИ** — картель, синдикат, трест, пул, концерн, консорциум, ассоциация (уюшма) ва бошкалар. Бозор иктисодиёти шароитида хўжаликни бошкариш шакллари сифатида юзага келади.

**ИШСИЗЛИК** — аҳоли иктисодий фаол кисмининг ўзига иш топа олмасдан колиши, меҳнат резерв армиясига айланиши. АҚШда ишсизлик даражаси 7,1 % (1992), Канадада 7,5 %, Японияда 2,2 %, ГФРда 5,5 %, Францияда 9,5 %, Италияда 11,3 %, Бельгияда 9,0 % (1989) ни ташкил этди. Миллий статистика идоралари томонидан эълон килинадиган маълумотларда доимий иш топишдан умидини узганлар ва меҳнат биржаларида кайд этилмаганлар ишсизлар сонига киритилмайди, кисман ишсиз меҳнаткашлар, яъни ҳафтанинг бир неча кунида ишга эга бўлганлар ҳам бу ҳисобга кирмайди.

Ҳозир Ўзбекистонда 1 миллиондан ортик меҳнатга ярокли киши ижтимоий фойдали меҳнатда банд эмас. Бозор иктисодиётига ўтишнинг биринчи боскичида ишсизлик даражаси янада кенгаяди. Аммо бу «ортикча» аҳолини кўплаб куриладиган майда ва хусусий хизмат кўрсатиш корхоналарига жалб килиш йўли билан ишсизликни камайтириш мумкин. Бозор иктисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва районларида аҳолини иш билан таъминлашнинг ягона давлат хизмати ташкил этилган.

**ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ** — ишсизларга ижтимоий мадад бериш учун тўланадиган нафака пули; уни давлат, корхона ёки ташкилотлар тўлайди. Ишсизларга бериш учун ажратилган пул суммаси нафака фондини ташкил этади. Ишсизлик нафакаси жорий этиш учун ишсизлик мезони кабул килинади, яъни конун ҳужжатларида кимлар ишсиз деб ҳисобланиши белгиланади. Ишсизлик нафакаси микдори иш ҳакидан кам бўлади, лекин тирикчилик кийматининг ўзгаришига, аникроги, нарх-навога караб кайта кўрилади. Биринчи бор Ғарб мамлакатларида жорий килинган. Ишсизлик нафакаси вактинча берилади.

**ИҚТИСОДИЙ ДАСТАКЛАР** — жамиятнинг хўжалик юритиш механизмида амал килувчи иктисодий воситалар. Бозор иктисодиётида улар жумласига нарх, таннарх, фойда, даромад, соф даромад, зарар, дотация, компенсация (товон), субвенция, солик, бож пули, карз, процент, иш ҳаки

ва бошқалар киради. Иқтисодий дастаклар объектив иқтисодий конунларнинг ҳаракат қилишидан келиб чиқадиган жараён ва ҳодисаларни билдиради, бу конунларнинг амалиётдаги ифодаси ҳисобланади. Жамият иқтисодий дастаклардан моҳирона фойдалангандагина бозор иқтисодиётини бошқариб туриши мумкин.

**ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ** — қ. *Интеграция.*

**ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СИФАТИ** — иқтисодий ўсишнинг умумлашган сифат тавсифномаси; унинг қандай сарфлар билан таъминлангани ва қандай ижтимоий-иқтисодий натижа берганлигини ифодалайди. Иқтисодий ўсиш сифати таркибига: ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ўсишини таъминлашда сифат омилларининг (меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши, моддий сарф-харажатларни пасайтириш) ҳиссаси қандай эканлиги; яратилган маҳсулотлар ва хизматлар сифати жамиятнинг талаб-эҳтиёжига нақадар жавоб бериши; ишлаб чиқаришнинг ижтимоий мақсадларга қаратилиши киради. Асримизнинг 80—90-йилларига келиб иқтисодий ўсишнинг янги сифати пайдо бўлди. Бу маҳсулотларнинг инсон учун экологик тозалиги, яъни унинг соғлигига зарар келтирмаслиги, ишлаб чиқаришнинг эса атроф-муҳитга зарар келтирмаслиги, экологик мувозанатни бузмаслигидан иборатдир.

**ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ИҲТ)** — халқаро иқтисодий ташкилот. 1985 йили Эрон, Покистон, Туркия ҳамкорлигида тузилган. 1992 йил февралидан Озарбайжон, Ўзбекистон ва Тожикистон, Қирғизистон республикалари аъзо бўлиб кирди. Қозоғистон дастлаб кузатувчи, сўнгра аъзо (1993). Аъзо мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни амалга оширади. Ташкилот идораси Теҳронда.

**ЙЎЛ БОЖИ** — ички божларнинг бир тури; йўллар, сув йўллари, кўприклар ва кечувлардан ўтиш, юк олиб ўтиш, ҳайвон ҳайдаб ўтиш учун тўланадиган пул.

# К

**КАДАСТР** — 1) объектларнинг баҳоси ва ўртача даромаддорлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи рўйхат; 2) жон бошига олинадиган солиққа тортиладиган кишилар рўйхати.

**КАМБИСТ** — вексель ва валюта муомаласи билан шуғулланган шахс.

**КАМОМАД** — пул ва мол-мулкка қонун йўли билан эгалик қилаётган шахснинг ноқонуний фойдаланиши туфайли уларнинг камайиши. Банк ва компания хизматчилари томонидан амалга оширилиши мумкин. Кўп мамлакатлар қонунчилиги бўйича пул ёки мулк ўз ўрнига қайтарилса, жиноят-қидирув полицияси бу маълумотни эълон қилмайди.

**КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ** — давлатлараро даражада расмийлаштириладиган, чет эл инвесторлари манфаатларини ҳимоя қилувчи иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий тадбирлар тизими.

**КАПИТАЛ** (нем. Kapital — асосий мулк, лат. Capitalis — энг муҳим, асосий, бош) — ўз эгасига даромад келтирувчи маблағ ва восита; янги қиймат келтирадиган, яъни ўзини ўзи кўпайтирувчи қиймат. У ишлаб чиқариш воситаларининг эгасига иш кучини ёллаш орқали қўшимча қиймат, фойда келтиради, уни бойитади. Капиталнинг пул, унум берувчи товар шакллари бор. Қийматнинг кўпайиши инсон меҳнати (иш кучи) ва ишлаб чиқариш воситалари (хом ашё,

машина, станоклар ва б.) бирлашганда, яъни ишлаб чиқариш шароитида юз беради. Ишбилармон ихтиёридаги маблағлар суммаси ҳам капитал (*сармоя*) деб аталади. Акционер жамият капитали ўз акция ва облигацияларини сотишдан тушган пулдан ташкил топади.

Капитал доимий ва ўзгарувчан, асосий ва айланма капиталга бўлинади; саноат капитали, савдо капитали, ссуда капитали шаклларида фаолият қилади. Бозор иқтисодиёти шароитларида корхона, фирма, турли жамоаларга тегишли акционерлик капитали, заҳира капитали, *устав капитали* сингари кўринишлари мавжуд.

**КАПИТАЛ БОЗОРИ**, ссуда (қарз) капитали бозори — бўш турган пул воситаларини тўплаш, уларни ссуда капиталига айлантириш, сўнгра уни ишлаб чиқариш жараёнлари иштирокчилари (банклар, давлат, корхоналар, фирмалар, шунингдек мамлакат аҳолиси) ўртасида қайта тақсимлаш муносабати. Пул капиталининг қайта тақсимланишида иштирок этадиган банклар, фонд биржалари ва бошқа молия-кредит муассасалари мажмуини ўз ичига олади. Пул бозорида келишувлар векселлар, депозит сертификатлари, қимматбаҳо қоғозлар, банк акцептлари (кафолатлари) орқали амалга оширилади. Манбалари ва киритилган соҳаларига қараб халқаро ва миллий капитал бозорлари бор (яна қ. *Валюта бозори, Биржа*).

**ҚАРАТ**, қирот (юн.) — 1) массанинг улуш бирлиги, заргарликда ишлатилади, кар б-н белгиланади. Метрик карат=200 мг. 2) Қотишмалардаги олтин миқдорининг ўлчови, қотишма массасининг 1/24 қисмига тенг. Соф олтин 24 каратга мос келади.

**ҚАРТЕЛЬ** (фр. cartel, итал. cartello, carta — қоғоз, ҳужжат) — монополистик бирлашма шакли. Бир тармоқдаги мустақил корхоналар нархлар, бозор, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида ҳар бир иштирокчининг ҳиссаси, иш кучи ёллаш, патентлар ва бошқа масалалардаги ўзаро битим тузадилар. Ички, экспорт, импорт, халқаро картелларга бўлинади. Монопол фойда олиш мақсадларини кўзлайди. Ҳозирги халқаро иқтисодий муносабатлар ва жаҳон бозорида картель битимлари кенг қўлланилади. Ҳозирги шароитларда ҳам бир қанча қудратли халқаро картеллар мавжуд, бозор монополиясига қарши курашда майда ва ўрта бизнес картель битимларидан унумли фойдаланади.

**КАФ** (инг. cost and freight — қиймат ва *фрахт*) — халқаро савдо ишларида товар етказиб бериш шартларидан бири. Унга кўра сотувчи кемани фрахтга олиб, юкларни контрактда кўрсатилган муддатда кемага юклаши керак; юк етиб келган портда юкларни тушириш харажатлари харидор ҳисобидан қилинади.

**КАФОЛАТЛИ ОБЛИГАЦИЯЛАР** — мавжуд ва бўлажак корпорациялар кафолати билан чиқарилган облигациялар; бундай облигациялар эгасининг қарз берувчи сифатидаги талаби бошқа турдаги облигация эгалари талабига кура биринчи навбатда қондирилади.

**КВАЗИПУЛЛАР** (лат. quasi — мавҳум, таги-туги йўқ) — Халқаро Валюта Фондининг методологияси бўйича тижорат банкларида муддатли ва омонат қўйилмаларида сақланаётган нақд бўлмаган пул маблағлари.

**КВОТА** (лат. quota — қисм, ҳисса) — умумий ишлаб чиқариш, сотиш, экспорт, импорт ва бошқа иқтисодий фаолият соҳаларида келишув асосида ҳар бир иштирокчи учун жорий қилинадиган ҳисса. Битимларга биноан амалга оширилади. Давлатлараро шартномаларга кўра айрим ёки бир гуруҳ товарлар юзасидан

квота ўрнатиладики, унга мувофиқ мамлакатлар ёки мамлакатлар гуруҳи фақат белгиланган миқдордаги товарларни ишлаб чиқариши ва четга сотиши мумкин. Бу давлатлараро картель битимларида белгиланади. Квота ўрнатиш шартини бузган мамлакат ёки корхона иқтисодий жиҳатдан жазоланади. Квота ўрнатишдан мақсад бозордаги нархни маълум мақсад йўлида ўзгартириб туриш, чунки квота товар таклифини чегаралайди, бу билан нархга бинобарин, фойда кўришга таъсир этади.

**КЕЛИШИЛГАН НАРХЛАР** — ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан истеъмолчи (харидор) ўртасида ҳар икки томоннинг розилиги билан келишиб белгиланган нархлар. Келишилган муддат давомида амал қилади, ҳар икки томоннинг иқтисодий манфаатига мос тушганда, яъни яхши фойда кўриладиган фаолиятни таъминлагандагина ўрнатилади. Монополия ва товар тақчиллиги шароитларида келишилган нархлар (улар одатдаги нархдан юқори бўлади) нархни сунъий ошириб, халқ ҳисобидан фойда кўриш воситасига ёки корхоналар ва ташкилотларнинг чайқовчилик воситасига айланади.

**КЕЧИКТИРИЛГАН ТАЛАБ** — бозордаги тақчиллик туфайли керакли товар топилмасдан, қондирилиш муддати орқага сурилган талаб. Кечиктирилган талаб носоғлом иқтисодиёт ва мувозанати бузилган бозорга хос. Кечиктирилган талаб умуман талаб таркибини ўзгартиради. Бир товарга талаб қондирилмаса, у бошқа товарга, одатда, ўринбосар товарга ёки мутлақо бошқа товарларга кўчади, сотилиш кўпайиб, сероб бўлган товарлар ҳам тақчил молга айланади. Кечиктирилган талаб занжирли акс таъсирлар орқали умуман бозорда талабни издан чиқаради.

**КИМОШДИ САВДО** — қ. *Аукцион.*

**КИЧИК БИЗНЕС** — мустақил майда корхоналарнинг даромад кўзловчи соҳибкорлик фаолияти. Кичик бизнес йирик корхоналар, монополиялар фаолияти учун торлик қиладиган, фойда кўлами камроқ соҳаларда фаолият кўрсатади. Кичик бизнес катта капитал талаб қилмаганидан эпчил бўлади, бир соҳадан бошқасига тез ўтиб, бозор коньюнктурасига мослашиб олади. Кичик бизнеснинг яшовчанлиги шундаки, йирик капитални иккинчи даражали соҳаларга кўйиб бўлмайди. Натижада бу соҳа кичик соҳибкорларга қолади, техника тараққиёти майда, ўрта корхона доирасида ҳам фойда билан ишлаш имконини яратади (қ. *Бизнес*).

**КИЧИК КОРХОНАЛАР** — мулкчилик шаклидан қатъий назар янгидан барпо этиладиган ва ишлаб турган, ходимлар сони оз бўлган корхоналар. Саноатда ва қурилишда 200, фан соҳасида 100, ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида 50, ноишлаб чиқариш соҳасида 25, чакана савдода 15 кишигача ишлайди. Ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олиб давлат қонунлари билан ишловчиларнинг энг кам сони белгиланиши мумкин. Бир канча соҳада фаолият кўрсатаётган кўп тармоқли корхоналар сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмида энг кўп ҳиссаси бўлган фаолият тури бўйича кичик корхоналар тармоғига киритилади.

**КЛИРИНГ** (инг. clearing, clear — тозалаш, равшанлаштириш) — товарлар, қимматбаҳо қоғозлар, хизматлар учун ўзаро мажбурият ва талабларни, яъни бир-бирига берадиган пулларни ҳисобга олиш билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими. Банклараро клиринг ва халқаро валюта клиринглари бор. Банклараро клиринг банклар ўртасида ҳисоб-китоблар ўзаро пул талабларини ҳисобга олиш йўли билан бажарилади. Капиталистик мамлакатларнинг ички

ҳисоб-китобларида чек ва вексель клиринглари қўлланилади. Халқаро валюта клиринги алмаштириладиган товарлар рўйхати, уларнинг нархи ва етказиб бериш муддатлари белгиланган халқаро тўлов шартномалари асосида амалга оширилади. Бунда валюта фақат етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар ўртасидаги фарқ миқдоридагина тўланади ёки ўша товардан яна қўшимча етказиб берилади.

**КОМИССИОНЕРЛАР** — даллоллар; муайян товарларни комиссияга қабул қилади, бу товарлар сотилганидан кейингина унинг ҳақини эгасига тўлайди.

**КОММЕРСАНТ** — қ. *Тожир.*

**КОММИВОЯЖЕР** (фр. commis-voyageur) — йирик савдо фирмаларининг харидорларга намуналар, каталоглар, кўргазма варақалари асосида товарлар таклиф этадиган сайёр вакили, савдо бўйича воситачи.

**КОНВЕРСИЯ** (лат. conversio — ўзгариш) — 1) молия конверсияси муайян бир давлат валютасини бошқа мамлакат валютасига айирбошлаш; илгари чиқарилган давлат заёмининг дастлабки шартларини ўзгартириш (кўпроқ қарзнинг процент даражасини пасайтириш ёки қарз муддатини узайтириш). Давлат заёми конверсиясида заём облигацияси янгисига алмаштирилади ёки номинал қиймати бўйича қайтариб олинади; 2) ишлаб чиқариш конверсияси — ҳарбий саноатни аҳоли талаб-эҳтиёжини қондирувчи маҳсулот яратишга мослаштириш, ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришдан фуқароларга зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш.

**КОНВЕРТИРЛАНАДИГАН** (эркин алмаштириладиган) **ВАЛЮТА** — қ. *Валюта.*

**КОНВЕРТИРЛАНАДИГАН СЎМ** — сўмнинг бошқа валюталарга эркин алмашадиган обрў-эътиборли валютага айланиши. Конвертирланган сўм (рубль) 1922 йилги пулислоҳотида жорий қилинган, унинг кадр-қиммати олтин билан таъминланган, чунки муомалада олтин пуллар бўлган. 30-йилларга бориб олтин пул муомаладан чиқиб кетгач, сўм конвертирланиш хусусиятини йўқотган. Сўм тўлақонли конвертирланган валютага айланиши учун мамлакат товарлари халқаро бозорда рақобат қила оладиган даражада сифатга эга бўлиши керак.

**КОНОСАЛТИНГ** — корхоналар, фирмалар, ташкилотларнинг иқтисодий фаолиятига оид жуда кўп масалалар, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолият соҳаси бўйича ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва харидорларга маслаҳат, тавсия бериш. Коносалтинг фирмалари бозор (товарлар, хизматлар, лицензиялар, ноу-хау ва б.) ни ўрганиш, прогнозлар бериш, жаҳон товар бозорларидаги нарх-навоExternal-ларни, халқаро ҳамкорлик объектларини техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш ва б. бўйича ўз хизматини таклиф этади.

**КОНОСАМЕНТ** — ҳужжат; юкни ташишга қабул қилинганлиги ва ташувчининг юкни олувчига етказиш мажбуриятини тасдиқлайди.

**КОНСОРЦИАЛ БАНК** — бир неча банклар ва молиявий гуруҳларга тегишли бўлган, акционерлик типидаги кўп миллатли қўшма банк.

**КОНСОРЦИУМ** (лат. consortium — ширкат, уюшма) — фирмалар ёки фирмалар билан ҳукумат ўртасида муайян амалий, жуда кенг кўламдаги иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида шартнома асосида тузилган вақтинчалик бирлашма; бир неча банклар ёки йирик

саноат корхоналарининг муайян ишларни ҳамкорликда амалга ошириш учун тузган келишуви. Консорциум аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари консорциум тўғрисидаги битимда белгилаб қўйилади. Қўйилган вазифани бажариш учун консорциум иштирокчилар бадаллари ҳисобидан ягона молия ва моддий фондлар барпо этади, бюджет маблағлари ва давлат банкидан кредитлар олади. Вазифа бажарилгач, консорциум тарқайди. Дастлаб консорциум банк соҳасида майдонга келган. Бозор иқтисодиёти шароитларида мамлакатда чет эл фирмалари ва банклари билан ҳамкорликда консорциумлар вужудга келади.

**КОНСУЛ ЙИҒИМЛАРИ** — консулликлар ёки ташқи ишлар вазирликларининг бошқа идоралари томонидан фуқаролар, муассасалар ва ташкилотлар илтимосларига кўра амалга оширилган расмий саъйи-ҳаракатлар учун консул тайинлаган мамлакатнинг қонунларига кўра белгиланган тарифлар бўйича ундириладиган ҳақ.

**КОНТАКТЛИ БИТИМ** — сотиб олинган товарларни дарҳол етказиб бериш ва ҳақини нақд пул билан тўлаш шартига асосланган биржа битими.

**КОНТАНГО** — биржа савдосида қўлланиладиган нархлар нисбати; бунда муддатли келишув бўйича сотишга мўлжалланган товарлар нархлари нақд товар нархидан ортиқ бўлади. Муддати келишилган товарни харид қилиш нақд товарни харид қилиш ва уни маълум муддат давомида сақлаш харажатларидан арзон ҳолларда қўлланилади. *Бэквордэйшн*нинг акси.

**КОНТО-КОРРЕНТ** (итал. conto corrente — жорий ҳисоб-китоб) — доимий савдо мулоқотида бўлган икки савдо корхонасининг ўзаро келишуви бўйича очилган ҳисоб варағи. Ҳисоб-китоблар ўзаро қарзларни ҳисобга олиш йўли билан олиб борилади.

**КОНТРАБАНДА** (итал. contra bando) — мамлакатда олиб келиш ва олиб кетиш таъқиқланган товарлар, қимматбаҳо буюмлар, валюта бойликлари ва б.ни давлат чегарасидан қонунга хилоф (яширинча) усулларда ўтказиш, шунингдек, тақиқланган молларни олиб ўтиш учун ноқонуний ҳаракатлар қилиш. Божхонадан ўтказилмаган, хусусан, божхона назоратидан ташқари, яширинча, топиш қийин бўлган воситалар орқали ёки ҳужжатлар (декларация)да кўрсатилмаган моллар ноқонуний олиб ўтилган ҳисобланади. Контрабанда қонун билан жазоланади. Халқаро конунларга кўра контрабанда товарлари мусодара қилинади, айбдорлар жарима тўлайди ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

**КОНТРАГЕНТЛИК ҲАРАКАТИ** — икки аҳдлашувчи томон ўртасида амалга ошириладиган келишувлар.

**КОНТРАКТ** (лат. contractus — битим, келишув) — мамлакатлар, фирма, корхона ва б. ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўрнатиш, ўзгартириш ёки тўхтатиш (бекор қилиш) ва унинг амал қилиш муддатлари тўғрисида икки томонлама ёзма келишув, шартнома. Ташқи савдо (товарлар, хизматлар, лицензия, технология)да контракт бир томон (сотувчи)нинг иккинчи томон (харидор)ни шартномада кўрсатилган товар билан таъминлаш мажбурияти ҳақида шаҳодат берувчи ҳужжат. Унда контракт тузувчи томонларнинг номлари; шартнома предмети; контракт нархи ва умумий суммаси; мол етказиб бериш муддатлари; тўлов шартлари; товарни жойлаш ва ўраш; сотувчи кафолатлари: жарима санкциялари ва зарарни қоплаш; суғурта ва бошқа масалалар ўз аксини топади.

**КОНТРАКТ НАРХЛАР** — контракт (битим)да белгиланган нархлар. Бундай нархлар томонларнинг савдолашуви натижасида шаклланади, шу сабабли одатда сир сақланади. Ташқи савдо контракт нархлари ички бозор нархларидан фарқланади. Бунда товар бирлиги учун нарх ва умумий сумма томонлардан бири (мамлакат) валютасида, бошқа бир учинчи мамлакат ёки халқаро валюта бирликларида тўланади. Контракт нархларнинг уч тури бор: *қатъий белгиланган нархлар*; кейинчалик контракт тузувчилар *келишган вақтда қайд этиладиган нархлар*; ўзгарувчан, контракт тузувчилар розилиги билан *келишилган муддатда ўзгарувчи нархлар*. Контракт нархлар контракт амал қилган даврда қўлланади, контракт муддати тугагач ўз кучини йўқотади.

**КОНТРАФАКЦИЯ** (фр. contrefaction — сохта) — айрим фирмаларнинг маҳсулотлари шуҳрат қозонган бегона фирмалар товар белгиларидан фойдаланиши. Контрафакция туфайли манфаатига путур етган корхона ўзига тегишли товар белгисига бўлган ҳуқуқини тегишли мамлакат қонунчилигида жорий қилинган тартибда ҳимоя қилиш чораларини кўриши мумкин.

**КОНТРОФЕРТА** — шартнома тузиш ҳақидаги дастлабки таклифларда кўрсатилган шартлар ўзгарганлиги ҳақида бериладиган акцепт-таклиф.

**КОНЦЕРН** (инг. concern) — ишлаб чиқариш диверсификацияси асосида таркиб топадиган йирик, кўп тармоқли *корпорация*. Концерн таркибига (саноат, транспорт, савдо, банк соҳаси) турли тармоқларга тегишли, айрим ҳолларда, дунёнинг кўпгина мамлакатларида жойлашган ўнлаб ва юзлаб корхоналар ихтиёрий асосларда киради. Концерн таркибидаги корхоналар илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш тараққиёти, шунингдек, инвестицион, молия, ташқи иқтисодий фаолият, корхоналарга хизмат кўрсатишни ташкил этиш соҳаларидаги вазифаларни марказлаштириш асосида ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Корхоналар умумий молия, ягона илмий-техника потенциали ва кооперациялашган барқарор алоқаларга эга бўлади. Айрим концернлар мураккаб маҳсулотларни тайёрлашнинг жами ишлаб чиқариш циклини амалга ошириши мумкин. Тармоқ ва тармоқлараро концернлар бор. Бир корхона фақат бир концернга кира олади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида Ўзбекистонда моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқ вазирликлари ўрнида йирик концернлар ташкил қилинди («Ўзхимконцерн», «Ўзбекистон мева, сабзавот, вино саноати концерни» ва б.).

**КОНЦЕССИЯ** (лат. concessio — рухсат, ён бериш) — хўжалик юритиш ва чет эл капиталини жалб қилиш шакли; миллий иқтисодиётни ривожлантириш ёки тиклаш, табиий бойликларни ўзлаштириш мақсадида давлат ёки муниципалитетга қарашли ер участкалари, қазилма бойликлар, корхоналар ва бошқа хўжалик объектларини муайян муддатга ва шартлар билан фойдаланиш учун чет эл капитали (давлат, фирма, хусусий шахс)га бериш ҳақидаги шартнома ёки келишув. Ҳозирги шароитларда концессионер ишлаб чиқарган маҳсулотини, айниқса кенг истеъмол моллари ёки машинасозлик маҳсулотларини концессия жойлашган мамлакат бозорига чиқариши кўп учрайди. Концессиялар билан бир қаторда чет эл капиталидан фойдаланадиган қўшма корхоналар пайдо бўлмоқда.

**КОНЪЮНКТУРА** — иқтисодиётнинг умумий ҳолати; уни фан-техника тараққиёти, иқтисодий ўсиш, структура силжишлари,

молиявий аҳвол, экспорт имкониятлари кабилар характерлаб беради. Иқтисодий конъюнктура ўзгарувчан, салбий ва ижобий бўлади. Собиқ СССР да 80-йилларда иқтисодий конъюнктура салбий бўлди. Ижобий иқтисодий конъюнктура барпо этишнинг йўлларидан бири — бозор иқтисодиётига ўтиш ҳисобланади.

**КООПЕРАТИВ САВДО** — кооператив мулкчиликка асосланган савдо шакли. Матлубот кооперациясининг асосий фаолият турларидан бири. Савдо-сотиқ қилиш билан бир вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда товар ишлаб чиқариш бўйича ҳам фаолият кўрсатади. Кооператив савдонинг ўз маблағлари пайчиларнинг кириш ва пай бадаллари, шунингдек, хўжалик фаолияти натижасида олинадиган фойдадан ташкил топади.

**КООПЕРАЦИЯ** — 1) меҳнатни ташкил этиш шаклларидан бири; кўпчилик ходимлар бир меҳнат жараёнида ёки ўзаро боғлиқ турли меҳнат жараёнларида ҳамкорликда иштирок этадилар; 2) гуруҳ мулкчилигига асосланган хўжалик юритиш шакли; 3) маълум бир маҳсулотни ўзаро ҳамкорликда тайёрлаш билан банд бўлган корхоналар ўртасидаги узоқ ва барқарор алоқалар шакли.

**КОРНЕР** (инг. corner — боши берк кўчага киритиш) — олиб сотиш йўли билан устама фойда олиш мақсадида у ёки бу товарни сотиб олиш бўйича тижоратчилар ўртасидаги келишув (битим). Корнер бир неча фирма ва компаниялар ўртасидаги махсус битимга асосланади. Акцияларни сотиб олиш ва илгари қўлга киритилган у ёки бу компания акцияларининг назорат пакетини қайта сотиш, сотиб олиш учун фонд биржаларида ҳам корнер тузилади. Товар биржасида товарларни сотиб олиш йўли билан бозорда товар тақчиллигини уюштирувчи фирмалар (бир фирма) ёки шахслар гуруҳи фаолияти ҳам корнердир.

**КОРПОРАЦИЯ** (лат. corporatio — бирлашма, ҳамжамият) — ривожланган йирик акционерлар жамияти ва трестлар; бирон бир фаолият учун уюшган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар мажмуи. Бир касб ёки фаолият соҳасидаги фуқароларни бирлаштириши ҳам мумкин. 19-аср ўрталарида пайдо бўлган. Ҳозирги бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда хўжаликнинг барча тармоқларида асосий мавқега эга. Корпорациялар негизи акционер жамиятлари ҳисобланади. 20-асрнинг иккинчи ярмидан халқаро корпорациялар кенг ривож топди. Корпорациялар бир хил маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчиларини бирлаштиради, натижада ишлаб чиқариш монополлашади. Айни пайтда корпорациялар инвестиция капиталининг марказлашувига ёрдам беради, илмий-техника тараққиётини, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ва узоқ ҳаётий циклини таъминлайди.

**КОРРУПЦИЯ** (лат. corruptio — айниш, порага сотилиш) — мансабдор шахснинг ўз мансаби бўйича берилган ҳуқуқларни шахсий бойиш мақсадларида бевосита суиистеъмол қилишидан иборат жиноят. Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам коррупция дейилади. Коррупция давлат аппарати ва парламент фаолиятида айниқса авж олади. Сайланадиган лавозимларга номзодлар сайлов компаниясини ўтказишда харажатларни тўлаш коррупция кўринишларидан биридир (сайланган киши турли имтиёзлар, ёрдам, хизматлар кўрсатиб «ўз қарзини» қайтаради). Аксарият коррупция лоббизм (монополияларнинг қонунчилик органлари ва амалдорларга тазйиқ ўтказиш билан шуғулланадиган муассаса ва агентлари тизими) билан боғланган.

**КОРХОНА** — мустақил хўжалик юритувчи субъект, маҳсулот ишлаб чиқариш, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва фойда олиш мақсадида юмушлар бажариш, хизматлар кўрсатиш учун ташкил этилади. Хусусий, давлат, акционер мулк, жамоат ташкилотлари мулки, шунингдек аралаш мулк корхоналари мавжуд.

**КОРХОНА АКЦИЯСИ** — корхонанинг фақат ўз меҳнат жамоаси доирасида тарқатиладиган ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлар, турли жамиятлар, банклар, шунингдек, кооператив корхона ва ташкилотларга сотилиши мумкин бўлган акциялар.

**КОРХОНА НИЗОМИ** (устави) — корхонанинг хўжалик мақсадлари, йўналиши, вазифалари, фаолият доираси, бошқариш ва назорат органлари, мулкини шакллантириш тартиби, фойда (даромад)ни тақсимлаш, қайта ташкил этиш шартлари ва бошқа ҳолатлар белгилаб берилган ҳужжат. Корхонани таъсис этувчи (муассислар) томонидан тасдиқланади.

**КОРХОНА ФОНДЛАРИ** — ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш ва ходимларни иқтисодий рағбатлантириш учун фойдаланиладиган моддий бойликлар ҳамда пул маблағлари мажмуи.

**КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ** — давлат корхонаси; маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораси корхонаси; шахсий (оилавий) хусусий корхона; тўлақонли ширкат; аралаш ширкат; акционер жамият, масъулияти чекланган ширкат ва б.

**КОСИГНАЦИЯ** — воситачи (косигнаторлар) нинг косигнация омборхоналари орқали товарларни сотиш шакли. Бундай омборга тушган товар харидорга сотилишига қадар маҳсулот етказиб берувчи (косигнат) нинг мулки ҳисобланади. Товарни омборда сақлаш ва уни сотишга тайёрлаш харажатлари мулк эгаси ҳисобидан бўлади. Сотиш бўйича контрактлар тузилишига қадар товарлар омборга етказиб берилади. Воситачининг омборида товарни сақлаш муддати 1 йилдан 1,5 йилгача. Агар шу муддат ичида товар сотилмай қолса, ўз эгасига қайтарилади.

**КОТИРОВКА** (фр. coter — рақамлаш, белгилаш) — биржада амалдаги вазият ва қонунчилик нормаларига мувофиқ чет эл валюталари, қимматбаҳо қоғозлар курсини ёки моллар нархини белгилаш ва уларни қайд этиш. Котировкани ваколат олган давлат органлари (расмий котировка) ёки йирик компания ва тижорат банклари (бозор котировкаси) ўтказади. Котировка маълумотлари махсус биржа бюллетенларида ҳамда даврий нашрларда чоп этилади. МДҲда чет эл валюталари котировкасини ҳар бир давлатнинг Марказий банки ўтказади ва валюта курси бюллетенида эълон қилиб туради.

**КРЕДИТ** (лат. creditum — қарз) — пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устама (процент) тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатга қарзга бериш. Т и ж о р а т к р е д и т и ва б а н к к р е д и т и г а бўлинади. Қарзга маблағ берувчи томон кредитор (давлат, банк, корхона, хусусий шахс ва б.), ссуда олувчи томон эса дебитор (қарздор) дейилади. Кредит келишуви қарздан фойдаланиш шартлари қайд этилган шартнома билан расмийлаштирилади. Кредитлар икки хил: қ и с қ а м у д д а т л и (1 йилгача, айрим ҳолларда 2 йилгача) ва у з о қ м у д д а т л и бўлади. Қисқа муддатли кредит корхона ва ташкилотларнинг айланма фондларини шакллантиришга хизмат қилади. Узоқ муддатли кредит эса моддий ишлаб чиқариш тармоқларига капитал маблағлар ажратиш манбаи ҳисобланади. Банк кредитининг *форфейтинг*, *факторинг*, харидорга

қарз бериш каби кўринишлари бор. Амалиётда кредитнинг қуйидаги турлари кўп учрайди: бланк (расмий қоғоз) кредити — таъминот манбаи бўлмаган кредит; давлат кредити — аҳолига сотиладиган давлат заёмлари, облигациялари билан амалга оширилади, давлат жисмоний ёки юрндик шахслардан қарз олади; истеъмол кредити — аҳолига истеъмол товарлари, хизматларни насияга сотиш, уй-жой қурилиши харажатлари учун, ломбардлардаги мулк гарови ҳисобига, ўзаро ёрдам кассаси қарзлари ва б. кўринишларда бериладиган қарз; кафолатли кредит — корхоналар бир-бирига банк ёки ҳукумат органлари кафолати билан қарз беради; молия кредити — тижорат кредити шакли; экспортерларга айрим кредит битимлари бўйича импортерларга сотиб оладиган товарларига тўлаши учун пул қарзи кўринишида берилади. Товар кредити — тижорат кредити шакли; экспортерлар импортерларга етказиб берилган товарлар учун тўловлар муддатини чўзиб беради. Қоплама кредит — қарзни узишда пул (валюта) ўрнига олинган қарз ҳисобига қурилган корхона махсулотлари берилади. Халқаро кредит — муддатли, қайтимли ва процент тўлаш шартлари билан бир мамлакатдаги кредитор томонидан иккинчи мамлакатдаги қарз олувчига пул ёки товар шаклида бериладиган қарз, шунингдек чет эл облигациялари, чет эл корхоналари акциялари ва бошқа қимматбаҳо қоғозларига фойда олиш мақсадларида капитал қўйиш.

**КРЕДИТ БИЛЕТЛАРИ** — к. *Банкнотлар.*

**КРЕДИТ ҚОБИЛИЯТИ** — қарздорнинг кредитни қайтара олиш қобилияти ва имконияти. Кредиторлар томонидан кўпгина омилларни, расмий ва норасмий маълумотларни ўрганиш билан баҳоланади. Ўз мижозларининг қарзни қайтариш имкониятларини баҳолаш банклар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

**КРЕДИТ КАРТОЧКАСИ** — банк ёки махсус кредит (савдо) муассасаси томонидан бирор киши номига берилган пул ҳужжати; унда пул эгаси жорий ҳисобидаги сумма кўрсатилади. Эгасига чакана савдо тармоқларида нақд пулсиз товарлар ва хизматлар харид қилиш ҳуқуқини беради. Кредит карточкасига биноан харидор ҳисобидаги пул суммаси унинг ихтиёридан олиниб, товар сотган корхона ҳисобига ўтказилади.

**КРЕДИТ ПУЛЛАРИ** — *кредит* алоқаларида ишлатиладиган қоғоз пуллар. Кредит пуллар олтин ўрнига пайдо бўлган, қарз берувчи ва қарздор ўртасидаги ҳамда банк воситасида амалга ошадиган ишларда қўлланади. Кредит пулларнинг 4 тури бор: *вексель, банкнот, чек* ва *кредит карточкаси.*

**КРЕДИТ МУАССАСАЛАРИ** — муайян мамлакат территориясида кредит ишларини амалга оширадиган муассасалар (банклар, суғурта жамиятлари, ҳар хил фондлар, ломбард ва б.). Уларнинг орасида банклар тизими муҳим ўринда туради.

**КРЕДИТ ТИЗИМИ** — мамлакатда қабул қилинган кредит муносабатлари. Кредит муносабатларини ташкил этадиган ва амалга оширадиган банклар ва бошқа кредит муассасалари мажмуи.

**КРЕДИТ ХАТАРИ** — қарздорнинг қарзга олинган пул ва унинг процентини кредиторга қайтармаслик хатари. Хатарни олдиндан баҳолай билмаслик банклар ва бошқа кредиторларга йирик зиён келтиради. Кредит хатарни суғурта қилдириш мумкин. Ҳар бир кредитор айни пайтда ўзининг бошқа бир кредит муноса-

батларида дебитор (карздор) ҳам бўлиши мумкин.

**КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗИ**—корхона, фирма, жамият, компания ва ҳ.к. томонидан вактинча жалб этилган ва эгаларига кайтарилиши лозим бўлган пул маблағлари.

**КРИЗИС** (юн. krisis — ҳал этиш, оқибат) — иктисодий танглик, таназзул. Кризис иктисодиётда ҳаддан ошик кўп ишлаб чикариш ёки керагидан кам ишлаб чикариш натижасида юз беради. Бозор иктисодиётига биринчи турдаги кризис хос. Ортикча ишлаб чиқариш кризислари даврий бўлади, вакти-вакти билан такрорланиб туради. 20-асрнинг 50—80-йилларида ривожланган капиталистик мамлакатларда бозор иктисодиётини тартибга солиш чоралари фаол қўлланганидан кризислар тезрок такрорлансада, уларнинг олдинги даҳшатли кучи қирқилиб, енгил кечадиган ҳодисага айланди. 80-йилларда ва 90-йиллар бўсағасида собик СССРда ва Шаркий Европа мамлакатларида бошланган танглик кам ишлаб чикариш — такчиллик кризиси бўлди.

**КРОСС-КУРС** — икки валюта ўртасида учинчи валютага нисбатан аникланадиган курслар нисбати.

**КУЛИСА**, махфий — расмий биржа маклерлари иштирокисиз кимматбаҳо қогозлар билан савдо ўтказадиган норасмий биржа. Расмий биржа эса паркет дейилади. Расмий биржага қўйилмаган қоғозлар кулисада сотилади. Савдо бевосита сотувчи билан харидор ўртасида ёки норасмий маклерлар оркали ўтади. Жаҳон микёсида олди-сотди ҳажми жуда катта.

**КУМУЛЯТИВ ОВОЗ БЕРИШ** (лат. cumulatio — ошириш, тўплаш) — акционерларнинг умумий йиғилишида акционерга бошка масалаларда овоз бериш ҳуқукидан воз кечиш ҳисобига айрим масалалар бўйича бир неча овоз билан катнашиш. Майда акционерларнинг ҳукукларини ҳимоя килиш учун қўлланилади.

**КУПОН** (фр. coupon) — кимматбаҳо қоғознинг йиртма талон кўринишидаги қисми. Талонда кўрсатилган муддатида процентлар суммасини олиш ҳукукини беради. Купон кимматбаҳо когозга, масалан, облигацияга тиркалиши ёки ундан алоҳида сотилиши ёки сотиб олиниши мумкин. Купон бўйича пул беришда шу купон тиркалган кимматбаҳо қоғознинг ўзи албатта такдим этилиши зарур. Ҳозир республикамизда аҳолига купонлар бўйича таркатиш мўлжалланган истеъмол товарларини сотиб олиш ҳукукини берадиган йиртма талонлар ҳам купон деб аталади. Бундай талонларда купон сони кўрсатилади.

**КУРТАЖ** (фр. courtage), даллол пули, ширинкома — биржа битимини амалга оширишда воситачилик килгани учун брокерга бериладиган хизмат ҳаки. Одатда брокерга келишилган микдордан промилле ҳисобида сотувчи ҳам, харидор ҳам тўлайди. Ширинкома микдори кимматбаҳо когозларнинг турига ва битим микдорига боғлик, биржа устави ва томонлар келишуви билан аникланади.

**КЎП УКЛАДЛИ ИҚТИСОДЁТ** — турли мулк шакллари ва ҳар хил хўжалик турларининг яхлитлигидан ташкил топган иктисодиёт. Бозор иктисодиёти хилма-хил, бир-бири билан эркин ракобатлашадиган хўжалик укладларини такозо этади, ўз табиатига кўра ҳар хил иктисодий таркибга эга бўлган ишлаб чикаришдан иборат бўлади. Ҳозирги замон бозор иктисодиётида майда товар, жамоа, хусусий, монополлашмаган капиталистик, монополистик, давлат монополистик, транснационал укладлар мавжуд. Шунингдек,

аралаш ва ўткинчи укладлар ҳам бор. Укладлар бир-бирига товарлар, ахборот, тажриба, иш кучи етказиб беради. Улар ўзаро иқтисодий алоқасиз ривожланмайди, айни вақтда улар рақобатда бўлади.

# Л

**ЛАЖ** — 1) олтин муомаласи бор жойда бозордаги қоғоз пулларнинг қадрсизланиши натижасида ўз-ўзидан олтин баҳосига қўйиладиган устама; 2) олтин бозор баҳосининг расмий баҳодан ортиқ қисми; 3) пул белгилари, векселлар ёки қимматбаҳо қоғозлар бозор курсининг уларда қайд этилган қийматига нисбатан ошиб кетиши.

**ЛАПСУМ** — 1) катта миқдордаги пул; 2) *паушаль сумма*; 3) амалда ортилган юк миқдоридан қатъий назар кема фрахти учун тўланадиган узил-кесил ҳақ. Лапсум роялти — қатъий келишилган ижара ҳақи.

**ЛИЗИНГ** — машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотларини узоқ муддатли ижарага олиш; узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар экспортини кредитлашнинг шаклларидан бири; лизингнинг асосан молиявий ва оддий тури бор. Молиявий лизинг муайян муддатда ижарага берувчининг капитал харажатларини тўлиқ қоплашга етарли тўловлардан иборат бўлиб, мулк эгасига бир миқдор фойда ҳам беради. Оддий лизинг — ижара даврида ижарага олинган мулк қисман амортизацияланади. Лизинг компанияси асбоб-ускуналар сотиб олиб, уларни ижарачи фирмага одатда бир йилдан 10—15 йилгача ижарага беради. Лизингда ижарачининг шартнома муддати тугагандан сўнг асбоб-ускуналарни қолдиқ қиймат бўйича сотиб олиш (бу ҳолда эгалик ҳуқуқи янги соҳибга ўтади); янги келишув асосида шартнома муддатини чўзиш; моддий бойликларни лизинг компанияларига қайтариш ва бошқалар кўзда тутилиши мумкин. Томонлар лизинг шартномасида кўрсатилган давр мобайнида уни бузишга ҳақи йўқ. Лизинг компаниялари машина ва ускуналар сотиб олиш учун шахсий ва қарзга олинган маблағлардан фойдаланадилар. Давлат, одатда, уларга банкдан қарз олишлари учун имтиёзли шароитлар яратиб беради.

**ЛИКВИДЛИК** (лот. liquidus — суюқ, оқувчи) — турли корхоналар, бирлашмалар, фирмалар ва банкларнинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш (қарзини тўлаш) имконияти. Барқарор талабга эга бўлган пул воситалари, банк депозитлари, қимматбаҳо қоғозлар, моддий айланма воситалар — харидоргир ва пулга тез айлантириладиган активлар ликвид воситалари деб юритилади. Ликвидлик қобилияти қониқарли бўлиб, ўз ҳамкорлари олдида ишонч қозониш, корхона, фирма ва б. зарар кўрмай ишлаши учун маблағлар айланишининг меъёрда бўлишига эришмоқ зарур. Банк ва фирма, корхоналарнинг ликвидлик қобилияти бухгалтерлик ҳисобот ва балансларини текширишда аудиторлар (қ. *Аудитор фирма)* томонидан албатта таҳлил қилинади.

**ЛИМИТ ХАБАРНОМАСИ** — банкнинг тасдиқланган кредит режаси асосида қарз олувчиларга ёки қарз олувчилар гуруҳига бериладиган қарзларнинг миқдори тўғрисида қуйи муассасаларига хабарномаси.

**ЛИМИТЕД, ЛТД** (инг. limited,— чеклаш, чегара) — компания, ширкат ва банкларнинг ўз мажбуриятлари юзасидан чекланган масъулиятини (акционер

ёки улуш капитали чегарасида) билдирувчи атама.

**ЛИМИТЛАР** (фр. limite, лат. limes — чегара, чек) — хўжалик фаолияти турли жиҳатларининг миқдоран чекланиши; уларни давлат ёки йирик бирлашма ўз корхонаси учун ўрнатади. Бунда у ёки бу фаолият соҳасининг энг юқори чегараси доираси қандай бўлиши аниқланади. Лимитлар буйруқбозлик — бюрократик бошқариш усулининг маҳсули бўлиб, иқтисодий мустақилликнинг чекланганлигидан келиб чиқади. Бозор иқтисодиёти чекланишлар билан сиғишмайди, шу сабабли унга ўтиш билан лимитлар ўта паст даражага келтирилади ва ғоят катта, муҳим умумдавлат аҳамиятли ишларга нисбатан қўлланади.

**ЛИРА** (итал. lira) — 1) Туркия пул бирлиги. 1 лира=100 куруш (пиастр). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жорий этган курс бўйича 10 лиранинг бозор курси республика ҳудудида 55 тийинга тенг (1993, январь).

2) Италия пул бирлиги, 1 лира=100 чентизимо. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жорий этган курс бўйича 100 лиранинг бозор курси республика ҳудудида 31 сўм 75 тийинга тенг (1993, январь).

**ЛИСТИНГ** — қимматбаҳо қоғозларни биржага қўйиш. Чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар биржада рўйхатдан ўтган бўлса, уларни савдога қўйиш мумкин. Биржага қўйилмайдиган акциялар «чайқов» бозорида «пештахта остидан» сотилади (қ. *Делистинг*).

**ЛИЦЕНЗИЯ** (лат. licentia — эркинлик, ҳуқуқ) — 1) ваколатли давлат органлари ташқи савдо ҳаракатларини олиб бориш учун берадиган рухсатнома. Экспорт ва импортни, валюта сарфларини назорат қилиш усулларидан бири. Одатда 1 йилга берилади; 2) техникавий, иқтисодий, илмий янгиликлар эгасининг уларни ишлатиш учун шартнома асосида берадиган рухсати. Одатда лицензия патент олинган ёки патент олиш учун талабнома берилган ихтироларга нисбатан қўлланилади. Аммо ихтироларга, техник янгиликларга, ишлаб чиқариш тажрибаси, ишлаб чиқариш сирлари, тижорат ахборотлари учун патентсиз ҳам лицензия берилиши мумкин. Лицензия берувчи лицензиар, лицензия олувчи лицензиат деб юритилади. Янги техника ва технологияга оид лицензиялар уч хил бўлади: оддий лицензия, бунда лицензиар ихтиродан шартномада белгиланган доирада фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади, айни бир лицензияни маълум ҳудуд доирасида фақат бир эмас, балки бир неча лицензиатга бера олади; махсус лицензия, бунда лицензиат ихтиро, техника ёки технологияни ишлатишга танҳо ҳуқуқли бўлади, лицензиар эса уни шу ҳудудда қўллай олмайди ва ўз номидан бошқаларга сота олмайди; тўлиқ лицензия, бунда лицензия объектини ишлатиш тўлатўкис лицензиатлар қўлига берилади, лицензиар эса ундан мустақил фойдалана олмайди. Бундай қоида лицензия берилган муддат ичида амал қилади. Шунингдек, тижорат амалиётида лицензиянинг савдо, ҳайвонларни овлаш, банк ҳаракатларини олиб бориш, чет эл валюталари билан ҳаракатлар ўтказиш (тижорат банклари учун) ва б. кўринишлари учрайди.

**ЛИЦЕНЗИАР** — лицензия эгаси, уни сотувчи.

**ЛИЦЕНЗИАТ** — лицензия харидори.

**ЛИЦЕНЗИЯ НАРХИ** — техникавий ва технологик янгиликларнинг эгаси томонидан лицензия шартномасига биноан бошқаларга фойдаланиб туриш учун сотиладиган нархи. Лицензия ҳақи шартнома муддати давомида ли-

цензия бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан олинган фойдадан даврий ажратмалар, мукофот шаклида тўланади, бу **роялти** деб юритилади. Бир неча бор тўланган роялти йиғиндиси лицензия нархини ташкил этади. Лицензия ҳақи уни қўллаб, иқтисодий самара олишдан илгари, бир йўла тўланса бу **паушаль тўлови** деб юритилади. Лицензия нархи лицензияни қўллашдан олинадиган қўшимча фойда билан бирга лицензия бозоридаги талаб ва таклифга ҳам боғлиқ. Лицензия нархининг паст бўлиши техник-технологик янгиликларни оммалаштириш шарти ҳисобланади.

**ЛИЦЕНЗИЯ КЕЛИШУВИ** — лицензиялар, *ноу-хау*, товар белгилари ва б. дан фойдаланиш ҳуқуқини олиш ҳақидаги келишув. Келишув патент лицензияларини, бир неча патентларни ва улар билан боғлиқ бўлган ноу-хауларни биргаликда беришни назарда тутиши мумкин. Лицензия келишуви техник билимларни беришдан ташқари *лицензиар*лар (патент эгалари)га лицензияли ишлаб чиқаришни ташкил этишда тегишли инжиниринг хизматлари кўрсатишни, шунингдек, тегишли ускуналар, бирламчи хом ашё, айрим узеллар ва б. етказиб беришни ҳам юклайди.

**ЛИЦЕНЗИЯ САВДОСИ** — халқаро миқёсда янги техника ва технология билан савдо қилишнинг асосий шакли. Лицензия савдосида ноу-хау, патентли ва патентсиз ихтиро лицензиялари, товар белгилари ва б. фойдаланиб туриш учун сотилади, уларни қўллаш юзасидан инжиниринг хизматлари кўрсатилади. Халқаро тажрибада лицензия келишувлари кенг қўлланилади. Халқаро лицензия савдосида АҚШ ва Япония пешқадамлик қилади.

**ЛОГИСТИКА** — иқтисодий субъектлар ўртасида товарлар, хизматлар ҳамда ахборотларнинг силжиши (алмашуви) билан боғлиқ бўлган фаолият турлари. Бир корхона доирасида товарлар, хизматлар ёки ахборотларнинг корхона ичидаги жами ҳаракатлари, шунингдек корхонага келадиган ва корхонадан жўнатиладиган шундай жилишлар оқими логистикага киради. Логистика вазифалари қуйидагилардан иборат: буюртмаларни тартиблаш, моддий ашёлар оқимини шакллантириш, маҳсулотни бутлаш, жойлаш, ўраш, ташиш, тахлаш ва б.

**ЛОКО** — 1) битим шартларидан бири, унга кўра сотувчи нархига товарни ташиш учун кетган харажатларни копловчи устама киритилади; 2) чет эл валютаси ёки қимматбаҳо қоғозни олди-сотди қилиш битими, унга кўра нақд пул тўлаш битим тузилган биржанинг ўзида юз беради.

**ЛОМБАРД ЧИПТАСИ** — ўз молини гаровга қўйиб, қарз олган шахс номига ёзиб бериладиган гувоҳнома.

**«ЛОРО» ҲИСОБ ВАРАҚАСИ** (итал. loro - уларнинг ҳисоби) — банкнинг мухбир банклар номига очган ҳисоб варақаси («уларнинг ҳисоби бизда»).

**ЛОТ**, тўп — 1) миқдор ва сифат жиҳатидан стандарт товар тўпи; 2) биржадаги бир контракт; 3) бир номда сотишга қўйилган товарнинг ҳар қандай гуруҳи.

# М

**МАЖБУРИЙ КУРС** — давлат томонидан муайян мамлакат валютасини чет эл валютасига айирбошлашни чеклаш шароитида киритиладиган ва расмий қайд қилинган валюта курси.

**МАКЛЕР** — фонд, товар ва валюта биржаларида тузиладиган

келишувларда даллол (қ. *Брокер*)

**МАНКО** — тарозидан уриб қолиш, кассадаги пул камомади.

**МАНЦИПАЦИЯ** — сотиб олинган буюмни мулк қилиб бериш.

**МАРЖА** (фр. marge — чекка) — савдо, биржа, суғурта ва банк амалиётида товарлар нархи, валюта ва қимматбаҳо қоғозлар курси, процент ставкалари ва бошқа кўрсаткичлар фарқини ифодалаш учун ишлатиладиган атама. Савдо амалиётида маржа, одатда, товарни сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги фарқни билдиради.

**МАРКА** — Германия Федератив Республикаси пул бирлиги. 1871 йилдан ягона валюта сифатида жорий қилинган. 1 марка=100 пфенниг. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жорий этган курс бўйича республика ҳудудида 1 марканинг бозор курси 294 сўм 12 тийинга, тенг (1993, январь).

**МАРКЕТИНГ** (инг. marketing, market — бозор, сотиш) — харидор эхтиёжларини имкони борича тўларок қондириш мақсадларида бозор ҳолатини асосли ўрганиш ва олдиндан баҳолаш билан товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш тадбирлари тизими; бозор иқтисодиётининг муҳим унсури; маркетинг иши қисқа ва узоқ муддатли махсус маркетинг дастурлари орқали амалга оширилади, уларда харидорларни ва рақобатчиларни ўрганиш асосида товарлар сифатини яхшилаш, товар нархини ўзгартириш, реклама ўтказиш, товарга талаб чақириш, товарларни ўз вақтида етказиб туриш, харидорларга маъқул тушадиган хизмат кўрсатиш каби чора-тадбирлар назарда тутилади. Ишлаб чиқариш маркетинг воситасида ғоят тез ўзгариб турадиган бозор талабига мослашади ва самарага эришади. Товар ишлаб чиқарувчилар маркетинг туфайли бозор билан узвий боғланадилар, ишлаб чиқариш манбаларини бозорталаб товарлар яратишга қаратадилар, соҳибкорлик ва тижорат ишларини режалаштирадилар.

Маркетинг бир қанча жуда муҳим қоидаларга асосланади: товар ишлаб чиқариш талаби ва корхона имкониятларини ҳисобга олиш; харидорнинг талаб-эхтиёжини тўла қондирилиши, бўлғуси талаби назарда тутилиши; мўлжалланган бозорда товарлар айтилган вақтда ва белгиланган миқдорда сотилиши; янги товарларни ўзлаштира бориб, корхонанинг узоқ давр мобайнида самарали' ишлашига эришиш; корхонанинг ишлаб чиқариш йўналишлари, тутган йўли бозор шароитига, харидор талабига мослашиш билан чекланмай, балки талабни корхона мўлжаллаган йўналишда ўзгартириш. Маркетинг фақат бозордаги талаб-эхтиёжни қондириш воситасигина бўлмай, балки ишлаб чиқариш самарасининг ҳам юқори бўлишига қаратилади. Шу сабабли корхоналарда маркетинг хизматини ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

**МАРШАЛЛ ПЛАНИ**, Маршалл режаси — Иккинчи Жаҳон урушидан кейин Европани АҚШ иқтисодий ёрдами билан тиклаш ва ривожлантириш дастури; бу режани 1947 йил 5 июнда АҚШ давлат котиби Маршалл Жорис Кетлетт (1880—1959) ишлаб чиққан. 1948—51 йилларга мўлжалланган. Режани амалга ошириш бўйича Ғарбий Европадаги 16 давлат — Буюк Британия, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Швеция, Норвегия, Дания, Ирландия, Исландия, Португалия, Австрия, Швейцария, Греция, Туркия Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотн тузиш ҳақидаги конвенция қабул қилдилар. Бу ташкилот биргаликда «Европани тиклаш дастури»ни

ишлаб чиқишлари лозим эди. Кейинчалик Маршалл режасига Ғарбий Германия ҳам жалб этилди. АҚШ конгресси иқтисодий ҳамкорлик қилиш қонуни қабул қилгач (1948), Маршалл плани, яъни тўрт йиллик «чет эл давлатларига ёрдам» дастури кучга кирди. Унда икки томонлама битим асосида Ғарбий Европа давлатларига ёрдам кўзда тутилган. Режада «эркин соҳибкорлик»ни ривожлантириш, хусусий Америка инвестицияларини рағбатлантириш, божхона тарифларини пасайтириш, АҚШга баъзи бир тақчил товарларни етказиб бериш, молиявий барқарорликни таъминлаш, Америка ёрдамини олиш натижасида бўшаган миллий валютада махсус фондлар ташкил этиш ва уларни АҚШ томонидан назорат қилиниши, олинган маблағларни қай тарзда сарфланаётганлиги ҳақида мунтазам ҳисобот бериб туриш мўлжалланган эди.

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ШИРКАТ**, ёпиқ акционер жамият — ҳамкорликда хўжалик фаолияти юритиш учун уюшган фуқаролар ёки юридик шахслар бирлашмаси. Масъулияти чекланган ширкатнинг устав фонди фақат таъсисчилар маблағлари (акциялар) ҳисобига барпо этилади. Ширкат ўз фаолияти учун устав фонди даражасида жавобгар ҳисобланади. Бундай ширкат юридик шахс ҳисобланади, иштирокчилари тасдиқлаган уставга амал қилади, ўзининг расмий номига эга бўлади. Ширкат таркибида юридик шахс бўлган иштирокчилар ўз мустақиллигини ва ҳуқуқий шахслигини сақлаб қоладилар.

**МАСЪУЛИЯТИ ҚЎШИМЧА ШИРКАТ** — масъулияти чекланган уюшма тури. Энг муҳим белгиси — унинг аъзолари ширкат мажбуриятлари (қарзлари) бўйича ўз пай (бадаллар) миқдори доирасида эмас, балки бу маблағлар етмай қолганда ширкат мулкига қўшган ҳиссаларига каррали миқдорда ўз мулки билан қўшимча жавобгар ҳисобланади. Иштирокчиларнинг масъуллик даражаси миқдори таъсис ҳужжатларида қайд этилади.

**МАФИЯ** (итал. mafia) — иқтисодий мажбурлаш, зўрлик, террор ва қотиллик усулларидан фойдаланадиган яширин ташкилот ва унинг номи. 18-аср охири — 19-аср бошларида Италиянинг Сицилия оролида пайдо бўлган. 20-асрда мафия ташкилотлари фаолияти шаҳарларда авж олди, наркотиклар билан контрабанда, кўнгил очиш корхоналари соҳаларига кириб келди, сиёсий ҳаётга фаол аралашди. Мафия давлат идоралари, суд ва полиция амалдорлари, муайян сиёсий доиралар билан бирикиб кетади. Кейинчалик товламачилик, зўравонлик, ўғирлик билан шуғулланадиган уюшган ташкилот (жиноятчилик)нинг давлат ҳокимияти, суд, прокуратура ва б. идоралар ходимлари билан тил бириктириши ва ўзаро бир-бирини ҳимоя қилиши мафия деб аталадиган бўлди.

**МАЪЛУМОТЛАР БАНКИ** — умумий фойдаланиш учун қулай ва аниқ жойда тўпланган ахборотлар мажмуи.

**МАЪЛУМОТНОМА НАРХЛАР** — прейскурантлар, каталог ва шунга ўхшаш айрим даврий нашрларда чоп этиладиган, келишувларда мўлжал бўлиб хизмат қилувчи нархлар.

**МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ** — корхоналар ўртасидаги келишув; бунда маҳсулот етказиб берувчи корхона (маҳсулот ишлаб чиқарувчи) харидор корхонага белгиланган муддатда келишилган турдаги миқдор ва сифатга эга бўлган маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини олади. Харидор корхона эса маҳсулотни олиш, ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

**МАҲСУЛОТЧИ** — қ. *Продуцент.*

**МАХФИЙ** — қ. *Кулиса.*

**МЕЛОН** — тақсимлашга мўлжалланган ғоят юқори фойда суммаси.

**МЕНА,** товар айирбошлаш битимлари — қиймати тенг товарларни бир-бирига айирбошлаш. Бу ҳолда ҳар икки томон ҳам сотувчи, ҳам харидор сифатида майдонга чиқади. Айирбошлашда пул тўланмайди.

**МЕНЕЖМЕНТ** (инг. managment — бошқариш, мудирлик, ташкил этиш) — замонавий ишлаб чиқаришни бошқариш (режалаш, тартибга солиш, назорат қилиш), шунингдек ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, уни ташкил этиш. Мўлжалланган мақсадларга (ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фойдани ошириш) эришиш учун ишлаб чиқаришни бошқариш усуллари, шакллари, воситалари мажмуи. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадларида бошқариш шакллари, структураси, усулларини, янги принципларни доимий жорий этиш асосида уюштириш ва бошқаришни яхшилаш билан боғлиқ.

**МЕНЕЖЕРИЗМ** — иқтисодиётга профессионал бошқарувчилар раҳбарлиги ҳақида назария.

**МЕНЕЖЕРЛАР** (инг. manager — бошқарувчи) — корхона ва компания эгалари бўлмаган ёлланма малакали бошқарувчилар. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида компания, фирма, корхона, банк, молия муассасаларининг ижроия ҳокимиятга эга бўлган бошқарувчи, директор, раҳбар, мудир, маъмурий бошқарувчи каби раҳбар ходимлари; облигация заёмлари чиқариш (эмиссия) ва уни капитал бозорида ўтказиш билан шуғулланувчи банк синдикатлари раҳбар гуруҳлари иштирокчилари ҳам менежерлардир. Улар маърифатли жамиятдаги махсус нжтнмоий қатламни ташкил қилади. Бозор иқтисодиёти шароитларида менежерлар хизмати ишлаб чиқаришда ва товарлар муомаласини уюштиришда зарур омил бўлиб қолади.

**МЕҲНАТ БИРЖАСИ** — иш кучини ёллаш бўйича келишувни амалга оширишда мунтазам воситачи вазифасини ўтайдиган махсус муассаса. Меҳнат биржаси ишсизликни ҳисобга олиб боради, ишсизларга нафақа тўлайди. Кейинги йилларда, кўпгина мамлакатларда касбга йўллаш, қайта ихтисослаштириш ва ишга жойлаштириш бўйича турли хил хизматлар ташкил қилинди. Уларнинг фаолиятлари ишсизларни иш билан таъминлаш, ишлаб чиқарувчи тармоклар тузилмаларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ўзгариб турадиган *меҳнат бозори* эҳтиёжинн қондиришдан иборат. 1922—1925-йилларда собиқ СССР ҳудудида 300 меҳнат биржаси мавжуд бўлиб, улар 10 миллиондан ортиқ кишига хизмат кўрсатган. Меҳнат биржаси бозор иқтисодиётининг муҳим унсурларидан бири. МДҲ да меҳнат биржалари 1991 йилдан пайдо бўлди.

**МЕҲНАТ БОЗОРИ** — иш кучини олди-сотди қилиш муносабати; ишсиз ва банд бўлмаганларни ишга жойлаш, ишсизларга ёрдам пули ва бошқа нафақалар бериш, янги ишчи касбларига тайёрлаш ва қайта тайёрлашга хизмат кўрсатадиган муассасалар орқали амалга оширилади. Меҳнат биржаси, касбга тайёрлаш марказлари, иш билан бандлик фонди, бизнес-тижорат марказлари, ишбилармонликка ҳамкорлик давлат фонди, пенсия фонди, хайрия фонди ва б. дан нборат.

**МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ УЧУН ТЎЛОВ** — корхона (бирлашма)-нинг даромад ёки фойдасидан давлат бюджетига ўтказиладиган тўлов тури. Жамиятнинг ишчи кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилган ижтимоий-маданий хизматлар харажатларинн қоплаш

мақсадида ажратилади. Бир ишлозчига қатъий қўлов пули сифатида бир йилга жорий этилади. Жойларнинг иш кучи билан таъминланиши даражасига қараб иш кучи билан таъминланиш кийин бўлган минтақаларга юқорироқ ва ўртача ишчи кучлари мавжуд минтақаларга пастроқ миқдорда табақалаштирилган.

**МИКРО ВА МАКРО ИҚТИСОДИЁТ** — ривожланган мамлакатлар илмий адабиётида кенг тарқалган тушунча. Иқтисодиётни бошқаришнинг турли даражаларидаги ҳолатини таҳлил қилишда қўлланилади: юқори (жами хўжалик — макро иқтисодиёт) ва қуйи (хўжалик ечимларини корхона, фирмани бошқариш даражасида ҳал қилиш — микро иқтисодиёт) га бўлинади. Микро иқтисодиёт бу айрим корхона, хўжалик ёки оила доирасидаги иқтисод. Макро иқтисодиёт — бутун жамият, умумдавлат микёсидаги ёки миллий иқтисод, турли соҳалар, тармоқлар мажмуидан иборат.

**МИЛЛИЙ БОЗОР** — муайян мамлакатнинг давлат чегаралари доираси билан чекланган товар муомаласи соҳаси. Миллий бозор тарихан капитализм маҳсули. Капитализм тараққиёти билан майда маҳаллий бозорларни яхлит миллий бозорга бирлаштиради. Миллий бозор ҳам ҳар қандай бозор каби турли моддий, маънавий ва интеллектуал товарларни айирбошлаш объектига айлантиради. Миллий бозор субъектини шу мамлакат фуқаролари бўлмиш товар эгалари ва пул эгалари ташкил этади. Миллий бозор тарихан ўткинчи. У маълум даврда пайдо бўлган, маълум босқичга келиб йўқолади, чунки бозор муносабатлари байналмилаллашиб, миллатлараро, умумий бозор вужудга келади. Натижада бозор муносабатлари учун миллий доира торлик қилади ва улар давлатлараро микёсга чиқади.

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТА** — муайян мамлакатнинг пул бирлиги. Мамлакат ички муомаласида, қувватига ва ҳолатига қараб ташқи савдо ва халқаро ҳисоб-китоб ишларида қўлланилади.

**МИЛЛИЙ ДАРОМАД** моддий ишлаб чиқариш соҳаларида бир йилда янгидан яратилган қиймат ёки ялпи ижтимоий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати чегириб ташлангандан сўнг қолган қисми. Миллий даромад моддий неъматлар ишлаб чиқариладиган шароитларда жонли меҳнат томонидан яратилиб, ҳам қиймат — пул, ҳам моддий — буюм шаклига эга бўлади. Миллий даромад истеъмол ва жамғарма фондларга бўлинади.

**МОЛИЯ БОЗОРИ** — жамиятдаги молия хизматлари бозори; молия маблағларини вақтинча ҳақ тўлаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан бўлган муносабатлар. Банкларда, фонд биржасида ва аукционларда ўтказилади. Молия бозори таркиби мураккаб, унга қимматли қоғозлар бозори, валюта бозори, инвестиция бозори, ссуда капитали бозори кабилар киради (қ. *Капитал бозори*).

**МОЛИЯ КОНВЕРСИЯСИ** — қ. *Конверсия*.

**МОЛИЯ ЛИЗИНГИ** — ижара берувчи қўйган капиталнинг тўлиқ амортизация қилиниши ва унга муайян фойда келтиришга етарли бўлган пул миқдорини қатъий белгиланган муддат давомида тўлаб туриш; контрактда кўзда тутилади.

**МОЛ-МУЛК СУҒУРТАСИ** — суғуртанинг махсус тури, турли кўринишдаги мулк — бинолар, иншоотлар, ҳайвонлар, қишлоқ хўжалиги экинлари, уй-рўзғор буюмлари суғурталанади.

**МОНОПОЛИЯ** (юн. mono — танҳо, poleo — сотаман) — иқтисодиётнинг бирон-бир соҳасида тан-

хо ҳукмронлик. Монополия ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва яратилган маҳсулотлар асосий қисмининг озчилик корхоналар, соҳибкор шахслар ёки давлат қўлида тўпланиши натижасида пайдо бўлади. Монополия кўринишлари қадимдан мавжуд. Ноёб маҳсулот етиштириладиган ерлар, конлар, сув ҳавзалари, ўрмонлар ва бошқа табиий манбалар озчилик қўлида тўпланиб, эгаларига монопол мавқе берган, улар маълум маҳсулотни бозорга танҳо етказиб берувчиларга айланиб, у ерда ҳукмрон бўлганлар. Монополия ўз табиатига кўра ишлаб чиқаришда турғунлик пайдо қилади, чунки монопол мавқега таяниб, сарфларни камайтирмай фойда кўриш, рақобатнинг йўқлиги ёки заифлигидан фойдаланиб бозорда ўз измини ўтказиши мумкин. Монополия бозор муносабатларини чеклайди, шу сабабли ҳатто буржуа давлатлари антимонопол чора-тадбирларни кўрадилар.

**МОНОПСОНИЯ** — бозор ҳолати, бунда ўзаро рақобат қиладиган корхоналар товар ишлаб чиқарувчи бўлиб, харидор эса танҳо. Натижада харидор ҳукмини ўтказиб, бозорда етакчи мавқени эгаллайди, харид ҳажмини камайтириб, ишлаб чиқарувчиларни нархни пасайтиришга мажбур этади.

**МОРАТОРИЙ** (лат. moratorius — вақтинча тўхтатмоқ) — 1) қарздорнинг ўз қарзини ёки унинг бир қисмини тўлашни муайян муддатга ёки тегишли шароит келишига қадар кечиктириши; 2) муддатлари келишилмаган қарзлар тўловини тўхтатиш. Одатда тўланмаган қарзларни узиш шартларини қайта кўриш мақсадларини кўзлайди.

**МУВОЗАНАТ** — қ. *Баланс.*

**МУЛКЧИЛИК** — кишилар ўртасида ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат махсулини ўзлаштириш юзасидан пайдо бўлган ва тарихан аниқ бир шаклда намоён бўлувчи иқтисодий муносабатлар. Мулк объекти инсон яратган моддий ва маданий бойликлар, табиат бойликлари, интеллектуал меҳнат маҳсули ва инсоннинг меҳнат қобилияти (иш кучи) ҳисобланади. Мулк субъекти жамиятда маълум ижтимоий-иқтисодий мавқега эга бўлган кишилар бўлиб, улар жамоа, синф, табақа ёки бошқа ижтимоий гуруҳларга бирлашган бўлади. Мулкнинг асосий бўғини — бу ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик, эгалик. Воситалар кимники бўлса, маҳсулот ҳам шунга тегишли бўлади. Мулк тарихан олганда жамоа (коллектив) мулки сифатида юзага келади, сўнг хусусий мулкка айланади ва, ниҳоят, меҳнаткашлар уюшмаси мулкига — ижтимоий мулкка ўсиб ўтади (айланади).

Бозор иқтисодиёти мулкчилик шаклларининг хилма-хил бўлишини талаб қилади, турли мулк бўлган товарнинг эгалари бозор муносабатига киришади. Товар муайян мулк объекти бўлгандагина олди-сотди қилинади. Мулкчилик бозор муносабатининг бирламчи асоси, лекин унинг ўзи бозорсиз юзага чиқмайди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида мулкчилик шакллари кўпайиб, фуқаролар мулки, жамоа мулки ва давлат мулки унинг асосий кўринишларига айланади. Мазкур мулк шакллари, ўз навбатида, бир неча мулк турларига бўлинади. Мулк давлатнинг қонун ҳужжатларида юридик қайд этилади, мулк ҳақидаги қонунлар асосида тартибга солинади.

**МУМКИН ҚАДАР ҚУЛАЙЛИК БЕРИШ ТАРТИБИ** — халқаро шартнома ва битимларда белгиланган низомлар, бунда давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда бир давлат иккинчисига, кейинчалик ҳар қандай учинчи давлат ҳам биринчисининг ҳудудида фойдаланиши мумкин бўлган қулайликлар яратиши.

**МУОМАЛАДАН ТАШҚАРИДАГИ АКТИВЛАР** — хўжалик муомаласидан чиқиб кетган, аммо бухгалтерия баланси ҳисобида турган бирлашма, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари.

**МУҚОБИЛ БУЙРУҚ** — к. *Альтернатив буйруқ*.

**МУҚОБИЛ САВДО** — экспорт-импорт ҳаракатларида мувозанатни таъминлаш учун товарлар харидини улар суммасига тенг миқдордаги товарлар етказиб бериш билан қўшиб бориш келишувлари. Муқобил савдонинг бир тури — *бартер* битимларидир. Муқобил савдо шартномаларга биноан ҳам юз беради. Бунда импорт қилинган технология ҳақи унинг ўзи ёрдамида ёки импортернинг бошқа корхонасида ишлаб чиқарилган товарларни экспортёрга етказиб бериш билан қопланади, *клиринг* ва *«офферт»* келишувлари ҳам муқобил савдога киради. Жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиб кетиши ва валюта топишнинг қийинлашуви импортёрларни экспортёрлар билан муқобил савдо қилишга мажбур қилади. Шу сабабли халқаро бозорда муқобил савдонинг аҳамияти катта.

**МУХБИР (ВАКИЛ) БАНК**, Банк-корреспондент — бошқа банк тўлов ва ҳисоб-китоблари бўйича топшириқларини вакиллик шартномаси асосида бажарувчи банк.

**МУХБИРЛИК (ВАКИЛЛИК) МУНОСАБАТЛАРИ** — кредит муассасалари ўртасида бир-бирининг ўзаро топшириқлари бўйича тўлов ва ҳисоб-китобларни бажариш мақсадларида тузилган шартнома муносабатлари.

**МУҲАНДИСЛИК-МАСЛАҲАТ ХИЗМАТЛАРИ** — Ишлаб чиқариш жараёнини тайёрлаш, бу жараённинг меъёрда боришини таъминлаш ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш мажмуи (к. *Инжиниринг*).

# Н

**НАРХ**, баҳо — товар қийматининг пул шакли; бозор иқтисодиёти мавжуд жамият хўжалик механизмида амал қилувчи иқтисодий дастак. Биринчи мазмунда нарх товар ёхуд хизматда гавдаланган ижтимоий меҳнатни — қийматни пул шаклида ифода этиш, пулда ўлчаш. Нархни қиймат белгилайди, аммо у аниқ бир қийматдан юқори ёки паст бўлиши мумкин, бу эса бозордаги муайян товарга бўлган талаб ва унинг таклифига боғлиқ бўлади. Нарх фақат қийматни эмас, балки талаб ва таклиф, шунингдек, товарнинг ижтимоий фойдалилиги, сифати ва бошқа товарлар ўрнини боса олиши, муомаладаги пулнинг харид қобилиятига ҳам боғлиқ. Шу сабабдан нарх қийматдан миқдоран фаркланади. Маҳсулот *таннархи* ҳар қандай нарх асоси бўлиб, маҳсулотнинг ҳаётий цикли давомида унинг нархидаги ўзгаришларга катта таъсир кўрсатади. Бозор иқтисодиёти ривожланиши билан нарх турлари кўпаяди. Шаклига кўра базис нархи, биржа нархи, камситилган нарх, келишилган нарх, контракт нарх, сирғалувчи нарх, қатъий нарх, тахминий нарх, охирги нарх, халқаро нарх, сотувчи нархи, харидор нархи, трансферт нарх ва б. га бўлинади. Сотилишига кўра улгуржи ва чакана нархлар фаркланади.

Бозор иқтисодиётида икки хил нарх амал қилади: эркин бозор нархлари; давлат бошқариб турадиган нархлар. Аммо биринчи турдаги нархлар асосий бўлади. Иккинчи турдаги нархлар иккига бўлинади: бири — давлат белгилаган қатъий нархлар, иккинчиси — давлат юқори чегарасини белгилаган ва ундан ошиб кетмайдиган нархлар — лимит

нархлари. Давлат нархларнинг ўзига ёки бозорда ташкил топган нархлар шароитида олинадиган фойда миқдорига таъсир этиш орқали бозор иқтисодиётини тартибга солади.

**НАРХ БИЛАН РАҚОБАТЛАШУВ** — бозордаги рақобат усулларидан бири; бозор нархини ўзгартириш орқали рақибни бозордан сиқиб чиқариб, ўз мавкеини мустаҳкамлаш. Бир турдаги ёки ўринбосар товарлар эгалари рақобатлашганда нархни пасайтириш орқали харидорни ўзига жалб этишга интилади. Бунда таннархи арзон товар эгаси товар сотилиши кўпайганлигидан фойда кўради, товари қимматга тушган соҳибкор нархни пасайтиришга иложи бўлмаганлигидан зарар кўради. Ҳозирги капиталистик фирмалар товар, хизматлар нархини яширин пасайтиради, яъни нархга скидкалар беради, чунки улар нарх даражаси ҳақида олдиндан келишиб олган бўлади. Нархни пасайтириш орқали вақтинча оз фойдага ҳам рози бўлиш билан бозорда обрў козониб, мавке мустаҳкамланади, бу эса келажакда катта фойда олиш имконини таъминлайди.

**НАРХЛАР МУТАНОСИБЛИГИ** — турли товарлар нархлари ўртасида иқтисодий жиҳатдан асосланган нисбатлар. Асосланган нархлар нисбатини белгилаш киймат қонунининг амал қилишидан келиб чиқади, бу қонунга кўра товарлар тенг қийматда айирбошланади. Нархлар мутаносиблиги товарлар нархлари ишлаб чиқарувчиларнинг шу махсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан манфаатдорлигини таъмин этиши ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш фаолияти учун имкон яратиши керак. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан саноат маҳсулотлари (техника, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва ҳ. к.) нархлари ўртасида маълум бир илмий жиҳатдан асосланган мутаносиблик бўлиши катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга. Нархлар мутаносиблигининг ташкил топишида энг муҳим товарлар (дон, пахта, кўмир, нефть, металл, ёғоч, станоклар, ускуналар) нархларининг ўзгариши ҳал қилувчи ўринда туради.

**НАРХ СКИДКАЛАРИ**, нарх ташламалари — сотувчи томонидан харидорга фойдадан бериладиган сийлов, уни одатда савдо корхонаси (ташкилоти) олади. Нарх ташламалари бозори суст товарларга кўпроқ қўйилади, харидор учун кураш воситаси ҳисобланади.

**НАРХГА ҚЎШИМЧА БЕРИШ** — товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш учун харидор томонидан олдиндан келишилган нархга қўшимча киритиб, сийлов бериш. Бундай сийлов харидор нархининг таркибий қисми бўлиб, уни сотувчи (товар ишлаб чиқарувчи) олади. Нархга қўшимча бериш рақобатда сотувчини харидор томонига оғдириш воситаси бўлиб, харидорнинг товарни ишлатишдан оладиган фойдасидан бериладиган сийловдир. Нархга қўшимча бериш нарх скидкаси билан қўшиб олиб борилади. Уларнинг қай бирини қўллаш бозор конъюнктурасига боғлиқ.

**НАРХЛАР КЎЛАМИ** — муайян мамлакат пул бирлиги ва унинг юздан бир қисми сифатида қабул қилинган металл (олтин ёки кумуш) нинг оғирлик миқдори. Собиқ СССР (ҳозирги МДҲ) да расмий пул бирлиги 100 тийинга тенг рубль (сўм) эди. Сўм билан олтин ёки бошқа қимматли металлар ўртасида расмий нисбатлар жорий қилинмайди.

**НАРХЛАРНИ ТУТИБ ТУРИШ** — нархлар ўзгаришини вақтинча тўхтатиш, ташкил топган нарх даражасини сақлаб туриш. Нархларни тўхтатиб қўйиш инфляция ва қимматчилик оқибатларини юмшатиш

учун қўлланадиган тадбир, нархларнинг эркин ўзгаришига аралашишни билдиради. Уни асосан давлат қўллайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолига энг зарур товарлар нархи чеклаб турилади. Бундан кўриладиган зарарни бошқа товарлар нархини катта миқдорда оширишдан келадиган даромад ҳисобидан қоплаш мўлжалланади.

**НАРХЛАРНИНГ ТАБАҚАЛАНИШИ** — айнан бир хил ёки ўринбосар товарлар нархининг бир-биридан фарқланиши. Нархлар табақаланиши миллий ва ҳатто жаҳон бозори доирасида юз беради. Унинг икки асоси бор: товарни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг ҳар хил бўлиши; турли жойларда талаб ва таклиф нисбатининг ҳар хил бўлиши. Нархларнинг табақаланиши бозор иқтисодиёти учун табиий ҳол, уни сунъий чеклаб бўлмайди.

**НАРХНИ ЎЗГАРТИРМАЙ РАҚОБАТЛАШУВ** — бозордаги рақобат усули; ўз товарларини сотиш шарт-шароитини харидор учун қулайлаштириб, рақибни бозордан суриб чиқариш. Бунда товар нархи пасайтирилмайди, балки харидорга муайян ёки имтиёзли хизматлар кўрсатилади. Товарни элтиб бериш, уни харидор дидига мослаб бериш, товарни ишлатиш юзасидан бепул маслаҳат бериш, харидорга эътибор бериб, унга зарур қўшимча хизматлар кўрсатилишига кўмаклашиш амалга оширилади. Одатда буни Ғарбда харидор пули учун кураш деб аталади.

**НАРХНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ** — нархларнинг шаклланиб бориши ва қайтадан ўзгариб туриши, нархлар мутаносиблигининг вужудга келиши. Нархлар энг аввал товарнинг сифатига қараб шаклланади. Нарх қиймат атрофида, ундан юқори ёки пастроқ даражада ўрнатилади, лекин ундан узилиб қолмайди. Нархнинг ташкил топиши унинг турига қараб ҳар хил бўлади. Бозордаги эркин нархларни ҳеч ким юқоридан белгиламайди, улар савдолашув асосида вужудга келади. Амалда *сотувчи нархи, харидор нархи* ёки уларнинг оралигидан нарх ташкил топади. Турли корхоналар ва ташкилотларнинг олди-сотди нархи ҳам келишув асосида олдиндан белгиланади.

Нарх бир марказдан белгиланганда у режага киритилади ва уни ҳеч ким ўзгартирмайди. Бунда энг аввал ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари ҳисоблаб чиқилади, сўнгра қанча соф даромад олиш зарурлиги аниқланади ва, ниҳоят, нархлар қандай ижтимоий вазифани бажариши лозимлиги ҳисобга олинади. Нарх ўрнатилганда улар ўртасидаги нисбат — улгуржи ва чакана, экспорт ва импорт нархлари, шунингдек, турли товарлар нархи ўртасидаги нисбатлар ҳисобга олинади. Нархлар қатъий (ўзгармайдиган) қилиб ва ўзгарадиган қилиб белгиланади. Нархларни давлат жорий этганда фақат уларнинг юқори чегараси белгилаб қўйилиши ҳам мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитларида нархлар товар ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) билан харидорлар ишига айланиб, шартномага кўра қарор топади. Аммо давлатнинг нарх белгилаши ўзи буюртма берган товарларга нисбатан сақланиб қолади, лекин бозордаги нархнаво барибир ҳисобга олинади.

**НАРХСИЗ РАҚОБАТ** — нархга тегмай рақобатлашув (маҳсулот сифатини ошириш, илғор технологияни ўзлаштириш ва б.),

**НАРХ-ФРАНКО** — товарни харидорга ташиб етказиб бериш сарфларини ҳам ўз ичига олган улгуржи нарх. У одатдаги нархдан транспорт сарфларининг киритилганлиги билан фарқланади (қ. *Франко*).

**НАЧЕТ** — к. *Пул ундирмаси.*

**НАКД ПУЛСИЗ ПУЛ МУОМАЛАСИ** — пул муомаласининг бир тури. Кредит муассасаларида ҳисоб варақаларининг бири талаб бўйича пул ҳаракатини ҳисоб варақаларининг бирдан иккинчисига накд пулсиз ўтказиб (ёзиб) қўйиш билан амалга оширилади.

**НАКД ТЎЛОВЛАР** — товар ҳақини етказиб берилганидан кейин сотувчилар тақдим этган ҳужжатлар бўйича шу заҳоти ёки аванс билан тўлаш. Халқаро савдода накд тўловлар чек, пул ўтказма, *аккредитив* ва инкассо орқали амалга оширилади.

**НЕУСТОЙКА**, бурдсизлик тўлови (рус. бекарор, ўзгарувчан) — мажбурият бажарилмаганда ёки сифатсиз бажарилганда карздор кредиторга тўлашга мажбур бўлган жарима суммаси. Конун билан белгиланади ёки шартномада кўрсатилади (шартномали неустойка).

**НЕФТЕДОЛЛАРЛАР** (инг. petradollars) — нефть чиқарадиган мамлакатлар нефтни четга сотганларида АҚШ доллари билан оладиган пул воситалари.

**НИЯТ ШАРТНОМАСИ** — келажакда сотувчининг муайян товарларни сотиши ва харидорнинг уларни сотиб олиш ниятини аниқ тасдиқловчи, аммо мажбуриятсиз шартнома.

**НОВАЦИЯ**, янгилик — томонларнинг илгари тузилган шартномани бошқаси билан, яъни янги мажбуриятлар билан алмаштириш тўғрисида келишуви (мас., илгари берилган мажбуриятни вексель билан алмаштириш).

**«НОСТРО» ҲИСОБ ВАРАҚАСИ** (итал. nostro conto — бизнинг ҳисоб) — муайян банк учун бошқа мухбир банкларда очилган ҳисоб варақаси («улардаги бизнинг ҳисоб»). Банк амалиётида «Лоро» ва «Ностро» атамалари кенг қўлланилади.

**НОТАРИФ ТЎСИКЛАР** — товарлар импорти учун тарифлардан ташқари савдо-сиёсий, маъмурий, валюта-молиявий, кредит ва бошқа тадбирларни ўз ичига олувчи тўсиқлар тури.

**НОТИС** — етказиб бериш тўғрисида хабарнома; сотувчининг биржа шартномасини бажариш борасида фьючер биржасида белгиланган тартибда накд товарни етказиб бериш ниятини ифодалайдиган билдириш хати. Нотиснинг икки тури бор: 1) харидор товар олишдан бош тортиб, илгари харид этилган шартномани сотиб юборгандан сўнг яна етказиб беришни тиклаш ҳақидаги хабарнома; 2) харидор олиши шарт бўлган товар ҳақида хабарнома; агар у етказиб бериладиган товарни қабул қилишни хоҳламаса, унда биржа шартномасини сотиши ва олинган хабарномани тақдим этиши лозим.

**НОУ-ХАУ** (инг. сўзма-сўз« қандайлигини биламан»), ишлаб чиқариш сири — илмий-техникавий, тижорат, ташкилотчиликка оид билимлар, тажрибалар ва уларга танҳо эга бўлиш. У корхона учун ҳам, шахс учун ҳам муайян устунликни таъминлайди. Ноу-хау патентланмайди, шунинг учун ҳам ноу-хау бўйича шартномада берилаётган маълумотлар сир сақланиши ва бу шарт бузилган тақдирда кўрилаган зарарни коплаш ҳақида алоҳида банд бўлади. Муайян ишлаб чиқариш жараёнидаги ноу-хау у ёки бу фирманинг мулки ҳисобланади ва шу сабабли олди-сотди қилинади. Одатда, ноу-хау товар сифатида патентлар ва лицензиялар билан биргаликда сотилади, лекин ноу-хау мустақил сотилиши ҳам мумкин. Ноу-хауни лицензия билан бирга сотиб олиш (нархи арзон бўлади) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш сирларини тўларок қўлга киритиш, ишлаб чиқаришни ишга туширишда сотувчи фирма мутахассислари иштирокини осонлаштиради.

**НУЛИФИКАЦИЯ** (лат. nullificatio — йўқ қилиш) — бирор ҳужжатнинг юридик кучини бекор қилиш.

# О

**ОБЛИГАЦИОНЕР** — қатъий процентлар олиш ва корпорация тугатилган тақдирда биринчи навбатда облигация учун берган пулини қайтиб олиш ҳуқуқини берадиган облигациялар эгаси.

**ОБЛИГАЦИЯ** (лат obligatio - мажбурият) — қийматига нисбатан эгасига қатъий белгиланган даромад келтирувчи қимматбаҳо қоғоз, қарзни қайтариб бериш ва процент тўлашни тасдиқловчи мажбуриятнома, фонд биржаларида сотиладиган қоғозлардан бири. Облигация аҳоли, корхона ва ташкилотлар қўлидаги пул маблағларини тўплаб, бирор мақсад йўлида сафарбар этиш учун чиқарилади. Облигация асосан, давлат, маҳаллий ва корпорация облигацияларига бўлинади. Даромад давлат томонидан чиқарилган облигация бўйича ютуқ, компаниялар облигацияларига процент шаклида тўланади. Облигациялар акционерлар мажлисида эгасига овоз бериш ҳуқуқини бермайди. Облигация моддий ёки пул маблағи эвазига кафолатланган ёки кафолатланмаган, яъни облигация чиқарувчиларнинг чин сўзи ва обрўси билан таъминланган бўлиши мумкин. Облигация конвертирланган ҳам бўлиши мумкин. Бунда облигация эгаси уни бошқа облигацияларга алмаштириб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Облигациянинг бозор нархи унинг номиналидан юқори ёки паст бўлади. Бу облигация чиқарган давлат ёки компаниянинг обрў-эътиборли бўлишига ва банк тўлайдиган процентга боғлиқ. Облигация нуфузи унинг рейтинги деб юритилади. Рейтинг қанчалик юқори бўлса, облигация нархи шунчалик юқори юради.

**ОВЕРДРАФТ** — чек билан жорий ҳисоб варақасидаги қолдиқдан ортиқ олинган сумма; банкдан қарзнинг кўпайиши.

**ОВЕРДРАФТ КРЕДИТ** — чекланган (лимит) қарзнинг ошиб кетиши.

**ОЛИБСОТАРЛИК** — қ. *Чайқовчилик.*

**ОЛИГОПОЛИЯ** — гуруҳ монополияси, аксарият ўзаро *нархсиз рақобат* олиб борадиган оз сонли йирик корхона (фирма)ларнинг бозорда ёки бирон-бир хўжалик соҳасида ҳукмронлиги.

**ОЛИГОПСОНИЯ** — бозорда муайян турдаги товарлар харидорлари монополияси. Одатда, сотувчилар даромадини пасайтириш мақсадида харидни чеклаш ва нархларни пасайтириш чоралари билан бозорга таъсир кўрсатади.

**ОЛТИН ВАЛЮТА** — бевосита олтинга алмашинадиган пул бирлиги.

**ОЛТИН ПАРИТЕТИ** — 1) мамлакат пул бирлигида давлат томонидан белгиланган ва қонунда қайд этилган соф олтин миқдори (оғирлиги); 2) икки пул бирлигининг олтин таъминоти сифатида белгиланган соф олтин миқдорига кўра нисбати. Пул бирлигининг олтин миқдори (олтин паритети) — олтин «нархи» олтиннинг муайян бир оғирлиги бирлигига, масалан граммига тўланадиган қоғоз пуллар асосида белгиланади. Масалан АҚШ 1 доллари олтин таъминоти 0,818513 г соф олтин; 1961 йили СССРда 1 сўмнинг олтин таъминоти 0,987412 г соф олтин деб белгиланган. Натижада 90 тийин=1 доллар деб қабул қилинган, 1989 йили 62,5 тийин=1 доллар, 1991 йили 1,8 сўм—1 доллар. 1992 йил мартида 1 долларнинг

махсус тижорат курси 55 сўмга тенг бўлди.

**ОЛТИН ПУЛ** — АҚШда еттита Ғарбий Европа мамлакатлари билан биргаликда тузилган махсус давлатлараро ташкилот. Унинг мақсади олтиннинг бозор нархларини расмий баҳо даражасида барқарорлаштириб туриш учун Лондон олтин бозорида ҳамжиҳат ҳаракат қилишдан иборат.

**ОЛТИН СЕРТИФИКАТЛАРИ** — банкда олтиннинг депонент қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

**ОЛТИН ТАЪМИНОТИ** — мамлакатнинг марказий банкидаги банкнот эмиссиясини қоплайдиган олтин ғамламаси; айрим мамлакатларда эса, талабнома билан тўланадиган жорий ҳисоб варақалари ва бошқа мажбуриятларни таъминлаш учун ҳам хизмат қилади.

**ОЛТИН ҚАМАЛ** — иқтисодий жиҳатдан яккалаб қўйиш мақсадида тўлов воситаси сифатида олтинни қабул қилишдан бош тортиш.

**ОЛТИН ҒАМЛАМАСИ** — мамлакатнинг марказий эмиссия банкида ёки хазинада қуйма (ёмби) ва танга шаклида тўпланган олтин резерв фонди. 80-йиллар охирида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар олтин ғамламаси 30 минг тоннадан кўпроқни ташкил этди. Шундан 83 % 20 та ривожланган капиталистик мамлакатларга, шу жумладан, 55 % тўрт давлат — АҚШ, Германия, Швейцария ва Францияга тўғри келади. Ўзбекистон ўз олтин ғамламасини барпо этаётган давлатлар жумласига киради.

**ОЛТИННИНГ ҚЎШ БАҲОСИ** — олтин бозорининг расмий ва эркин бозорга бўлиниши натижасида шаклланган олтин баҳолари.

**ОМОНАТ** — йўқлаб олинадиган ҳисоб варақасидаги маблағ, яъни омонатчининг биринчи талабига биноан қайтариб олиниши мумкин бўлган банк депозити. Омонатнинг талаб қилиб олинадиган, муддатли, ютуқли, мақсадли ва б. турлари мавжуд. Омонатнинг айрим турлари бўйича фуқароларга банклар Ўзбекистонда 45 % ва ундан ортиқ даромад тўлайдилар (1993, январь).

**ОМОНАТ ГУВОҲНОМАСИ** — пулнинг кредит муассасасига қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. У пулни талаб қилиб олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**ОМОНАТЛАР ИНДЕКСАЦИЯСИ** — мамлакатда нархларнинг умумий даражаси ўсишига қараб омонатдаги пул суммасининг оширилиши. Бу инфляция туфайли пул бирлиги қадр-қиммати, яъни харид қобилиятининг пасайиши билан боғлиқ. Омонатларни индексациялаш орқали пул қадрсизланиши натижасида омонатчи кўрган зарар қопланади.

**ОНКОЛЬ** (инг. oncoll) — банк томонидан гаров эвазига бериладиган кредитнинг бир тури, қарздор банк томонидан ўзи учун муддати келишилмай очилган кредитдан аста-секин фойдаланиш ҳуқуқини олади. Товарлар, векселлар ва қимматбаҳо қоғозлар гаровга қўйилади. Онколь қарз оддий қарздан қарз суммаси ва уни таъминлаш жорий хусусиятга эгалиги ва ҳар икки томоннинг хоҳиши билан кредит муносабатлари тўхтатилиши мумкинлиги билан фарқланади. Онколда қарз банкнинг биринчи талаби билан қайтарилади. Қарздор онколь кредити бўйича банкка онколь ҳисоби бўйича олинган ҳақиқий қарз устидан процент тўлайди. Ташқи савдода онколь битими нархини кейин аниқлаш шарти билан товарлар етказиб беришга асосланади. Бу битимда нарх харидорнинг танлови бўйича кўрсатилган биржа нархи асосида олинади.

**ОПЦИОН** (нем. option, лат. optio — танлаш) — бирор-бир кимматбаҳо қоғозлар, ёки товарларни муайян давр давомида белгиланган нархларда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқи. Ҳақ тўлаб олинади. Фьючер опцион биржа битишуви турларидан бири, товарни кейинчалик биржада қайта сотиш мақсадида харид қилиш.

**ОРТИҚЧА ПУЛЛАРНИ ҚАНТАРИШ** — товар ва хизматлар билан таъминланмаган пулни бозор муомаласига киритмасдан банкда сақлаб қолиш. Ортиқча пулларни қантариш қуйидаги йўллар билан боради: аҳолининг банкка қўйган пули учун тўланадиган процент ҳақини кескин ошириб, ортиқча пулни банкда сақлашни қулайлаштириш; товар заёмлари ва сертификатлар чиқариб, аҳолига сотиш, аҳолига яхши даромад (дивиденд) келтирувчи акцияларни сотиш; давлат мулки бўлган уй-жойларни аҳолига нақд пулга сотиш; давлат корхоналарининг бир қисмини меҳнаткашлар уюшмаси, кооперативлар, акционерлар жамоаси ва ҳатто айрим оилаларга сотиш. Ортиқча пулларни қантариш микёси ва суръати ортиқча пул суммасига, бозорни товарлар билан таъминлаш имконига боғлиқ.

**«ОСИЁ-КОНТИНЕНТАЛ» ХАЛҚАРО САВДО УЙИ** — акционерлик жамияти. 1992 йил март ойида таъсис этилган. Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари, жамоат ташкилотлари, қўшма корхоналар унинг асосий таъсисчиларидир. Жамиятнинг устав капитали 100 млн. сўм (1992). АҚШ, Англия, Швеция, Италия, Сингапурда бош штаб квартиралари бор, шунингдек 17 мамлакатда ваколатхонага эга. 1992 йил май ойидан ўз акцияларини чиқарди. «Осиё-Континентал» мустақил юридик шахс сифатида МДҲдаги «Алиса» тизими таркибига киради.

**ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ** — халқаро регионал банк. 1966 йилда ташкил топган. 47 мамлакат аъзо. Банк фаолиятининг асосий мақсади Осиёдаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиётига ва ташқи савдосига кўмаклашиш, молиявий, техник ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш. Акционер капитали суммаси — 16 млрд. доллар. Банкнинг ҳар қандай қарорини ҳамкорликда 1/3 овозга эга бўлган АҚШ ва Япония тўхтатиб қўйиши мумкин. Шунингдек банк ҳузурида икки махсус фонд фаолият кўрсатади — Осиё тараққиёт фонди ва Техника ёрдами махсус фонди. Банкка ривожланган давлатларнинг таъсири катта: маблағларнинг 50 % уларга тегишли. Штаб квартираси Манила (Филиппин)-да, олий органи — бошқарувчилар кенгаши. Япония вакили ҳамиша банк Президенти бўлади.

**ОФФЕРТ** (лат. offertus — таклиф этилган) — сотувчининг товар етказиб бериш, бирон-бир хизмат кўрсатиш учун шартнома тузиш истаги ҳақида ёзма хабарномаси.

**ОФФЕРЕНТ** — офферт жўнатган жисмоний ёки юридик шахс.

**ОЧИҚ БОЗОР** — товарларнинг бошқа ердан эркин келтирилиб ва чегараланмаган ҳолда олди-сотди қилиниши. Халқаро бозор ўз табиати билан очиқ бозор, унда ҳамма мамлакатлар қатнаша олади. Очиқ бозор айрим товарларга нисбатан ҳам қўлланади. Миллий бозор бир товар учун очиқ бўлса, бошқаси учун ёпиқ бўлиши мумкин. Умуман олганда бозор иқтисодиётига эркин ва очиқ бозор хосдир (к. *Бозор*).

# П

**«ПАБЛИК РИЛЕЙШНЗ»**, Паблисти (инг. publicity) — оммавий ахборот воситалари билан мижозлар ва кенг жамоатчилик ўртасида савдо фирмаси, товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона ҳақида жамоатчилик — афкори омманинг ижобий фикрини шакллантириш, яхши овозалар таркатиш.

**ПАЙ**, ҳисса — иштирокчиларнинг ҳар бири томонидан ширкат ишига тўланадиган бадал суммаси, ҳисса, қисм. Аъзолик ва бошқаришда иштирок этиш (масалан, кооператив пай, акционер пай) гувоҳномаси ҳисобланади.

**ПАРАФИРЛАШ**, тасдиқлаш — музокаралар натижасида тузилган шартнома текстига розиликни тасдиқлаш шакли; бунда томонлар вакиллари шартнома тексти охирига ёки ҳар бир варагига исм ва фамилияларининг бош ҳарфларини қўйиб чиқадилар.

**ПАРИТЕТ** (лат. paritas — тенглик) — тенглик, тенг ҳуқуқлик, тенг вакиллик асосларида бирон-бир иқтисодий (сиёсий) ҳаракатда иштирок этиш.

**ПАТЕНТ** (лат. patens — гувоҳнома, ёрлиқ) — 1) хусусий тарзда бирор соҳибкорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат берувчи гувоҳнома. Патентнинг ўзи ёки ундан фойдаланиш (лицензия) олди-сотди қилинади. Соҳибкорлик учун патентларни молия органлари беради. Патент билан майда хусусий ишлаб чиқаришга рухсат берилади. 2) илмий кашфиёт ва ихтирога муаллифликни тасдиқловчи ва ваколатли давлат органлари берган гувоҳнома. Ихтирочининг ўз ихтиросига мутлақ эгалик ҳуқуқини беради. Патент давлат томонидан маълум бир муддатга берилади. Давлатнинг патент хизмати уни бергани учун пошлина (хизмат ҳақи) олади.

**ПАУШАЛЬ СУММА** (нем. pauschal — улгуржи) савдо келишувида таркибий қисмларга ажратмаган ҳолда товар тўпига, муайян хизматлар ва б. га бир йўла тўланадиган умумий сумма.

**ПАУШАЛЬ ТЎЛОВ** - лицензия битими предметидан фойдаланиш ҳуқуқи учун бир йўла тўлов. Лицензиядан фойдаланиш иктисодий самара (фойда) кўрипгга қадар тўланади. Моҳият эътибори билан паушаль тўлов лицензиянинг амалдаги баҳосидир.

**ПОЛИС** (фр. police, итал. pollizza — тилхат) — шахсий ёки мулкий суғурта шартномаси ва унинг шартлари ҳақидаги ҳужжат (номи ёзилади), тилхат, патта. Полис зарурат туғилганда сугуртачига қарши даъво қўзғатиб, зарарни ундириш учун судга тақдим этилади. Мамлакатимизда полис тушунчаси билан бирга кўпроқ «суғурта гувоҳномаси» қўлланилади.

**ПОЧТА-ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИ** — ташкилий жиҳатдан почта тизими билан бирлашган жамғарма муассасаларининг кенг тарқалган кўринишларидан бири.

**«ПРАМ-РЕЙТ»** — қисқа муддатли, кафолатланмаган карзлар бўйича олинадиган энг кам процент ставкаси, АҚШда қўлланилади.

**ПРЕЗЕНТАНТ** — векселни тўловга тақдим этувчи юридик ёки жисмоний шахс.

**ПРЕЗЕНТАЦИЯ** — тақдим этиш, пул тўловчи (трассат) шахсга векселни тақдим этиш.

**ПРЕЙСКУРАНТ** (нем. preis — нарх, фр. courant — жорий) — товарлар ва хизматлар гуруҳлари ва турларига кўра тизимлаштирилган нарх (тариф)лар тўплами. Харидорларга маълумотнома нарх тарзида тақдим этилади.

**ПРЕФЕРЕНЦИАЛ ТАРТИБ** — бир давлат иккинчи давлатга берадиган, аммо учинчи мамлакатга жорий этилмайдиган алохида имтиёзли иктисодий тартиб (режим). Кўпинча четдан келтирилган товарларга қўйиладиган божларни камайтириш, ташки савдо муомалаларини имтиёзли кредитлаш хамда суғурта қилиш, махсус валюта тартиби, молиявий ва техник ёрдам кўрсатишдан иборат бўлади.

**ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР,** афзалликлар — шартнома бўйича бериладиган афзалликлар, имтиёзли шароитлар. Масалан, айрим мамлакатлар барча ёки бирон-бир товарлари учун давлат томонидан белгиланган, лекин бошка мамлакатлар товарларига жорий этилмайдиган имтиёзли божлар.

**ПРИВАТИЗАЦИЯ** (лат. privatus — хусусий) — давлат мулкини, иқтисодиётдаги давлат секторини хусусийлаштириш. Приватизация давлат мулки монополиясини тугатиш, эркин сохибкорлик ташаббусига йўл очиш, бозор иқтисодиётини рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади. Приватизация орқали давлат мулки фуқароларга берилиб, хар бир киши миллий бойликдаги ўз хиссасига эга бўлади. Приватизация давлат мулкини инвентаризация этишдан, яъни янгидан уни хисоб-китоб қилиб, унинг хақиқий қиймати миқдорини аниқлашдан бошланади. Уни ўтказиш учун махсус органлар ташкил этилади. Хусусийлаштириш учун ажратилган давлат мол-мулкининг рўйхати тузилади, давлат мулкини сотиб олиш (бериш) шарт-шароити аниқланади.

**ПРИМА** — ўтказилган вексел (тратта)нинг биринчи нусхаси.

**ПРИНЦИПАЛ** (лат. principatus) — 1) бошлик, хўжайин; 2) агент, вакилларга ўз номидан иш кўриш ваколатини берадиган шахс; 3) облигациянинг асосий суммаси, қўшилган процентлар кирмаган номинал қиймати.

**ПРОДУЦЕНТ,** махсулотчи — ишлаб чикарувчи: муайян товар ишлаб чикарувчи мамлакат.

**ПРОЛОНГАЦИЯ** — шартномани бажариш, ваколатнинг ўтиш муддатларини узайтириш ва шу кабилар.

**ПРОТЕКЦИОНИЗМ** (лат. protectio — химоя) — давлатнинг миллий иктисодиётни химоя қилиш ва уни ривожлантиришни хар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсати. Протекционизм экспортни рағбатлантириш, солик имтиёзлари бериш, импортни чеклаш хамда импорт моллардан бож хақларнни ошириш ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларда ўз ифодасини топади.

**ПРОЦЕНТ,** фоиз — қарзга олинган маблағдан фойдаланганлик учун олинадиган хақ. Дебитор (карздор) кредиторга тўлайди. Процент хажми кредит тури, унинг тўлаш муддати, олинган карзни ўз вақтида узишга боғлиқ. Процент хажмини ўзгартириб, корхоналарнинг банк кредитига бўлган талабини ошириш ёки камайтириш мумкин.

**ПУЛ** — хамма товарлар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент бўлмиш махсус товар, бозор иқтисодиётининг энг асосий воситаси. Пул ўз табиатига кўра уч хил хусусиятга эга: хамма нарсага айирбошланадиган мухим харид воситаси; бойлик тимсоли; мехнатни қиймат шаклида ўлчаб берадиган восита. Пул тарихи жуда кадимий ва минглаб йилларга чўзилган.

Пул 5 вазифани бажаради: қиймат ўлчови — мехнатни гавдалантирганидан товарлар қиймати миқдори пул орқали ўлчанади. Шу сабабли қиймат-

нинг пул шакли мавжуд; а й и р б о ш л а ш в о с и т а с и — пул ёрдамида товарлар олди-сотди қилинади (товарга пул айирбошланса сотиш юз беради); х а з и н а т ў п л а ш ва ж а м ғ а р и ш в о с и т а с и — пул ўзида меҳнатни гавдалантиргани учун бойликнинг умумий шаклига айланди, товар айирбошлаш тўхташи билан пул хазина тўплаш ва жамғариш воситасига айланади (чин маънода хазина тўплаш ишига олтин ва кумуш пуллар хизмат қилган; пул жамғариш учун пул қадрининг сақланиши муҳим аҳамиятга эга); т ў л о в в о с и т а с и — насияга сотилган товарлар ва хизматлар ҳаки тўланганда, қарз қайтарилганда пул тўлов воситаси ролини бажаради, дунё бозорига чиққанда қийматнинг байналмилал ўлчовига, халқаро харид воситасига ва халқаро тўлов воситасига айланади. Бундай вазифани миллий пул эмас, балки *жаҳон пули* бажаради.

Пул ўз хизмати мазмуни ва миқёсига қараб турли тоифали бўлади: а) банк билетлари — бу пул оддий муомалада ишлатилади; б) банкнот-кредит пуллари – бундай пул қарз олиш ва бериш жараёнларида қўлланади.

**ПУЛ** (инг. pool) — вақтинчалик характердаги монополистик бирлашма шакли. Савдо, биржа, патент ва б. пуллар бўлади. Уларда умумий харажатлар ва фойданинг (дастлаб умумий фондга тушадиган, сўнг аввалдан белгиланган нисбат бўйича тақсимланадиган) тақсимот қоидаси жорий қилинади.

**ПУЛ АГРЕГАТИ** — пул массаси ҳажми ва таркиби кўрсаткичи.

**ПУЛ ИСЛОҲОТИ** — пул тизимини тартибга солиш ва мустаҳкамлашга қаратилган давлат чора-тадбирларининг амалга оширилиши.

**ПУЛ МАССАСИ** — муомалага чиқарилган металл тангалар ва қоғоз пуллар (хазина ва банк билетлари)нинг жами миқдори. Хўжалик муомаласидаги пул воситаларининг умумий ҳажмига нақд пуллардан ташқари банкларнинг жорий ҳисобидаги пул воситалари ҳам киради.

**ПУЛ МУОМАЛАСИ** — пулнинг товар ва хизматлар олди-сотдиси жараёнидаги узлуксиз ҳаракати. Пул муомаласи ҳар бир мамлакат пул тизими доирасида юз беради. Пул ҳаракати банкдан бошланади. Пул муомаласи нақд пул ва нақд бўлмаган муомалага бўлинади. Н а қ д п у л банкдан чиққач, корхона, ташкилотлар кассасига ва аҳоли қўлига ўтади. Олди-сотди ва тўлов ҳаракатлари бажарилгач, яна банкка қайтади. Н а қ д б ў л м а г а н п у л муомаласига фирма, корхона, ташкилотларнинг банкдаги ҳисобида турган пулининг ҳаракати киради ва бундай муомала *чек, кредит карточкаси, вексель, облигация, сертификат* ва бошқа воситалар ҳаракати шаклида олиб борилади.

**ПУЛ УНДИРМАСИ,** н а ч ё т — ўзининг нотўғри фаолияти билан давлатга зиён етказган мансабдор шахслардан ундириладиган товон. Пул ундирмаси айни вақтда зиённи қоплаш воситаси ҳам ҳисобланади.

**ПУЛ ҚАДРИ** — пулнинг товар ва хизматларни харид этиш, чет эл валюталарига алмашa олиш қобилияти. Пул қадри мамлакат ичида ва чет элда шу мамлакатнинг товарлари ва хизматлари билан таъминланади. У мамлакатнинг ўз қарзини тўлашга қодирлиги, олтин ва бошқа қимматбаҳо буюмлари ғамламасига ҳам боғлиқ. Олтин ва қимматбаҳо буюмлар пул қадрини бевосита эмас, балки билвосита таъминлайди, яъни уларни четга сотиш ва шу асосда четдан товарлар келтириш билан мамлакат ичида пул қадри мустаҳкамланади. Пул қадри мамлакат иқтисодий аҳволининг умумлашган кўрсаткичидир.

**ПУЛНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ** — қ. *Инфляция.*

# Р

**РАМБУРСЛАШ** (фр. rembourser) — 1) қарзларни, чиқимларни қайтариш, тўлаш; 2) вексель берувчи учун пул тўлаш; 3) учинчи шахс орқали қарзни қоплаш.

**РАНТЬЕ** — қарзга берилган капитал ёки қимматбаҳо қоғозлардан келадиган мўмай даромад (процент) ҳисобига яшайдиган шахслар.

**РАҚОБАТ**, конкуренция мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда, катта ҳажмда сотиш; умуман бозор иқтисодиётида ўз мавкеини мустаҳкамлаш учун кураш. Монополия рақобатга зид, чунки у товар ишлаб чиқарувчига танҳо ҳукмронликни таъминлаб, ўзаро беллашув учун шароит қолдирмайди. Рақобат *демонополизацияни* талаб қилади, ўзаро беллаша оладиган кўпгина корхоналар бўлишини тақозо этади. Рақобатнинг асосий соҳаси *бозор*. Рақобат фақат сотувчилар эмас, балки харидорлар ўртасида ҳам юз беради. Корхоналар керакли восита, хом ашё, материаллар сотиб олиш, иш кучини ёллаш учун ҳам курашадилар.

Ўз миқёсига қараб рақобат икки турга бўлинади: бир тармоқдаги, яъни бир хил товарлар чиқарувчи корхоналар кураши; турли тармоқдаги корхоналар кураши. Рақобатнинг, асосан, икки хил: нарх ёрдамида — уни ўзгартириб рақобатлашув; нархни ўзгартирмай рақобатлашув усуллари бор.

Рақобат кураш йўлини танлаш жиҳатдан ҳам ҳалол ва ғирром рақобатга бўлинади. Ҳалол рақобат бозордаги курашда қабул қилинган, ҳаммага мақбул усуллар билан, бозор ахлоқи меъёрларига асосланади. Ғирром рақобатда тақиқланган ва қораланган усуллар, яъни рақобатда қаллоблик, кўзбўямачилик, сўзида турмаслик, алдаш, иқтисодий жосуслик, кўпорувчилик ва ҳатто жисмоний зўравонлик каби жиноятқорона усуллар қўлланади. Бозор иқтисодиёти фақат ҳалол рақобатни тан олади. Рақобат иқтисодиётни соғломлаштириб туради.

**РЕВАЛЬВАЦИЯ** — мамлакат пул бирлиги расмий курсини чет эл валюталарига нисбатан ошириш (қ. *Девальвация*).

**РЕВЕРС** (лат. reversus — орқага қараган, қайтарилган) — банкларнинг векселларни тўлов муддати етганда қайта сотиб олиш мажбурияти.

**РЕВОЛЬВЕР КРЕДИТ** — миллий ва жаҳон ссуда капитали бозорларида қўлланиладиган ва тикланиб турадиган кредит тури. У кредит битими тузганларга қўшимча музокараларсиз, келишилган қарз лимити доирасида ва тўлов муддатларида автоматик тарзда берилади.

**РЕГИОНАЛ БОЗОР** — маълум ҳудуд доирасида товарларни олди-сотди этиш муносабатлари. Регионал бозор бир мамлакат доирасидаги регионлар ўртасида ёки бир неча чегарадош давлатлар ўртасида меҳнат тақсимотининг, бинобарин, ишлаб чиқариш ихтисослашувининг натижасидир. Регионал бозорлар жаҳон бозоридан муайян даражада иқтисодий ва маъмурий тўсиқлар билан муҳофазаланади.

**РЕИМПОРТ** — чет элга чиқарилган, аммо у ерда қайта ишлов берилмаган товарларни қайта сотиб олиб, мамлакатнинг ўзига қайтариш. Кимошди савдосида сотилмаган, консигнацион омборлардан, кўргазма ва ярмар-

калардан қайтарилган товарлар реимпортга кирмайди.

**РЕКЛАМА** (фр. reclame) — товар ёки кўрсатиладиган хизмат тўғрисидаги холис ахборот; талабни кўпайтириш мақсадларида харидорларга товарларнинг хоссалари, афзалликлари ва сотиб олиш шартларини етказиш ва ошкор этиш. Рекламани махсус фирмалар ҳақ олиб ташкил этади ёки товар сотувчи фирма уюштиради. Реклама матбуот, радио, телевидение орқали олиб борилади, махсус реклама фильмлари намойиш этилади. Реклама қилиш мақсадида плакатлар, буклетлар, товар каталоглари кўркам қилиб чиқарилади ва тарқатилади. Реклама ҳақи ахборот ташкилотлари учун ғоят яхши даромад манбаидир. Бозор иқтисодиёти шароитида реклама хизматларининг аҳамияти кучайиб, муомала харажатида реклама харажатларининг ҳиссаси ортиб боради.

**РЕКЛАМАЦИЯ** (лат. reclamatio — қатъий норозилик) — товар сотиб олувчининг товар етказиб берувчига (ёки аксинча) тегишли мажбуриятларни бажармаганлиги тўғрисида ёзма равишда билдириладиган эътирози. Рекламация турли сабабларга кўра: маҳсулот сифати, миқдори ва бутлиги, давлат стандарти, техника шартлари намунаси келишилган шартларга мос келмаганда, товарлар вақтида етказиб берилмаганда, тўлов қоидаси бузилганда ва бошқа ҳолларда берилади. Тузиладиган савдо битимларида рекламация баёни ва уни кўриб чиқиш тартиби бирма-бир айтиб ўтилади. Эътирозномада товар номи, миқдори, шартнома номери, транспорт, рекламация сабаблари (товар камомади, сифатсизлиги, нобутлиги ва ҳ. к.), арзномачи талаблари (вақтида етказиб берилиши, нуқсонларнинг бартараф этилиши, нархини тушириш, ортиқча тўланган суммани қайтариш, жарима тўлаш, зарарни қоплаш) кўрсатилиши керак.

Шартнома тузган томонлар рекламацияни дўстона ҳал этишга ҳаракат қиладилар, агар бунинг иложи бўлмаса, жабрланган томон ҳал қилишни сўраб жавобгар мамлакат ҳакамлиги (арбитражи)га, баъзи капиталистик мамлакатлар битим шартларига кўра бетараф мамлакатлар (масалан, Швеция Стокгольм) ҳакамлигига арз қиладилар. Кўп ҳолларда даъвогар сотиб олувчи, жавобгар сотувчи бўлади.

**РЕНТА** (нем. rente, лат. reddita — қайтариб берилган) — мулк эгаларининг ер ёки мол-мулкдан оладиган даромади. Ўзлари соҳибкорлик фаолияти билан шуғулланмасдан рента кўринишида даромад оладилар. Тор маънода рента — қатъий даромадли пул капитали ва қимматбаҳо қоғозлар эгалари процент шаклида оладиган даромад. Аксарият ҳолларда рента тушунчаси ерни фойдаланишга бериш натижасида олинадиган даромадга нисбатан қўлланилади (к. *Ер рентаси*).

**РЕНТАБЕЛЛИК** (нем. rentabel — фойдали, даромадли) — тармоқ ёки корхоналарнинг фойда олиб ишлаши; фойда олиш даражасини кўрсатади. Процент ҳисобида ифодаланади. *Ишлаб чиқариш рентабеллиги* маълум давр (ой, квартал, йил)да қўлга киритилган фойда миқдорининг шу вақтда фойдаланилган йиллик асосий ишлаб чиқариш фондлари ва оборот воситалари қиймати йиғиндисига ёки маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш харажатларининг таннархга нисбати сифатида ҳисобланади. Маҳсулот рентабеллиги айрим маҳсулот турининг даромаддорлиги, фойдалилигини акс эттиради ва маҳсулот сотишдан олинган фойданинг унинг тўла таннархига нисбати билан ҳисобланади.

**РЕНТИНГ** (инг. renting) — машина ва ускуналарни кейинчалик

сотиб олмаслик шарти билан киска муддат (1 йилгача) ижарага олиш. *Лизинг*га караганда ижара ҳаки киммат туради, бу эса рентинг компанияларининг ижара харажатлари ва хатари юкори бўлиши билан боғлик.

**РЕПРИВАТИЗАЦИЯ** — илгари давлатлаштирилган корхона, банк, акция ва б. ни кайтадан хусусийлаштириш. Бу билан давлатлаштирилган ишлаб чикаришдан хусусийлашган ва соғлом ракобатга таянган иктисодиётга ўтилади. Реприватизация иктисодиётни демократиялаштириб, иктисодий ўсишга йўл очиб бериши билан ҳозирги даврдаги бозор иктисодиёти талабларига мос тушади ва халкаро характерга эга.

**РЕСТ** — колдик.

**РЕСТАНТЛАР** — 1) савдо баланси тузилган вактда сакланиб колган карзлар; 2) сотилмаган товарлар.

**РЕСТИТУЦИЯ** (лат. restitutio — тикланмок) — олдинги ҳукукий ва мулкий ҳолатнинг тикланиши; халкаро ҳукукда уруш давомида ноконуний олиб кўйилган мулкнинг бир давлат томонидан иккинчисига кайтарилиши.

**РЕСТРИКАЦИЯ** (лат. rectrictio — чеклаш) — 1) юкори нархларни ушлаб туриш максадларида айрим товарларни ишлаб чикариш, сотиш ва экспорт килишни чеклаш; 2) олтин ғамламаларининг чет элга чикиб кетишини, банк ссудаларининг олдини олиш максадларида банклар ва давлат томонидан кредит ҳажмини чеклаш.

**РИЁЛ** — 1) Эрон пул бирлиги. 1930 йилдан кран (1932 йилгача Эронда амалда бўлган пул бирлиги; 1 кран=1000 динор) ўрнига жорий килинган. 1 риёл=100 динор.

2) Саудия Арабистонининг пул бирлиги.

**РИНГ** (инг. ring) — бир неча тадбиркорларнинг у ёки бу товарни монополлаштириш максадида сотиб олишга ва уни кейин монопол юкори баҳо билан сотишга каратилган битими. Одатда ринг киска муддатли характерга эга бўлиб, саноат эмас, балки савдо корхоналари ўртасида тузилади. Ринг марказий банк бошка банкларга берадиган кредитни чеклашини ҳам билдиради.

**РИТОРНО** — суғурта мукофотининг бир кисми, суғурта килдирувчига суғуртадан воз кечиш ҳукукини берадиган мажбуриятлар юзага келганда суғурта килувчи томонидан ушлаб колинади.

**РОЛЛОВЕР КРЕДИТЛАРИ** — миллий ва жаҳон ссуда капитали бозорларида ўзгариб («сиргалиб») турувчи процент ставкалари бўйича бериладиган ўрта ва узок муддатли кредитларнинг бир тури.

**РОЯЛТИ** — 1) лицензия бўйича ишлаб чикарилган маҳсулотни сотишдан олинган даромад ёки фойдадан даврий ажратмалар шаклидаги лицензия мукофоти; 2) муаллиф калам ҳаки; 3) ер ости бойликларини казиб олиш ҳукуки учун ижара ҳаки.

**РУБЛЬ,** с ў м — Россия ва собик СССРнинг пул бирлиги. 1 рубль=100 копейка (тийин). 18-аср бошларида узил-кесил шаклланган рубль рус ўнли пул тизимининг асоси бўлиб хизмат килган (1704 йилда Пётр I нинг пул ислоҳоти). Рубль термини 13-асрда Новгородда кумуш куймаси — гривна (карийб 200 г) нинг **кесилган** ярми сифатида вужудга келган. Бу куйма тўлов ва оғирлик бирлиги вазифасини ўтаган. 14-асрда иккига бўлинган рубль-гривна 50 тийинга ўтиб, сўнгра дастлабки Москва рублига айланди. Русь давлатининг ягона пул зарб килиш

тизими ташкил топгач, рубль унинг пул бирлиги бўлди (1 рубль=100 копейка=200 деньга=400 полушка).

Дастлабки совет рубли 1919 йилда давлат кредит билети сифатида чикарилган. 1921 йилда РСФСРда биринчи кумуш рубль зарб қилинган. 1922 йилда 10 олтин рублга тенглаштирилган когоз червонлар, 1923 йилда олтин червон (8,6 г) чикарилди. 1924 йилда 1, 3 ва 5 рублик давлат хазина билетлари ва кумуш рубль (18 г соф кумуш) муомалага чикарилди. 1937 й. дан рубль ҳисоби олтин таъминоти 0,888671 г соф олтин бўлган америка доллари асосига ўтказилди (1 доллар=5 сўм 30 тийин). 1950 йилда рубль курсини чет эл. валютаси асосида ҳисоблаш бекор қилинди, рубль олтин таъминоти 0,222168 г соф олтин бўлган олтин асосига ўтказилди (1 доллар=4 сўм). 1961 й. СССРда нархлар микёси 10 марта ошиши муносабати билан рублнинг олтин таъминоти 0,987412 г соф олтин микдорида белгиланди. 1990 йил 1 ноябрдан рубль девальвация қилинди ва 1,8 сўм=1 доллар бўлди. Ички муомала учун 1, 3, 5 рубллик давлат хазина (1991 йилдан банк) билетлари ва 10,25,50 ва 100 рубллик банк билетлари, нейзильбер котишмасидан тайёрланган металл 1 рубль чикарилган. 1991 йилдан 200, 500, 1000, 1992 йилдан 5000 рубллик банк билетлари чикарилди.

**РУПИЯ** (санскритча рупия — зарб қилинган кумуш) — 1) Ҳиндистон Республикасининг пул бирлиги. 16- асрдан бошлаб рупия муомалага киритилган. 1957 йилдан 1 рупия=100 пайса. Россия Федерацияси Марказий банки клиринг валюталари учун жорий этган тижорат курси бўйича савдо-сотикда 100 Ҳиндистон рупияси=3 сўм 15 тийин (1992, апрель).

2) Покистон республикасининг пул бирлиги. 1948 йилдан муомалага киритилган. 1961 йил 1 январдан 1 рупия=100 пайса. Шунингдек Индонезия, Маврикия, Мальдив, Непал, Шри-Ланка, Сейшель ороллари, Секким пул бирлиги ҳам рупия деб юритилади.

**РЭКЕТ** (инг. racket — қўрқитиш, дўқ-пўписа) — товламачилик, қўрқитиш, дўқ-пўписа, зўравонлик ва б. йўллар билан бирор нарса ундириш. Дастлаб АҚШда зўравон товламачи гангстерлар рэкетир дейилган. Собик СССР территориясида 80- йилларнинг 2- ярмидан бошлаб кооперативлар ва якка тартибда ишловчилар, биржалар, савдо уйлари пайдо бўлиши билан рэкет вужудга келди.

**РЕЭКСПОРТ** — илгари чет элдан олиб келинган, лекин қайта ишлов берилмаган товарларни қайтадан четга чиқариш.

# С

**САВДО** — 1) товар муомаласининг бир тури, меҳнат маҳсулотлари ва хизматларни айирбошлаш шакли; 2) сотувчи ва харидор ўртасидаги келишувга кўра (оғзаки ёки ёзма) товарларни олди-сотди қилиш жараёни. Бунда товар харидн микдори, товар сифати, сотишдан олдин ёки кейин хизматлар кўрсатиш, сотиб олинган товар ёки хизмат ҳақини ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва б. лар шартлашилади; 3) халқ хўжалиги тармоги; товарларни сўнгги истеъмолчи (аҳоли)га етказишни таъминлайди. Улгуржи ва чакана савдога бўлинади. Улгуржи савдо — товарларни сотиб оладиган ва (ёки) сақлайдиган, уларни чакана савдога, бошқа савдо ташкилотлари ёки истеъмолчи савдо ташкилотларига сотадиган муассасалар мажмуи. Чакана савдо бевосита истеъмолчи-

нинг пул даромадларига айирбошлаш йўли билан товар сотиш ва хизмат кўрсатишдаги охирги бўғин. Савдо ички ва ташқи савдога бўлинади. **Ички савдо** бир мамлакат доирасида товар муомаласига хизмат кўрсатади. **Ташқи савдо** мамлакатлараро товар муомаласини қамрайди. Суғурта, туризм, фрахт, банк фаолияти «кўринмас» (жорий ҳаракатлар бўйича сезилмас) савдога киради.

**САВДО АГЕНТИ** — бир ёки бир канча корхоналар товарларини шартнома асосида сотадиган вакил, ишлаб чиқариш мураккаб бўлмаган товарларни юқори рақобатли бозорлар (масалан, тўқимачилик)да сотишда кўп нарса сотувчининг уддабуронлигига боғлиқ бўлади, шунинг учун бундай бозорларда савдо агенти фаолият кўрсатади. Савдо агенти саноат агентига нисбатан мустақилроқ мавкега эга, у товар сотиш шартларини ва бозорни пухта ўрганади, нархларни ўзи белгилайди, рақобатчиларнинг маҳсулотлари билан савдо қилиши мумкин. Айрим савдо агент (фирма)лари ишлаб чиқарувчиларга қарз ҳам беради.

**САВДО КАПИТАЛИ** — товар муомаласи соҳасида амал қилувчи капитал, саноат капиталининг алоҳидалашган қисми. Тарихан савдо капитали саноат капиталидан анча илгари вужудга келган ва ҳатто унинг туғилишига кўмаклашган. Савдо капитали қуйидаги вазифаларни бажаради: айирбошлашни кенгайтириб, бошқа соҳаларнинг бир соҳа маҳсулотларига бўлган талабини қондиради; сотишни, товарларнинг ўтишини кўпайтириш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтиради ва рағбатлантиради. Савдо капитали турли формацияларда ва ҳаттоки ҳозирги замон капитализмида ҳам товарларнинг «мудраб ётган негизини» ривожлантиради, аммо асло товарни ҳосил қилмайди. Ҳозирги замон капитализми шароитида савдо капиталининг харажатлари таркибида қўшимча харажатларнинг улуши тобора кўпайиб бормоқда. Бу ҳол ишлаб чиқаришнинг савдо соҳасида давом этаётган жараёнлари — товарларни қадоқлаш, ўраш, сақлаш ва ташиш сингари ишларга қилинадиган харажатларнинг, реклама йўналишидаги сарфларнинг кўпайишида кўринади.

**САВДО КВОТАСИ** — ташқи савдода иштирок этишнинг миқдорий чегараси. Савдо квотаси экспорт ёки импорт этиладиган товарларнинг миқдори, структураси, уларни сотиш ёки сотиб олишнинг пул билан ҳисобланган миқдорини билдиради. Савдо квотасига биноан экспорт, импорт лицензиялари берилади.

**САВДО УЙИ** — 1) кўп тармоқли савдо фирмаси, аксарият ўз номидан ва ўз ҳисобидан экспорт-импорт, товар айирбошлаш ва бошқа ташқи савдо алоқаларини амалга оширади. Савдо уйлари савдо корхоналарини сотиб олиш, жиҳоз-ускуналарни сотиб олиш, жиҳоз-ускуналарни ижарага топшириш, кредитлар бериш, ички улгуржи ва чакана савдо бўйича ҳаракатларни амалга ошириш, суғурта, таъмирлаш ишлари ва бошқа соҳаларда хизматлар кўрсатиш билан молия ва ишлаб чиқариш фаолиятида ҳам қатнашадилар. Ўзбекистонда *«Ўзбек савдо уйи»*, «Барс» Тошкент савдо уйи, *«Осиё-континентал» халқаро савдо уйи* бу соҳада фаолият олиб бормоқда; 2) савдо корхонасининг махсус тури; ихтисослашган (масалан, уст кийим, пойабзал, газлама ва ҳ. к.) ёки универсал (ҳар хил товарлар) бўлади. Савдо уйи тарихан савдо капитали маҳсули, шу сабабли илгари бундай уйлар савдогарлар оилаларига қарашли бўлган.

**САВДО ФОЙДАСИ** — савдо-сотиқдан тушадиган фойда; товарларни харид этиш нархи билан уларни сотиш нархи ўртаси-

да фарқ бўлиб, унинг бир қисми савдо харажатларини қопласа, иккинчи қисми савдо фойдасига айланади.

**САВДОГАРЛАР** — савдо-сотиқ билан шуғулланувчи алоҳида ижтимоий табақа. Фойда олиш мақсадида олдин товарларни харид қилади, сўнгра сотади. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида воситачилик вазифасини бажаради.

**САЛЬДО** (итал. saldo — ҳисоб) — 1) муайян давр учун пул тушумлари ва харажатлар ўртасидаги фарқ. Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ҳисоб варақаларида сальдо ҳар ойнинг биринчи санасидаги ҳолат бўйича аниқланади. Жами суммалар фарқи дебет ва кредит, актив ва пассив бўйича ҳисобланади. Сальдо мазмуни ҳисоб варақасининг вазифасига боғлиқ, масалан, касса ҳисоби сальдоси — корхона кассасидаги нақд пуллар қолдиғи; 2) халқаро ҳисоб-китобларда сальдо экспорт ва импорт ҳажмлари ўртасидаги фарқ (экспорт-импорт сальдо).

**САНИРАЛАШ**, санация (лат. sanatio — соғломлаштириш) — *банкротлик* хавфидан қутқариш мақсадларида корхона, бирлашма, компания, фирма, банк ва б. ларнинг молиявий аҳволини яхшилашга қаратилган молия ва кредит тадбирлари тизими. Асосий йўналишлари: акция ва облигациялар чиқариб, уларни сотиш; банк кредитлари (қарзлари) ва давлатнинг субвенцияларини кўпайтириш; корхона чиқарган облигациялар учун тўланадиган процент миқдорини қисқартириш; қисқа муддатда тўлаш шарти билан олинган қарзни кечиктириш; банкрот бўлган ёки унинг арафасида турган корхоналарни молиявий жиҳатдан бақувват корхоналарга бирлаштириш; уларни ўз ҳомийлигига ўтказиш ва б. лар. Саниралаш бозор иқтисодиёти учун табиий нарса, чунки бозор қонуниятларига кўра бир корхонанинг гуллаб-яшаб кетиши, бошқасининг танг аҳволга тушиши юз беради. Саниралаш орқали ҳам давлат бозор иқтисодиётига таъсир этади.

**САНОАТ ЖОСУСЛИГИ** — корхоналарнинг ички хизмат сирини ташкил қилувчи материалларни йиғиш, ўғирлаш.

**САНОАТ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ** — саноат компанияларининг қатъий белгиланган даромад тўлаш шарти билан чиқарган облигациялари, яъни тўлов мажбуриятлари.

**САРМОЯ** (форс-тож. — бош ва маблағ) — кенг маънода асосий савдо маблағи. Шарқ мамлакатларида товар-пул муносабатлари ривожланиб, савдо капитали пайдо бўлиши б-н юзага келган. Сармоя эгалари сармоядор деб аталган. Сармоя ўзининг генезиси, яъни келиб чиқиши жиҳатдан савдо капитали ёки савдо маблағидир. Шарққа хос муҳим хусусият шундаки, саноат капитали одатда косибчиликдан ёки майда деҳқон хўжалигидан эмас, балки савдо ва судхўрлик капиталидан, йирик ер эгалигидан ўсиб чиққан. Шунга кўра, саноатга кўчиб ўтган капитал (асосий капитал — асбоб-ускуна, бино, корхона жиҳозларида гавдаланган капитал) ҳам сармоя деб юритилган.

**СВИНГ** (инг. swing) — томонларнинг клиринг ҳисоб-китоблар бўйича бир-бирига берадиган кредитининг миқдорий чегараси.

**СВИФТ** — компьютер тармоғи орқали халқаро тўловларни амалга оширишнинг автоматик тизими.

**СЕРВИС** (инг. service) — ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларни, маданий-маиший, хўжалик ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган хизматлар соҳалари. Сервиснинг қуйидаги турлари мавжуд: сотувга қадар сервис ва

сотувдан кейинги сервис (кафолатли, кафолатдан кейинги). Сотувга кадар сервис куйидагилардан иборат: махсулотларни ташиш вактида содир бўлган нуксонларни бартараф этиш, товарни иш холатига келтириш, товарнинг ишлашини харидорларга намойиш этиш ва б.

Сотувдан кейинги (кафолатли) сервис — товарнинг норматив-техник хужжатнда ёки шартномада шартлашилган муддатларда юз берган нуксонларини ўз вактида бартараф этиш. Бунга харидорни буюмни ишлатиш коидалари билан дастлабки таништиришни киритиш мумкин. Кафолатли хизмат харажатлари сотиш нархига киритилгани учун бундай хизматлар текинга кўрсатилади. Кафолат муддати ўтгандан сўнг сервис даврий созлаш ва зарур кисмлар билан таъминлаш, буюмдан фойдаланиш бўйича маслахат бериш ва б. одатда шартнома асосида хак олиб амалга оширилади.

**СЕРТИФИКАТ** (фр. sertificat — тасдиклайман, гувохлик бераман) — гувохнома; давлат заёми облигациянинг махсус тури, карзга пул берганлик хакидаги гувохнома. Омонат сертификати — хукуматнинг қимматбахо қоғози, кредит ташкилоти, масалан, банк томонидан берилади. Акционерлик сертификати — ўз эгасининг компания капиталининг бир кисмига эгалигини тасдикловчи хужжат; аудитор сертификати — эълон килинган фирма балансининг тўғрилигини тасдикловчи хужжат; иштирокчилик сертификати — кайта тикланадиган кредит бериш тўғрисида банклар ёки хукумат агентларининг мажбурияти; суғурта сертификати — суғурта шартномасининг шартлари кайд этилган хужжат. Шунингдек ташки иктисодий алокаларда товар сифати гувохномаси, суғурта килинган мулкка етган зарар тафсилоти, хажми ва сабабларини тасдиклайдиган хужжат хам сертификат деб аталади.

**СИНДИКАТ** (лат. syndicatus — караб чикаман, текшираман) — монополистик бирлашманинг бир шакли. Унда тармок корхоналари хукукий ва ишлаб чикариш мустакиллигини саклаб колган холда буюртмаларни таксимлаш, хом ашё сотиб олиш, ишлаб чикарилган махсулотни сотиш учун ўзларининг тижорат фаолиятларини бирлаштириб, ягона идора тузадилар.

**СКОНТО** (итал. sconto — чегириш) — тўлов муддатидан олдин товар учун хак тўланган такдирда товар кийматидан чикариладиган чегирма.

**СЛОГАН** — рекламанома, реклама мактубининг сарлавхаси.

**СОЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ** — солик тўловчи (солик субъекти) нинг ўтган маълум вакт давомида олган даромади хакида расмий баёноти. Солик декларациясида солик тўловчи жами даромад суммасини, каердан, канча даромад олганлигини ва амалдаги конунларга кўра солик имтиёзлари бериладиган харажатлар хакида хам маълумотлар беради. Одатда солик декларациясига киритиладиган даромад ва харажатларни тасдиклайдиган тегишли молия хужжатлари илова килинади. Молия идоралари солик декларацияси асосида соликларнинг тўғри тўланишини назорат килади.

**СОЛИК ИМТИЁЗЛАРИ** — солик тўловчиларга конун асосида берилган енгилликлар; соликлар микдорини камайтириш, солик тўлаш шартини енгиллаштириш ёки соликдан тўла озод килишдан иборат.

**СОЛИК ИНСПЕКЦИЯСИ** — бозор инфраструктурасининг мухим унсури, молия идоралари таркибидаги бўғин. Солик инспекцияси соликларни ундириш, уларни ўз вактида ва тўғри

тўланиб боришини назорат қилади. Бозор иқтисодиёти шароитларида кенг тармоқли солиқ инспекцияси ташкил этилади.

**СОЛИҚ МЕЪЁРИ** — солиқ объектининг муайян бирликларига нисбатан ундириладиган солиқ миқдори; пул суммаси ҳисобида ундирилади. Масалан, иш ҳақи ёки фойданинг пулда ҳисобланган ҳажми, импортнинг пулга чақилган қиймати, ернинг гектар ҳисобидаги сатҳига ҳисобланган солиқ ва ҳ. к. Солиқ меъёри икки усулда белгиланади: қатъий нормалар — солиқ объекти миқдорига нисбатан ўзгармайдиган меъёрлар, масалан, импорт солиғи меъёри ўзгармас бўлади, ҳар қандай шароитларда солиқ импорт қийматининг маълум қисмига ( % билан ҳисобланган) тенг бўлади; прогрессив нормалар — солиқ объекти миқдорига қараб ортиб борувчи меъёрлар, масалан, даромад ойига 1000 сўм бўлса, солиқ 10 % даражасида белгиланади, агар 2000 сўм бўлса, солиқ 25 % миқдорида белгиланади.

**СОЛИҚ ОБЪЕКТИ** — солиқ солинадиган даромад ёки мол-мулк. Солиқ объекти икки турга бўлинади: турли манбалардан келган пул даромадлари (иш ҳақи, фойда, гонорар — ижод ҳақи ва б.); даромад келтириши мумкин бўлган мол-мулк (ер, иморат, мерос, ҳадя мулк) ва б.

**СОЛИҚ СУБЪЕКТИ** — солиқ тўловчилар, яъни солиқ ундириладиган корхона, ташкилот ва фуқаролар.

**СОЛИҚЛАР** — давлат томонидан юридик ва жисмоний шахслар (аҳоли, корхона ва ташкилотлар)нинг даромади ёки мулкидан мажбурий ундириладиган тўловлар. Ундириш усулига кўра тўғри ва эгри солиқларга бўлинади. Тўғри солиқлар — мулк ва даромадга бевосита жорий қилинади. Кенг тарқалган турлари: қўшилган қиймат солиғи (товарни сотиш нархи билан уни тайёрлаш учун сотиб олинган материаллар харажатлари қиймати ўртасидаги фарққа солинади); пул маблағларини жойлаштиришдан келган процент даромадлар солиғи; ортиқча фойда солиғи; биржа келишувлари солиғи; мулк солиғи; иморат солиғи; транспорт воситалари солиғи; иш ҳақи (даромад) солиғи; мерос ва ҳадя солиғи ва б. Товарлар муомаласи билан боғлиқ бўлган солиқ турлари ҳам бор (масалан, оборот солиғи, савдо солиғи, истеъмол солиғи, экспорт-импорт солиғи). Эгри солиқлар (акцизлар) товар ёки хизматлар нархларига ёки тарифларга устама кўринишида жорий этилади. Давлат солиғи мамлакатнинг давлат қонунлари асосида ҳукумат томонидан ундирилади ва давлат бюджетига тушади. Маҳаллий солиқлар муайян ҳудудлардаги маҳаллий бошқарув идоралари томонидан ундирилади ва маҳаллий бюджетга тушади.

**СОЛО-ВЕКСЕЛЬ** — оддий вексель, қарз олувчининг кредиторга берган ёзма мажбурияти.

**СОТУВЧИ НАРХИ** — сотувчининг ўз товарига қўйган нархи, бозорда сотиладиган товар қийматининг амалдаги пул ифодаси. Талаб таклифга нисбатан устун бўлган шароитларда олди-сотди муносабатларида сотувчи нархи амал қилади (к. *Харидор нархи*).

**СОФ ДАРОМАД** — корхонада яратилган қўшимча маҳсулотнинг бир қисми, пул шаклига эга; корхона ялпи даромадида иш ҳақи фонди чегириб ташлангандан сўнг қолган қисми.

**СПЕЦИФИКАЦИЯ,** тафсилотлар ҳужжати — таклиф қилинаётган ёки етказиб бериладиган товарларнинг ҳар бир нав, марка, махсулот тури ва зарур ҳолларда нархи, сифат кўрсаткичлари кўрсатилган рўйхат.

**СПОНСОР** (инг. sponsor), ҳ о м и й — биронта тадбир ёки фаолиятни амалга оширишда молиявий ёрдам кўрсатувчи ҳомий. Спонсор одатда пулдор, обрў-эътиборли шахс, фирма, корпорация, концерн, ташкилот, идора бўлиши мумкин. Аксарият спонсор миллий ёки халқаро микёсдаги тадбирларга молиявий ҳомийлик килади, ҳар хил тадбирлар, учрашувлар, кўргазмалар, томошалар ўтказишда уларнинг ташкилотчиларига пул билан ёрдам бериб, харажатнинг ҳаммаси ёки бир қисмини кўтаради. Спонсорлик жамоатчилик эътиборини ўзига қаратиб, янада обрў орттириш орқали ўз мавкеини мустаҳкамлаш, ўз ишини ёки товарларини реклама қилиш, янги соҳаларни уюштириб, шу соҳаларга ўз маблағини қўйиш; ҳар хил хайр-эҳсон ишларига бош қўшиб, мурувватга чакириш, умуминсоний муаммоларни ечишга кўмаклашиш мақсадларини кўзлайди. Спонсорлик аксарият ривожланган капиталистик мамлакатларда кенг тарқалган ва халқаро характерга эга.

**«СПОТ»** (инг. spot — накд, ҳақи дарҳол тўланади) — нақд товар ёки валюта олди-сотдисида сотилган нарсанинг ҳақини дарҳол, нарсаниг ўзини эса харидорга эртасигаёқ беришни назарда тутадиган келишув тури. Орадаги бир кун мобайнида келишув ҳужжатлари расмийлаштирилади.

**ССУДА** — моддий бойликлар гарови ҳисобига процент олиш шарти билан муайяи муддатга бериладиган қарз. Ссуда жуда қўхна ҳодиса. Натурал ишлаб чиқариш ҳукмрон жамиятида асосан моддий маҳсулот тарзида берилган. Пул пайдо бўлгач, унинг асосан пул шакли кенг қўлланилди. Аксарият банклар корхонанинг мақсадлари бўйича, яъни муайяи мақсадларни молиялаш учун мақсадли ссуда беради. Қ и с к а (1 йилгача) ва у з о қ (бир неча йилга) м у д д а т л и ссудалар бор. Ссуда муддатида қайтарилмаса банк гаров мулкни авахта қилиши ва уни сотиб, ссуда бўйича узилмаган қарзни қоплаши мумкин. Қимматбаҳо қоғозларни ҳам гаровга қўйиб, улар эвазига ссуда олиш учрайди. Қарз тўлангач, қоғозлар қайтариб берилади.

**ССУДА КАПИТАЛИ БОЗОРИ** — қ. *Капитал бозори.*

**СТАГФЛЯЦИЯ** (лат. stagno — кўлмак ва inflatio — шишмоқ, пуфланган) — иқтисодиётнинг турғунлик, инфляция билан характерланувчи ҳолати. Стагфляция белгилари: иқтисодий ўсиш ғоят суст боради ёки юз бермайди, ишсизлик кўпаяди, тирикчилик киймати ўсади, инфляция кучаяди, ишлаб чиқариш кувватлари тўла ишлатилмайди, инвестиция жараёни сустлашади, ижтимоий беқарорлик ортади. Стагфляция Ғарб мамлакатларида 70-йилларда, собиқ СССРда 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида юз берди, МДҲда ҳозир ҳам давом этмокда.

**СТАТИСТИК БОЖЛАР** — чет эл товарлари чегарадан ўтганда ташқи савдо ҳаракатларини чуқурроқ ўрганиш ва бир вақтнинг ўзида маъмурий харажатларни қоплаш мақсадида олинадиган божлар.

**СУБВЕНЦИЯ** (лат. subvenire — ёрдамга келмоқ) — давлат бюджетидан муҳим хўжалик ва ижтимоий-маданий тадбирларни амалга ошириш учун маҳаллий ҳокимият идоралари (бюджетлар)га ажратилган пул маблаги. Давлат маъқуллаган иқтисодий ва маданий ривожланиш дастурлари, лойиҳалари субвенция орқали пул билан таъминланади. Шу мақсадда давлат бюджетида махсус субвенция фонди ташкил этилади. Бу фонддан ажратилган маблағ бошқа мақсадда ишлатиладиган бўлса, қайтариб олинади. Субвенция маиблари ва мақсадлари билан *дотация* ва *субсидия*дан фарқ қилади.

**СУБРОГАЦИЯ** — бир кредиторни бошқаси билан алмаштириш.

**СУБРОГАЦИЯ ДАЛОЛАТНОМАСИ** — суғурта қилувчиларга зиённи учинчи шахсдан ундириб олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат. Суғурта қилувчи учинчи шахсдан суғурта товонини ундириб, суғурта қилинувчига беради.

**СУБСИДИЯ** (лат. subsidium — ёрдам, нафақа) — корхоналар, ташкилотлар ва хорижий давлатларга бериладиган маблағ. Бирор фаолиятни уюштириш ёки қўллаб-қувватлаш мақсадларида одатда давлат бюджети, маҳаллий бюджет, йирик банк ва корхоналар, ҳомийлар томонидан ажратилади. Субсидия дотация сингари такрорланмай, фақат бир марта, қайтариб бермаслик ёки қайтариб бериш шарти билан берилади. Қайтариб олинмайдиган субсидиялар амалиётда кенг тарқалган.

**СУДХЎРЛИК КРЕДИТИ** — пулни қарзга бериш шаклларидан бири. Қарздордан ғоят юқори процент олиниши билан ажралиб туради. Ҳозирги пайтда судхўрлик кредити қарз олувчининг кредит бозоридаги вазиятдан бехабарлиги, у ёки бу сабабларга кўра мижознинг ноиложлигидан фойдаланадиган яширин битишувларда, хуфия иқтисодиёт корчалонлари ва жиноий унсурлар орасида учрайди.

**«СУЗУВЧИ» ПРОЦЕНТ СТАВКАСИ** — ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бўйича процент ставкаси бўлиб, унинг ҳажми бутун кредит муддатига олдиндан қайд қилинмасдан, балки кредит бозордаги вазиятга қараб, кредитор ва қарздор ўртасидаги келишилган вақт оралиғида қайта кўриб чиқилади.

**СУПЕРМАРКЕТ** — харидорнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишга асосланган кенг тармоқли магазин. АҚШда кенг тарқалган. Супермаркет харидорларга бепул маслаҳатлар беради, товарларни зарур бўлса буюртмага кўра харидор уйига етказади, харидорга маданий-маиший хизмат кўрсатади, бошқа товарларни сотиб олишига кўмаклашади.

**СУҒУРТА** — мол-мулк ва инсон ҳаёти хавф-хатарга йўлиққанда кўрилган зарарни қоплаш хусусидаги иқтисодий муносабатлар; суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳолатлар содир бўлганда суғуртачи суғурта эгасига ёки учинчи шахсга кўриладиган зиённи суғурта суммаси даражасида тўлаш мажбуриятини олади.

**СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ** — суғурта қилувчи вазифасини бажарувчи ташкилотлар. Улар ўзларига суғурта ҳолатлари юз берганда суғурта қилинувчига зарарларни қоплаш мажбуриятини оладилар. Асосий шакллари — акционер, ўзаро, суғурта жамиятлари.

**СУҒУРТА ПОЛИСИ** — қ. *Полис.*

**СУҒУРТА ТАРИФЛАРИ** — маълум муддатларда суғурта қилинган нарса миқдори бирлигидан олинадиган суғурта тўловлари.

**СЮЙРВАЙЕР** (инг. surveyor) — суғурта қилинувчи ёки суғурта қилувчи илтимосига кўра суғурта қилинган ёки суғурта қилиниши керак бўлган кема ва юкларни кўздан кечирувчи эксперт.

# Т

**ТАБАҚАЛАШГАН СОЛИҚ СОЛИШ** — ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарувчиларнинг ўз меҳнатларидан манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида саноат тармоқлари, турли мулк шакллари, солиқ тўловчилар ва солиқ объектлари хусусиятларига индивидуал ёндашиб, даромадлардан

солиқ ундириш. Жамғарма берадиган, олган фойдасини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлайдиган корхоналарга имтиёзли солиқ белгиланади.

**ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР УЧУН ТЎЛОВ** — корхона ва ташкилотларнинг табиий бойликлардан фойдаланганлиги учун давлатга берадиган тўлови; маҳсулот таннархи ва нархининг табиат ресурсларини муҳофаза қилиш ва қайта тиклашга ижтимоий зарурий сарфларни акс эттирадиган унсури: жорий нормативлар бўйича белгиланади. Тўловдан тушадиган маблағлар биринчи навбатда табиат муҳофазаси тадбирларига сарф қилинади.

**ТАВАККАЛ КАПИТАЛ** — фан-техника янгиликларини жорий этиб, янги технологияни ўзлаштириб, бозор рақобатига бардош берадиган янги товарларни ишлаб чиқариш учун таваккалга қўйилган (сарфланадиган) капитал. Таваккал капитал эгаси маълум иқтисодий хатарни ўз зиммасига олади, чунки янги ишга солинган капиталнинг қанчалик фойда бериши ёки бермаслиги олдиндан аниқ маълум бўлмайди. Лекин капитал тусмолланиб, кўр-кўрона қўйилмайди, балки у янгиликка бўладиган талабни, бозорнинг умумий ҳолатини ҳисобга олади, бизнес соҳасида маслаҳат берувчи фирмалар хизматидан фойдаланади. Таваккал капитални одатда майда бизнес вакиллари ёки уларга алоқадор йирик фирмалар қўяди. Таваккал капитал фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда катта роль ўйнайди.

**ТАДБИРКОРЛИК** — пул топиш мақсадида ва масъулиятни зиммага олган ҳолда бирон иқтисодий фаолият билан шуғулланиш; ташаббускорона ва антибюрократик хўжалик фаолияти услуби; муттасил янги имкониятлар қидириш, маҳоратни ишга солиб, қўйилган вазифаларни бажариш учун турли манбалардан ресурсларни жалб этиш ва ундан фойдаланишга асосланади. Тадбиркорликда иқтисодий фаолият натижалари учун маъмурият эмас, балки жамоа ва шахс масъул ҳисобланади, иш жойида исрофгарчиликка, ноомилкорликка, уқувсизликка, ўғриликка йўл қўйилмайди. Жумҳуриятимизда майда ва ўрта савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналарининг хусусийлаштирилиши муносабати билан хусусий тадбиркорлик анча ривожланади

**ТАКЛИФ** — ишлаб чиқарувчилар бозорда сотишга тайёрлаган (чиқарган), муайян нархларга эга товарлар ва хизматлар миқдори (қ. *Товар таклифи*).

**ТАЛАБ**, товарлар ва хизматларга талаб — тўловга қобил эҳтиёж; бозорга чиққан ва керакли миқдордаги пул билан таъминланган эҳтиёжни ифода этади. Талаб эҳтиёждан келиб чиқади, харидга ажратилган пул шаклида ифода этилади. Эҳтиёжнинг таркиби ва уни қондира олишнинг муайян даврдаги имкониятларига қараб, талаб ҳар хил бўлади. Товарлар дунёсидаги хилма-хилликка мос равишда талаб структураси ҳосил бўлади. Масалан, озиқ-овқат товарлари, саноат моллари, маиший ва ижтимоий хизматларга бўлган талаб товарларга талаб структурасини ташкил этади. Характери ва ҳаракати жиҳатидан ҳақиқий, ўсаётган, барқарор қондирилган, қондирилиши кечиктирилган, қондирилмаган, меъёрдаги ва ваҳима талабларга бўлинади. Маълумки, кишиларнинг эҳтиёжи улар меҳнатининг хусусияти, шароити, шиддатига, уларнинг жинси, ёши, қаерда яшаши (яшаш жойи), дини, урф-одатларига боғлиқ. Эҳтиёж турли-туман бўлган шароитларда кишиларнинг пул даромади, бинобарин, харид қобилияти ҳам ҳар

хил бўлади. Шуларга караб, талаб ижтимоий табакалашган бўлади. Талаб микдори пул даромадлари, харид кобилияти хажмига тўгри мутаносибликда, нарх-наво даражасига тескари мутаносибликда ўзгаради. Нарх ўзгармаган холда харид кобилияти ошса, товарларга талаб кўпаяди. Аксинча харид кобилияти ўзгармаган холда нарх ошса, товарларга талаб кискаради, агар нарх пасайса, товарларга талаб ортади. Талабга регионал, миллий, байналмилал омиллар таъсир этади. Талабни шакллантиришнинг асосий куроли — *рекламадир* (к. *Таклиф*).

**ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ КОНУНИ** — бозор иктисодиётининг объектив конуни; товарларга талаб ва товарлар таклифи ўртасидаги мунтазам ва узвий алокаларни акс эттиради. Талаб ва таклиф конунига кўра, бозордаги таклиф ва талаб факат микдоран эмас, балки ўзининг таркиби жихатидан хам бир-бирига мос келиши керак ва шундагина бозор мувозанатига эришилади. Талаб ва таклиф конуни айирбошлаш конуни бўлиб, бозорни бошкарувчи куч даражасига кўтарилади, унга кўра, бозордаги ўзгариш дархол ишлаб чикаришга етказилиши керак. Бозордаги талаб ва таклифнинг нисбатига караб ишлаб чикаришнинг суръатлари ва структураси ташкил топади. Жамият бу конундан бозор мувозанатига алокадор омилларга таъсир этиш оркали фойдаланади.

**ТАННАРХ КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ** — махсулот, ишлаб чикариш, иш ва хизматлар харажатларининг пулдаги ифодаси.

**ТАНТЬЕМА** (фр. tantiema — кўшимча мукофот) — акционерлик жамияти, саноат фирмалари, банклар, молиявий компаниялар ва бошка корхоналарнинг юкори рахбар ходимларига олинган фойдага караб бериладиган кўшимча мукофот шаклларидан бири. Тантьема тўлаш хакидаги таклиф компания директорлар кенгаши томонидан тавсия этилади ва акционер жамият олий органи — акционерлар умумий мажлисида тасдикланади. Тантьема солиқлар тўланиб, захира капитали тўлдирилиб ва активлар (ишлаб чикаришни кенгайтириш)ни кўпайтириш учун маблаглар ажратилгандан сўнг тўланади. Тантьема микдори соф даромаддан муайян процентларда белгиланади. Кўпинча, тантьема лавозим маошидан ошиб кетади.

**ТАРИФ** (ар. — тушунтириш, аниклаш) — корхоналар, ташкилотлар, ахолига кўрсатиладиган турли ишлаб чикариш ва ноишлаб чикариш йўналишидаги хизматлар учун тўланадиган хак. Тариф нархнинг кўринишларидан бири.

**ТАРИФЛАР ВА САВДО БЎЙИЧА БОШ КЕЛИШУВ** (ГАТТ) — катнашувчи мамлакатларнинг ўзаро савдо хамда савдо сиёсати режимини тартибга солувчи кўп томонлама халкаро шартнома асосида ишлайдиган халкаро ташкилот. 1947 йили Женевада 23 мамлакат хукуматлари ўртасида тузилган. Иштирокчи мамлакатларнинг ўзаро манфаатларини турли тадбирлар (бож имтиёзлари, тўсиклари ва б.)ни кўллаш билан хисобга олишга каратилган. 97 мамлакат тўла хукукли аъзо (1989).

**ТАРИФСИЗ ЧЕКЛАШ** — бож-тариф сиёсати доирасидан ташкарида бўлган ва ташки савдони тартибга солишда миллий савдо сиёсати воситаси сифатида фойдаланиладиган иктисодий, хамда маъмурий тадбирлар мажмуи.

**ТАСДИКЛАШ** — к. *Парафирлаш*.

**ТАФСИЛОТЛАР ХУЖЖАТИ** — к. *Спецификация*.

**ТАФТИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ** — муассаса, ташкилот, корхона, бирлашмаларнинг хўжа-

лик-молия фаолиятини текшириш натижалари кайд килинган расмий хужжат.

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ МУНОСАБАТЛАРИ** — ташқи иқтисодий сохада корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг хўжалик юритиш усули. Валюта харажатларини қоплаш ва ўз-ўзини молиялаш принципи асосида даромадлар ва сарф-харажатларни пул шаклида қиёслашни назарда тутади. Яъни жами валюта харажатлари ўз ҳисобидан (ёки карзга) қопланишини билдиради. Бундай шароитларда моддий рағбатлантириш валюта даромади ҳисобидан бажарилади, моддий-техника, корхона ва жамоанинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ажратмалар фонди ҳам валютада ташкил этилади.

**ТАШҚИ САВДО** — чет мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишларини юритиш, хорижга товар чиқариш (экспорт) ва хориждан товар киритиш (импорт)ни ўз ичига оладиган савдо. Айрим ҳолларда у ёки бу мамлакатнинг ташқи савдоси фақат экспорт ёки импортдан иборат бўлиши мумкин. Ташки савдо халқаро меҳнат тақсимотига асосланади.

**ТАШҚИ САВДО ОБОРОТИ** — мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳининг муайян давр (ой, квартал, йил)даги экспорти ҳамда импорти қиймати суммаси. Унинг ҳажми олди-сотди бўладиган товарлар ва хизматларнинг умумий миқдори ва уларнинг нархига боғлиқ. Оборот икки усулда ҳисобланади: 1) абсолют миқдорда, масалан, шунча млрд. долларга тенг деб олинади; 2) нисбий миқдорда, яъни у яратилган ёки ишлатилган маҳсулотнинг шунча фоизини ташкил этади деб қаралади. Мамлакат жаҳон бозорида қанчалик фаол қатнашса, унинг ташқи савдо обороти шунчалик катта бўлади.

**ТАШҚИ САВДО СИЁСАТИ** — муайян мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳининг ташқи савдо муносабатларини ривожлантириш бўйича ташкилий, иқтисодий, сиёсий тадбирлари тизими; экспорт ва импортнинг ҳудудий ҳамда товар таркиби ҳажмларини белгилашни ўз ичига олади.

**ТАШҚИ САВДО ФИРМАСИ** — ишлаб чиқариш, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларининг ташқи савдо билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаси. Ташқи савдо фирмаси экспорт имкониятлари бор бирлашмаларда тузилади, бирлашма номидан экспорт-импорт ишларини юритади (иқтисодий мустақил эмас).

**ТАЪСИС ФОЙДАСИ** — акционер жамияти таъсисчилари томонидан корхонага қўйилган ҳақиқий капитал билан акцияларни сотишдан тушган пул миқдори ўртасидаги фарқ.

**ТАҚЧИЛЛИК** — қ. *Дефицит*.

**ТЕНДЕР** (инг. tend — хизмат кўрсатмоқ) — савдо-сотиқни уюштирувчилар томонидан бўлғуси савдо иштирокчиларига тарқатиладиган ва муайян товарларни келтириш ёки муайян хизматларни бажариш таклифи ёзилган иш қоғози (бланк) (қ. *Халқаро тендерлар*).

**ТЕХНОЛОГИЯ СОТИБ ОЛИШ** — чет мамлакатлар илғор технологиясини ўзлаштириш. Бу соҳада, айниқса, Япония намуна бўлади: у лицензиялар сотиб олишга кўпгина маблағ сарфлади ва шу йўл билан тезда иқтисодий юксалишга эришди. Ривожланаётган мамлакатлар учун технология сотиб олиш илғор технологияни эгаллаб, ўз саноатини яратиш вазифасини ҳал этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

**ТИЖОРАТ СИРИ** — корхона, ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқнинг бевосита иштирокчиларигагина маълум бўлган ва бошка-

ларга эълон қилинмайдиган маълумотлар. Корхона тижорат сири корхона, фирма, консорциум ёки якка ишлаб чиқарувчи ўз товарларини арзонга тушириши, уларнинг сифатини ошириши, қимматроқ сота билиши, катта фойда кўриб, гуллаб-яшнашининг шарти. Сир ишлаб чиқариш, технология, бошқариш, молиявий, янги материалларни қўллаш, бошқаларда бўлмаган, ҳаётий цикли узун бўлган товарларни ўзлаштириш ва б. фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тижорат сири харидорлар, умуман, мижозлар билан бўлган алоқага ҳам тааллуқли. Келишилган битишувлар суммаси, сотиш шартлари ва нархлар ҳам сир сақланади. Тижорат сири ва уни ошкор этиш, ўғирлаш бўйича жавобгарлик қонун йўли билан амалга оширилади. Тижорат сирини сақлаш мақсадида корхона, фирма ва консорциумларда махсус хавфсизлик хизмати ташкил этилади. Бу хизмат корхона мулки бўлган янгиликларни рақибларнинг иқтисодий жосуслигидан ҳимоя қилади.

**ТИЖОРАТ ҲИСОБИ** — бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритиш усули; хўжалик фаолияти харажатлари ва натижаларн қиймат (пул) шаклида қиёсланади.

**ТИРИКЧИЛИК МИНИМУМИ** — меҳнаткашлар ва уларнинг оиласи тирикчилигини энг паст даражада таъминлаш учун зарур бўлган ҳаёт воситалари (истеъмол моллари ва хизматлар) қийматининг пул шаклидаги ифодаси. Тирикчилик минимуми жамият тараққиётининг маълум шароитида ижтимоий зарурий турмуш даражасининг пастки чегарасини белгилайди. Уни аниқлаш услуби энг кам истеъмол бюджети тузилишига асосланади.

**ТИРИКЧИЛИК ҚИЙМАТИ** — тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган истеъмол товарлари ва хизматларнинг қиймати; пул шаклида ифодаланади. Тирикчилик қиймати айрим кишнинг ёки оиланинг муайян турмуш даражаси шароитида нормал кун кечириши учун кетадиган сарф-харажатларни ўз ичига олади. Харажатларнинг асосий кўринишлари: овқатланиш харажати; кийиниш харажати; тураржой ва коммунал хизмат учун сарфлар; пулли маданий-маиший хизматлар учун сарфлар; даволаниш; физкультура, спорт билан шуғулланиш учун сарфлар; транспорт сарфи (шахсий транспорт сарфи ҳам киради). Тирикчилик қиймати, биринчидан, истеъмол этилиши зарур товарлар ва хизматлар миқдори билан, иккинчидан, уларнинг нархи билан белгиланади. Ғарбдаги мамлакатларда тирикчилик қиймати статистикаси билан касаба уюшмалари шуғулланади, улар олинган иш ҳақининг тирикчилик қийматига нақадар мос эканлигини назорат қилиб, ишчилар манфаати учун курашда ундан фойдаланадилар. Тирикчилик қиймати одатда жорий нархлар асосида ҳисоблаб чиқилади: товарлар ва хизматлар миқдорини улар бирлигининг нархига кўпайтириб, умумий суммаси аниқланади.

**ТОВАР** — бозорда олди-сотди орқали айирбошланадиган меҳнат маҳсули. Товар шундай маҳсулотки, у ўзини ишлаб чиқарувчиларнинг эмас, балки бошқаларнинг талаб-эҳтиёжини қондириш учун яратилади. Шу сабабли у айирбошланади. Товар моддий шаклдаги маҳсулот бўлиши шарт эмас, хизматлар ҳам товар шаклига киради. Турли моддий шаклдаги ақлий меҳнат маҳсули, илмий-техникавий ғоялар ва ишланмалар, номоддий шаклдаги хизматлар (даволаш, ўқитиш, музика, ракс ижро этиш, қўшиқ куйлаш кабилар), ҳар хил қимматли қоғозлар (акция, облигация, сертификат, валюта) ҳам товар бўлади. Товар бозорда пул воситасида айир-

бошланади, яъни олди-сотди қилинади.

**ТОВАР АЙИРБОШЛАШ БИТИМЛАРИ** — қ. *Мена.*

**ТОВАР БЕЛГИСИ** — муайян фирма товарларига қўйиладиган ва уни бошқа фирмалар маҳсулотларидан фарқлантирувчи белги. Товар белгиси (ёки савдо маркаси) фақат айрим фирмага қарашли бўлади, уни бошқалар ўз товарига қўя олмайди. У махсус давлат муассасасида рўйхатдан ўтказилади. Товар белгиси бадиий тасвир, сўз ёзуви билан биргаликда акс эттирилади. Белги эгаси уни бошқаларга бериши мумкин, бунинг учун ҳақ олинади. Товар белгиси сотилиши ҳам лицензия битимларига кўра амалга оширилади.

**ТОВАР БИРЖАСИ** — бир ёки бир неча хил товар билан улгуржи савдо-сотиқни амалга оширувчи тижорат корхонаси, бозор иқтисодиёти инфраструктурасининг ажралмас қисми. Товар биржаси икки турга бўлинади: очиқ биржа — бундай биржада унинг аъзолари билан бир қаторда бошқа соҳибкор ёки тожирлар ҳам савдо қила олади; ёпиқ биржа — бу ерда биржанинг аъзоси бўлганларгина савдо битими тузади. Биржа аъзолари уни ташкил этишга пул қўйишади, яъни биржа акционер жамият сингари ташкил топади. Аммо улар ўз маблағларига дивиденд олишмайди. Товар биржаси олди-сотдисида молнинг нақд бўлиши шарт эмас, баъзи ҳолларда товарнинг хусусияти, жумладан, уни ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги эътиборга олинади.

Биржа савдолашувида ташкил топган нархлар биржа котировкалари деб юритилади ва улар ҳар куни эълон қилинади. Йирик биржалардаги товар нархи жаҳон бозори нархини ифода этади. Биржада сотиладиган моллар тури биржа товарлари ҳисобланади. Улар туркумига рангли металлар, ипак, пахта, дон, шакар, кофе, каучук ва бошқалар киради. Биржалар товарлар сотиш бўйича ихтисослашган. Масалан, Нью-Йорк, Бомбай, Искандария биржалари пахта, Чикаго биржаси галла савдоси билан шуғулланади: Лондон биржаси эса рангли металлар билан савдо қилади. Товарлар биржасида даллоллар (улар брокер деб аталади) олди-сотди битимларини ташкил этишади. Биржани кенгаш ва унинг президенти бошқаради (қ. *Биржа*).

**ТОВАР ЗАЁМИ** — тақчил товарларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи, аммо процент келтирмайдиган заём. Товар тақчиллиги кучайиб, инфляция зўрайган шароитда муайян муддатга мўлжалланиб чиқарилади. Собиқ СССРда товар заёмлари 1990 йилдан бошлаб чиқарилган. Заём аҳоли ўртасида сотилади. Товар заёми автомашина, телевизор, холодильник, видео ва радиоаппаратура, мебель ва бошқа тақчил товарлар заёмидан иборат бўлади. Заём эгаси унда кўрсатилган товарнинг ҳақини олдиндан тўлаб қўяди, яъни авансланган тўлов юз беради — насияга пул беради.

**ТОВАР БОЗОРЛАРИ КОНЪЮНКТУРАСИ** — бозор аҳволи, шароити; миллий жаҳон товар бозорларида турли омилларнинг (иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, табиий) ўзаро таъсири натижасида вужудга келган ҳамда талаб ва таклифнинг мавжуд ва тахмин қилинаётган нисбатларида намоён бўладиган ҳолати. Конъюнктурани таҳлил қилишда ишлаб чиқариш ҳажми, структураси ва ҳолати; муайян товар ва унинг ўринбосари истеъмоли; ғамлама даражаси; нархлар ўзгариши; бозор иштирокчилари; ишлаб чиқариш-маиший, илмий тадқиқот, патент-лицензия, реклама ва бошқа фаолиятлар чуқур ўрганилади. Товар бозорлари конъюнктурасини мунтазам ўрганиб бориш савдо фаолияти-

нинг муваффакияти учун зарурдир.

**ТОВАР СИФАТИ** — товарнинг муайян эхтиёжларини кондира оладиган хоссалари мажмуи; бозорда товар сотилишининг асосий кўрсаткичи. Товар сифати дастлаб лойихалаштиришда мўлжалланади, ишлаб чикаришда амалда хосил этилади, сўнгра истеъмолда синаб кўрилади. Узок вакт мобайнида ишлатилувчи товар сифати хизмат килиш муддатига, фойдаланиш, ремонт килиш, созлаш харажатлари, уларнинг энергия сарфи, кўлланиш хавфсизлигига караб белгиланади. Товар сифати товарнинг ракобатчилик кобилиятини билдиради.

**ТОВАР ТАКЛИФИ** — бозорга чикарилган ёки келтирилиши мумкин бўлган жами товарлар микдори ва структураси; таклиф ишлаб чикариш микёси ва унинг таркибига боглик, лекин яратилган махсулот микдори унга тенг эмас. Махсулотнинг факат бир кисми бозорга чикарилади ва у товар махсулот дейилади, унинг колган кисми ишлаб чикаришнинг ўзида колади. Таклифнинг хажми ва таркиби бор. Унинг хажми сотишга чикарилган товарлар суммаси билан белгиланади. Бу эса, ўз навбатида, товарлар микдорига ва уларнинг нархига боглик. Ишлаб чикариш билан нарх бир йўналишда ошса, товарлар таклифи тўхтовсиз кўпаяди. Агар улар карама-карши йўналишда ўзгарса, уларнинг нисбатига караб таклиф турлича кўриниш олади. Масалан озик-овкат товарлари таклифи ўзгармаган холда, унинг таркибида чорвачилик товарлари ёки сабзавотчилик товарлари таклифи турли даражада ўзгариши мумкин. Товарлар таклифи факат мамлакат ёки регион доирасидаги ишлаб чикаришга эмас, балки экспорт ва импортга хам боғлик. Агар таклиф талабдан ошиб кетса, бозор касод бўлади, ресурслар харакати секинлашади, ишлаб чикаришда танглик бошланади.

**ТОВАР ТАКЧИЛЛИГИ** — бозорда товарларнинг мунтазам ва сурункасига етишмай, уларга бўлган талабнинг доимо кондирилмай келиши. Товарнинг ўткинчи шаклдаги ёки вактинча етишмаслиги такчиллик эмас, агар бундай ахвол доимий характер касб этса, шундагина такчиллик келиб чикади. Агар *талаб*нинг юзага келиши билан уни кондириш орасидаги вакт чўзилиб кетса, товар такчиллиги пайдо бўлади. Агар ишлаб чикаришда танглик юз бериб, у одатдаги талабдан хам оркада колса, товар такчиллиги ўз-ўзидан юзага чикади. Агар талабнинг оз кисми копланмай турса, к у ч с и з т а к ч и л л и к мавжуд бўлади, аксинча, муайян товарларга бўлган талабнинг тобора кўпрок кисми кондирилмаса, ў т к и р т а к ч и л л и к келиб чикади. Бундай товар такчиллиги хатто мухим ўринбосар товарларнинг хам етишмаслигини билдиради. Товар такчиллигининг сабаби факат ишлаб чикаришнинг талабни кондиришга ожизлиги билан боғлик бўлмай, уни товарнинг бозорга вактида келтирилмаслиги, товар нархининг ғоят пастлиги ёки чайковчилик максадида товарларни атайлаб беркитиб туриш хам келтириб чикаради. Мухими шуки, товар такчиллиги иктисодиётнинг бекарорлиги, ундаги мутаносибликнинг бузилиши, такрор ишлаб чикаришнинг издан чикиши окибатидир. Уни бартараф этиш учун товар ишлаб чикариш, товар импорти бозор талабига караб кўпайтирилади, бунинг иложи бўлмаса такчил товарлар нархи кескин оширилиб, уларга талаб камайтирилади; ахоли пул даромадлари, бинобарин, харид кобилияти ўзгартирилганда такчил товарларга талаб кискаради. Биринчи йўлдан борилганда ахоли турмуш даражаси пасаймайди. Колган йўллардан борил-

са, тақчилликнинг камайиши ёки йўқолиб кетиши аҳоли ҳисобидан бўлади, чунки унинг истеъмоли қисқаради.

**ТОВАР ҚИЙМАТИ** — товарда мужассамлашган ижтимоий меҳнат; товарлар айирбошланишида ифода этилади, товар нархининг объектив асоси ҳисобланади.

**ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАРГА ТАЛАБ** — қ. *Талаб.*

**ТОВАРЛАР ГАМЛАМАСИ** — муомала соҳасида йиғилган, бозорда, ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига келиш жараёнида бўлган товарлар миқдори.

**ТОВАРЛАШГАН ХИЗМАТ** — товар сифатида олди-сотди қилинувчи хизматлар, яъни пулли хизматлар. Товарлашган хизмат икки хил бўлади: ишлаб чиқариш хизматлари — уларни корхона, ташкилотлар харид этиб, фойдаланади (масалан, юк транспорти, алоқа хизмати, фан-техника, воситачилик хизмати); ижтимоий хизматлар — маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, пассажир транспорти кабилар (масалан, пул тўлаб ўқиш, даволаниш, спорт, туризм билан шуғулланиш кабилар). Бепул ижтимоий хизматлар товарлашган маҳсулот таркибига кирмайди. Бозор иқтисодиёти шароитларида товарлар дунёси муомаласида товарлашган хизматлар обороти кучайиб боради.

**ТОВАРНИНГ РАҚОБАТЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИ** — муайян товарнинг миллий, регионал ёки жаҳон бозорида бошқа товарлар рақобатига бардош бера олиши; бу хусусиятни харидорга товар нархининг маъқуллиги, сифати, истеъмолчининг саломатлигига таъсири, экологик тавсифи, нақадар узоқ хизмат қила олиши кабилар белгилайди. Тақчил бозорда товарлар сифатига эътибор кам бўлади. Аксинча товарларга тўйган бозорда товарнинг рақобатчилик қобилиятига — сифатига бўлган талаб ортади. Озиқ-овқат товарлари етарли бўлса, уларнинг тўйимлилиги (керакли моддаларга бойлиги), биологик тозалиги, уларнинг яхши ва узоқ сақланиши рақобатчилик қобилиятини таъминлайди. Агар автомобиллар етарли бўлса, нафақат уларнинг тезлиги, тежамли ва арзонлиги, балки машина дизайни (кўрими), хавфсизлиги, қулайликлари (сунъий иқлим ҳосил этиш, электроника жиҳозлари билан таъминланиш) бозорда рақобатни таъминлайди.

**ТОВАРНИНГ ҲАЁТИЙ ЦИКЛИ** — товарнинг бозорда сотилиб, сотувчига фойда келтириб туриш даври; бозорда товар умрининг узун ёки қисқалигини билдиради. Товарнинг ҳаётий цикли товарни яратиш ғояси ва намуна нусхасининг яратилиши, харажатлар ва фойда кўламини ҳисоб-китоб қилиш, товарнинг бозорга кириб келишидан бошланиб, ~~унинг харидор томонидан~~ тан олиниши, товар мавқеининг юксак даражага кўтарилиши, бозорнинг товарга тўйиниши, ва ниҳоят, товар мавқеининг пасайиб кетиш даврларидан иборат бўлиб, товарнинг бозордан чиқиб кетиши билан якунланади. Юқоридаги босқичларга монанд равишда товарнинг сотилиши ва ундан келган фойда дастлаб ўрта бориб, ўз чўққисига етади, сўнгра пасайиб, минимал даражага келади. Бир товар ҳаётий циклининг узилиши бошқа товар ҳаётий циклининг бошланишини билдиради. Товарнинг ҳаётий цикли узун ёки қисқалиги товарнинг сифатига, бозор талабини қондира олишига, нархи, реклама, сотилиш шароитларини ўзгартириш ва б. га боғлиқ.

**ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ** — бозор иқтисодиётининг моҳиятини ташкил этувчи муносабатлар: товар ишлаб чиқариш, товарларни айирбошлаш ва пул муомаласига хос муносабатлар-

нинг яхлитлиги. Товар ишлаб чикариш соҳасидаги муносабатлар товарни яратиш ва уларга моддий ва жонли меҳнат сарфланиши, бу меҳнат сарф-харажатлари ижтимоий зарурий даражада бўлиши, товарнинг истеъмол киймати ва кийматларининг бирлигини таъминлаши, индивидуал меҳнат сарфларини ижтимоий зарурий сарфга келтириши, товарлар кийматининг меҳнат унумдорлигига тескари мутаносибликда ўзгариши каби алокаларини билдиради. Уларга хос белгилар: ракобатлашув, тижорат сирларини саклаш, меҳнат сарф-харажатларини камайтириб боришни таъминлаш ва энг муҳими — товар ишлаб чикарувчиларнинг мустакил ва алоҳидалашган бўлиши, уларнинг бозорга караб товарларни яратиши, бозор талаб-эҳтиёжи кондирилгандагина уларнинг даромад топишидир.

**ТОЖИР**, коммерсант — савдо-сотик ишлари билан шуғулланувчи шахс. Тожир ўз номидан ёки бирор фирма номидан иш юритади. Фирма номидан иш юритганда тожир фирманинг ёлланган ходими сифатида фаолият кўрсатади. Мустакил тожир ўз маблағига эга бўлади ва уни ишлатиб фойда кўради; бу ўз моҳияти билан савдо фойдасидир. Тожир савдо-сотик ишларида воситачилик хам килади ва ўз хизмати учун комиссион хак (даллол пули) олади. Тожир ички ва ташки савдо, айрим ёки бир гуруҳ товарлар савдо-сотиғи бўйича ихтисослашган бўлади. Масалан, тожир мўйна, антика буюмлар, патент, лицензиялар ёки бошка товарларнинг биронтасини сотишга ихтисослашади. Тожирларнинг ихтисослашуви бозорда товарларнинг кўпайиб кетиши, уларга бўлган талаб ва таклифни илғаб олишнинг кийинлашуви билан боғлик.

**ТОРАЮВЧИ БОЗОР** — олди-сотди, айирбошлаш ҳажми кискариб борадиган бозор. Тораювчи бозор айрим ёки бир гуруҳ товарлар ва хизматлар бозорига тааллуклидир.

**ТРАНСФЕРТ** (фр. transfert — ўтказиш) — чет эл валютаси ёки олтинни бир мамлакатдан бошкасига ўтказиш; номи ёзилган кимматбаҳо коғозларга эгалик ҳукукини бошка бировга бериш.

**ТРАНСФЕРТ ТЎЛОВЛАРИ** — ўтказма тўловлар, яъни давлат бюджетидан аҳолига ва хусусий тадбирларга бериладиган тўловлар. Тадбиркорларга ёрдам, давлат карзи бўйича процентларни тўлаш, ижтимоий эхтиёжлар учун аҳолига пенсия ва нафака тўловларига бўлинади.

**ТРАСТ-КОМПАНИЯ** — хусусий шахслар ва ташкилотлар учун сир сакланадиган (ишончли) хизматларни бажарадиган компания.

**ТРАТТА** (итал. tratta) — ўтказма вексель. Кредиторнинг карздорга (одатда банкка) ёзма буйруғи, унда банкнинг учинчи шахс (ремитент-такдимчи) га ёки траттани такдим килганга муайян суммадаги пулни тўлаши кўрсатилади. Ташки савдо хисоб-китобларида фойдаланилади.

**ТРЕЙДЕР** — биржанинг савдо зонасидаги брокер вакили. Фирма номидан сотиш ва харид учун буюртма кабул килади, турли ахборотларни баланд овозда эълон килади. Кимнинг ваколати билан иш кўраётгани акс эттирилган кўкрак нишони такади.

**ТРЕСТ** (инг. trust) — саноат монополияларининг 20- йиллардаги энг юкори шакли. Унда махсулотни ишлаб чикариш, сотиш, корхоналарнинг молияси тўла бирлаштирилади. Трест муайян тармокда ҳукмронлик килувчи ягона улкан ширкатчилик жамияти бўлиб, АКШда кенг таркалган эди.

**ТУГРИК** — Монголия Халк Республикасининг пул бирлиги.

1925 йилдан жорий килинган. 1 тугрик=100 мунгу.

**ТУЗАТИШ КИРИТИШ** — кабул килинган режадаги хатони тезкорлик билан тузатиш. Амалий хўжалик жараёнларида кутилмаган четланишларни бартараф этиш шакли.

**ТЎЛОВГА ҚОБИЛ ТАЛАБ** — бозорда товар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган ва сотиб олиш учун пул билан таъминланган эхтиёж. Микдорий нисбатда пул маблағлари суммасида ифодаланиб, ахоли томонидан товар харид килиш ва кўрсатилган хизмат хакини тўлаш учун сарфланади. Ахоли пул даромадларининг истеъмолни кондириш, яъни товарларни харид этишга кетадиган кисми тўловга кобил талабни ташкил этади ва унинг хажми пулда ифодаланади.

**ТЎП** — к. *Лот.*

# У

**УЛГУРЖИ НАРХЛАР** — корхоналар ёки мол етказиб берувчиларнинг ўз махсулотини бошкаларга катта микдорда кўтарисига сотадиган нархлар.

**УЛГУРЖИ САВДО** — товарларни йирик тўплари билан кўтарасига сотиб олиш ва сотиш.

**УЛУШ** (пай) **ҚАПИТАЛИ** — кўшилган улушлардан ташкил топган капитал.

**УЛУШ** (пай) **ФОНД** — улуш (пай) бадаллари бериш хисобига ташкил бўлган кооператив ташкилотларнинг мол-мулки ва пул фонди.

**УНЦИЯ** — инглиз ўлчовлар тизимидаги вазн бирлиги. 1 унция=16 драхма=28,3495 г; кимматбахо металларнинг асосий вазн бирлиги бўлган унция (тройя унцияси)=31,1035 г.

**«УМУМИЙ БОЗОР»** — к. *Европа Иқтисодий Ҳамжамияти.*

**УСТАВ ҚАПИТАЛИ** — корхона (ташкилот)ни барпо этиш тўғрисидаги шартнома ёки низомда белгиланган маблағлар (капитал) микдори. Чикарилган акцияларнинг номинал киймати, давлат кўйган маблағлар, хусусий улуш (пай) бадаллари микдоридан ташкил топади.

# Ф

**ФАКТОРИНГ** — мижозга айланма капитал учун кредит бериш билан биргаликда ўтказиладиган савдо-воситачилик харакатларининг бир тури.

**ФАЛОҚАТ** — к. *Авария.*

**«ФАОЛ» ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР** — котировкаси (биржа нархи) кўпинча матбуотда эълон килиниб, оммавий олди-сотди килинадиган кимматбахо когозлар.

**ФИРМА** (итал. firma — имзо) — фойда топши максадларини кўзлаган корхона, компания, бирон бир хўжалик ташкилоти. Ходимлар сони, мулк шакллари, хукукий холати ва б. га кўра хилма хил фирмалар бор. Фирмаларда банд бўлган ходимлар сони 2—3 кишидан 20—30 минг кишигача бўлиши мумкин. фирмалар барча мулк турлари негизида давлат, кооператив, жамоа ташкилотлари ва махаллий давлат идоралари, миллий ва чет эл юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, аралаш мулк негизида фаолият кўрсатади.

Хозирги иктисодий хаётда фирмаларнинг асосий кисми нисбатан кичик ва майда. Йирик фирмалар нисбатан мустахкам ишлаб чикариш, технологик ва хом ашё базасига эга бўлиб, халкаро мехнат таксимотида фаол иштирок этади, ўртача фирма-

лар кооперацияланган ҳамда ихтисослашган қисмлар ва деталлар ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек, умумий технологик ва техник инфраструктура соҳасида фаолият кўрсатади. Майда фирмалар асосан товарлар ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

**ФИРМА НОМИ** — товар маркасини ифодалаш йўли; сўз, ҳарф, сўз ёки ҳарфлар гуруҳларидан иборат бўлиши мумкин.

**ФИРМА БЕЛГИСИ** — рамз, сурат, муайян ранг ёки ишоралар.

**ФОИЗ** — қ. *Процент.*

**ФОЙДА** — сотилган маҳсулот (хизматлар)нинг қиймати билан таннархи айирмаси; қўшимча маҳсулотнинг пул шакли. Фойда даромаднинг бир қисми. Фойданинг мувозанат, ҳисоб-китоб ва қолдиқ шакллари мавжуд. Маҳсулот таннархини пасайтириш, жадаллаштириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш фойда ўсишининг асосий омиллари ҳисобланади.

**ФОНД БИРЖАСИ** — қимматбаҳо қоғозлар олди-сотди қилинадиган биржа; бозор инфраструктурасининг муҳим бўғини, қимматбаҳо қоғозлар (давлат облигациялари, корхоналар акция ва облигациялари, банк кредит билетлари, тижорат векселлари), валюта олди-сотдиси бўйича мунтазам ва ташкилий фаолият кўрсатади (қ. *Молия биржаси*).

**«ФОРВАРД» БИТИМИ** — маълум муддатда етказиб бериш мажбурияти билан нақд товар олишга келишиш. Бу битим нарх ўсиши мумкинлигини ҳисобга олган *«спот»* битимларига тузатиш киритади.

**ФРАНК** (фр. franc) — Франция пул бирлиги. 1799 йилдан ливра ўрнига жорий қилинган. 1 франк=100 сантим. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жорий этган курс бўйича Ўзбекистон ҳудудида 1 франк=85 сўм 96 тийин (1993, январь). Шунингдек Бельгия, Люксембург, Швейцария, Бурунди, Руанда, Мадагаскар пул бирлиги ҳам франк деб юритилади.

**ФРАНКО** (итал. franco — эркин) — товарни харидорга етказиб беришда транспорт харажатларини қоплаш ва ҳисоб-китоб қилиш тартибини белгилаш. Товарни сотувчи етказиб бериш манзили — темир йўл станцияси, денгиз порти, омбор ёки давлат чегараси бўлиши мумкин. МДҲ доирасида ж ў н а т и ш ф р а н к о м а н з и л и ва е т к а з и ш ф р а н к о м а н з и л и қўлланилади. Халқаро савдо-сотиқда товарни харидорга етказиб бериш ҳамда тўлов ҳақини белгиловчи қуйидаги тижорат шартлари мавжуд:

СИФ (инг. Cost, Insurance, Freight — қиймат, суғурта, фрахт) — товарнинг сотилиш нархига товар қиймати, суғурта ва манзил портгача транспорт харажатлари ҳам киради.

ФАС (Free Alongside Ship — кема бўйлаб эркин) — сотувчи ўз товарини кемагача ўз ҳисобидан етказиб беради. Товар сотиш нархига товар нархи, товарни кемага етказиб бериш харажатлари киради.

ФОБ (Free on Board — кемада эркин) — кемани харидор ёллайди, сотувчи товар учун кемага юклаш давригача жавобгар бўлиб, сотиш нархига товар нархи, ташиб келтириш ва ортиб бериш харажатлари киритилади.

**ФРАНЧАЙЗЕР** — шартнома асосида майда хусусий тадбиркорга муайян даврда, махсус кўрсатилган жойда ўз ишини юритиш ҳуқуқини берган йирик савдо ёки саноат фирмаси. Фирма учун бозорда ўз таъсир доирасини кенгайтириш, тижорат

хатарни камайтириш усулларидан бири.

**ФРАНЧАЙЗИ** — *франчайзер* қўл остида иш бошлаган майда тадбиркор (ишбилармон). АҚШда ресторанлар, ошхоналар, бухгалтерия ва солик хизматлари, ҳуқуқий марказлар, котибиятлар, етказиб бериш бюроси, нарҳловчилар, автосервис, озиқ-овқат ва баққоллик дўконлари ва ҳоказолар франчайзи усулида ишлайди.

**ФРАНЧАЙЗИНГ** (инг. franchise — имтиёз) — чет эллик шериклар билан биргаликда иш олиб бориш усули; шартнома (контракт) асосида технология эгаси бўлган фирма (франчайзер)нинг тижорат ёки саноат билимлари (лицензиялари)ни сотиш билан бирга маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни чет эллик ҳамкор (франчайзи) бозорида сотишда бевосита иштирок этишдан иборат. Одатда бундай иштирок маҳсулот ишлаб чиқаришда энг зарур ва асосий қисмлар, моддалар, бутловчи узелларни етказиб бериш билан таъминланади. Кейинги йилларда «Пепси-Кола» фирмасининг фаолияти франчайзингга яхши мисол. Бу фирма бундай ичимликни ишлаб чиқарадиган корхоналарни (масалан, Қибрай пиво ва яхна ичимликлар комбинати) концентрат билан таъминлайди, ишлаб чиқариш, реклама, товарни ўтказишда маслаҳатлар беради.

**ФРАХТ** — юкларни ташиш ёки кемадан фойдаланиш учун тўланадиган кира ҳақи.

**ФРАХТ БОЗОРИ** — халқаро савдода юк ёки йўловчилар ташишда кемаларни ёллаш; транспорт (кема) хизматининг олди-сотди қилиниши, жаҳон товар бозорининг бир тури. Фрахт бозори моддий шаклдаги товар эмас, балки хизматлашган товар бўлмиш транспорт хизмати бозоридир. Фрахт бозорида амал қилувчи нарх фрахт ҳақи (чартер) ёки тарифидир. Фрахт тарифи юк ёки йўловчиларни кемада фақат бир йўналишда ташиганда ишлатилади. Фрахт ҳақи ва тарифи кемачи компаниялар ва буюртмачилар ўртасидаги келишувга қараб, махсус шартномада юк оғирлиги ёки ҳажми бирлигига қараб белгиланади.

**ФУНДИРЛАНГАН ДАРОМАД** — барқарор манбалардан (масалан, кўчмас мол-мулк, облигациялар ва б. ларга эгалик қилиш) олинадиган меҳнатсиз даромад.

**ФУНДИРЛАНГАН ЗАЁМЛАР** (лат. fundus — асос, замин) — қисқа муддатли ҳамда ўрта муддатли заёмларни бирлаштириш натижасида ҳосил бўлган узоқ муддатли давлат заёмлари.

**ФУНДИРЛАНМАГАН ЗАЁМЛАР** — бир йилгача муддат билан чиқариладиган қисқа муддатли давлат заёмлари.

**ФУНТ** (полякча funt, нем. Pfund, лат. pondus — вазн, оғирлик, тарози тоши) — инглиз ўлчов тизимида асосий вазн бирлиги; 1 фунт (савдо фунти)=0,45359237 кг. АҚШ, Буюк Британия ва б. мамлакатларда савдо фунтидан ташқари дорихона ва тройя фунти= 0,37324177 кг ишлатилади. Фунт 16 унция (1 унция=28,3495 г) =7000 гранга (1 гран=64,8 мг) бўлинади.

**ФУНТ** (лат. pondus — вазн, оғирлик) — Миср пул бирлиги. 1 фунт=100 пиастр. Россия Федерацияси Марказий банки жорий этган клиринг валюталари тижорат курсига кўра Миср билан ҳисоб-китобларда 100 фунт стерлинг=260 сўм 98 тийин (1992, май). Шунингдек Исроил, Ирландия, Ливан, Сурия, Кипр, Судан, Мальта, Гибралтар ва б. мамлакатларнинг пул бирлиги ҳам фунт деб юритилади.

**ФУНТ СТЕРЛИНГ** (инг. pound ёки pound sterling) — Буюк Британия пул бирлиги. 1 фунт стерлинг=100 пенс. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жо-

рий этган курс бўйича Ўзбекистон ҳудудида 1 фунт стерлингнинг курси 735 сўм 95 тийинга тенг (1993, январь).

**ФУТ** (инг. foot, айнан — товон) — инглиз ўлчовлар тизимидаги узунлик бирлиги. 1 фут = 1/3 ярд = 12 дюйм = 0,3048 м.

**ФУҚАРОЛАР ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИГИ** — фуқароларнинг ўз ихтиёрига кўра иқтисодий фаолият билан шуғулланиш эркинлиги. Фуқаролар иқтисодий эркинлигининг бирдан-бир асоси уларнинг мулк эгаси бўлишидир. Фуқаро жамоа, акционер мулкининг шериги, давлат мулкининг эгаларидан бири ёки хусусий, шахсий мулкнинг эгаси бўлгандагина иқтисодий эркинликка чиқади. Иқтисодий эркинлик, биринчидан, фуқароларнинг ўз иш кучининг эгаси, иккинчидан, ишлаб чиқариш воситасининг эгаси бўлишини, учинчидан, ўз меҳнати маҳсулини ўзи ўзлаштиришини тақозо этади. Фуқаро ўз иқтисодий эркинлигини таъминлаш учун нафақат мулкий муносабатда, балки бозор муносабатида ҳам ўз ўрнини топиши керак.

**ФЬЮЧЕР БИРЖАСИ** — товар биржаларини ташкил этишнинг ҳозирги замонавий шакли: фьючер биржаларида савдо фақат *фьючер битимлари* асосида олиб борилади. 19-асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Фьючер биржаси нархларнинг ноқулай тебраниши хатарини пасайтириш, ноқулай вазиятлар учун ажратиладиган ғамлама капитал ҳажмини камайтириш, авансланган (сарфланган) капиталнинг пул шаклида қайтишини тезлаштириш, савдони кредитлашни арзонлаштириш ҳамда муомала харажатларини камайтиришга ёрдам беради.

**ФЬЮЧЕР БИТИМЛАРИ** — ҳали ишлаб чиқарилмаган товарлар намунаси бўйича тузиладиган битим. Фьючер битими шартномаси маклерлар томонидан кўп марта олиб сотилади. Контракт шартлари маҳсулотнинг сифати, миқдори, етказиб бериш вақти ва жойи бўйича стандартлаштирилган бўлади, фақат битишув амалга ошадиған пайтда белгиланадиган нарх контрактнинг ўзгарадиган қисми ҳисобланади.

**ФЬЮЧЕРЛАР** — к. *Фьючер битимлари.*

# Х

**ХАЗИНА ВЕКСЕЛИ** — қисқа муддатли давлат қарз мажбуриятларининг бир тури. 3, 6 ва 12 ой муддат билан чиқарилади.

**ХАЗИНА МАЖБУРИЯТЛАРИ** — давлатнинг қимматбаҳо қоғози; эгасининг маълум пул миқдорини бюджетга ўтказганини тасдиқлайди ва эгалик қилиш муддати давомида қайд қилинган даромад олиш ҳуқуқини беради.

**ХАЙРИНГ** — транспорт воситалари, йўл-қурилиш машиналари, монтаж ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналарини ўртача муддатларга ижарага олиш (к. *Лизинг, Рентинг*).

**ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ (ХВФ)** — давлатлараро халқаро валюта-кредит ташкилоти. 1944 йили ташкил этилган. 1991 йили 153 мамлакат аъзо бўлиб, капитали 120 млрд. долларни ташкил этди. Валюта фонди халқаро савдони ривожлантириш ва валюта соҳасида ҳамкорликни амалга оширади. БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси ҳуқуқига эга. Валюта фондининг капитали унга аъзо мамлакатларнинг бадал пулидан ташкил топади. Унинг ўсиши янги аъзоларнинг бадал пули ва кредит учун олинган процентлар ҳисобига юз беради. 1947—1989 йиллар

мобайнида унинг капитали 16 марта кўпайди. Валюта фондининг кредити умумий капитал ҳисобидан ва маълум мақсад учун берилади. Кредит олувчи давлат қарз учун унинг 6—7 % га тенг суммани ҳар йили тўлаб туради. Кредит хорижий валютани миллий валютага сотиш тарзида берилади. Кредит қайтарилганда қарздор мамлакат хорижий валютага қайтадан ўз валютасини сотиб олади. Қарз Валюта фонди тавсияларига биноан ишлатилгандагина берилади. ХВФнинг ташкилотлари Вашингтон (АҚШ)да жойлашган, Париж (Франция) ва Женева (Швейцария)да бўлимлари бор. 1992 йил 27 апрелда собиқ Иттифоққа кирган барча республикалар (Озарбайжондан ташқари), шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам ХВФ аъзолигига қабул қилинди.

**ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАЛАР** халқаро бозорнинг махсус тури; ташқи савдо битимларини тайёрлаш ва тузишни енгиллаштириш мақсадида ташкил этилади. Маркетинг, савдо-реклама ва техник-иқтисодий фаолиятнинг муҳим қуроли ҳисобланади. Халқаро ярмаркалар товар намуналари намойиш қилинадиган муттасил очиқ бозор бўлиб, унда бўлажак сотувчи ва харидорлар иш юзасидан музокаралар олиб борадилар, тижорат шартларини аниқлайдилар ва контрактлар тузадилар.

**ХАЛҚАРО НАРХЛАР** — жаҳон бозорига чиққан товарлар байналмилал қийматининг пул шаклидаги ифодаси, халқаро аҳамиятга молик конвертирланган валюта (масалан, *доллар*) билан белгиланади. Товарлар байналмилал қиймати уларни ишлаб чиқарувчи мамлакатлар харажатлари, товарнинг халқаро қийматидан ташқари бозордаги талаб ва таклиф нисбатига, қайси валюта билан ҳисоб-китоб қилинишига, савдо битими шартига, нархдаги имтиёзларга ва б. га боғлиқ бўлади. Халқаро нархлар ўз хусусиятидан қатъи назар, бозор иқтисодиёти қонунларига мувофиқ ўзгариб туради. Халқаро нархлар келажакда бирдан-бир нархга айланади (к. *Нарх*).

**ХАЛҚАРО САВДО ПАЛАТАСИ (ХСП)** — турли мамлакатлар савдо палаталари, савдо ҳамда банк уюшмаларини бирлаштиради. Штаб-квартираси Парижда жойлашган. ХСП қошида савдо низоларини ҳал қиладиган ҳакамлик суди фаолият кўрсатади.

**ХАЛҚАРО САВДОЛАШУВ** — халқаро миқёсда турли фирма, консорциум ёки корхоналарнинг буюртмаларни бажариш юзасидан рақобат асосида савдолашуви, ўзаро беллашуви. Буюртмачи товарлар сотиб олиш, бирор ишни бажариш, хизмат кўрсатиш юзасидан савдолашув эълон қилади, буюртмани бажаришни истаганлар унда иштирок этади. Халқаро савдолашув 2 хил бўлади: очиқ савдолашув — савдолашувда, иштирок этишни хоҳлаганлар чекланмаган ҳолда қатнашадилар, лекин рақобат асосида улар танлаб олинади. Очиқ савдолашув ошкора равишда ҳаммага эълон қилинади; ёпиқ савдолашув — савдолашувга чекланган миқдорда иштирокчилар таклиф этилади, унга танилган, обрў-эътиборли фирмалар шахсан таклиф этилади.

Тортишув шартига қараб халқаро савдолашув ошкора ва пинҳоний бўлади. Ошкора савдолашувда буюртма ҳажми, тури, бажариш шарти очиқ эълон қилинади. Битим тузилгач, ким қанча буюртма олганлиги ҳам ошкор этилади. Пинҳоний савдолашувда буюртмачи ўз таклифини эълон қилмайди, аксинча буюртмани бажарувчилар ўз таклифини беришади. Савдолашув тугагач, ким қанча ва қандай шарт билан буюртма олгани

ҳам сир тутилади. Бозор иқтисодиёти табиатига очиқ ва ошкора савдолашув мос келади.

**ХАЛҚАРО ТЕНДЕРЛАР** — халқаро бозорда машина-ускуналарни харид этиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, инжиниринг хизмати кўрсатиш учун конкурс асосида буюртмалар бериш. Тендерни инжиниринг фирмалари ҳужжатлаштиради. Савдолашув ёки келишув асосида конкурс иштирокчиларидан бири ёки бир нечтаси танлаб олинади. Ғолиб конкурс иштирокчиси билан харидор ва буюртмачи ўртасида шартнома тузилади. Халқаро тендерлар жаҳон бозоридаги рақобатнинг ҳозирги даврдаги кўринишидир.

**ХАЛҚАРО ФОНД БИРЖАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ** — Парижда жойлашган халқаро ташкилот. Асосий мақсади — барча акционерларга тенг ҳуқуқни таъминлаш ва қимматбаҳо қоғозлар бозори таркибини мувофиқлаштириш. Қимматбаҳо қоғозлар савдосини тартибга солиш, сиёсатнинг фонд бозорига таъсири, биржа иши техникаси ва технологиясини ривожлантириш масалаларини кўриб чиқадиган кенгашлар ўтказади.

**ХАЛҚАРО ФОНДЛАР** — давлатлараро шартномалар асосида яратиладиган ва аниқ мақсад йўлида ишлатиладиган пул маблағлари.

**ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР БАНКИ (ХҲБ)** — 30 давлат марказий банклари қатнашадиган давлатлараро молиявий ташкилот. ХҲБ нинг асосий мақсадлари: қатнашувчи-давлатлар марказий банкларининг ҳамкорликда ишлашига ёрдам бериш; халқаро молиявий муомалаларни қўшимча маблағлар билан таъминлаш; халқаро молиявий шартномаларда ишончли вакил вазифасини бажариш.

**ХАНДАҚ** — биржа савдосида ўтказиладиган залда хона сатҳига нисбатан пастроқ жой (хандақ). Биржа аъзолари биржа келишувларини шу жойда тузадилар.

**ХАРДВЕР** — ҳисоблаш техникаси қисмлари ишлаб чиқариладиган саноат тармоқлари.

**ХАРИДОР НАРХИ** — бозорда товарга харидор таклиф этган нарх, бозорда сотилган товар қийматининг амалдаги пул ифодаси. У одатда *сотувчи нархи*дан паст белгиланади. Бозорда таклифга нисбатан талаб кам бўлганда харидор нархи кучга киради. Савдолашув орқали товарлар сотувчи нархи харидор нархининг оралиғидаги нарх билан сотилади.

**ХАРИДОРГА ҚАРЗ БЕРИШ** — экспортчи банки (банклар консорциуми) томонидан бевосита импортчига ёки унга хизмат кўрсатадиган банкка берилади. Харидорга қарз беришнинг бир неча тури мавжуд: бир марталик контрактлар бўйича қарз, «кредит йўллари», шунингдек, ускуналарни етказиб бериш, қуриш, монтаж ва созлаш бўйича хизмат кўрсатиш ва б. га бериладиган қарзлар.

**ХЕЖИРЛАШ** (инг. ҳимоя, тўсиш) — фьючер келишувларида нарх ва фойда хавф-хатарини суғурта қилиш шаклларидан бири. Хежирлашда сотувчи (харидор) фьючер келишуви тузиш билан айни бир вақтда ўз савдосига тенг келадиган фьючер шартномаларини харид қилади (ёки сотади). Хежирлаш томонлар кўрадиган эҳтимолдаги зиённи камайтириш имконини беради; товар нархи ўзгариши билан кўриладиган зарар фьючер бўйича олинадиган ютуқ билан қопланади. Банк, биржа, тижорат амалиётида валюта хатарини суғурта қилишнинг турли усуллари ҳам хежирлаш деб юритилади.

**ХОЛДИНГ КОМПАНИЯ** (инг. holding — эга) — бошқа банклар, фирмаларни назорат қилиш

ва фаолиятини бошқариш мақсадларида уларнинг акциялари назорат пакетига эгалик қилувчи компания. Холдинг компаниянинг икки тури бор: соф холдинг — фақат махсус назорат ва бошқарув мақсадларида тузилади; аралаш холдинг — назорат ва бошқарув вазифалари билан бирга саноат, савдо, транспорт, кредит-молия ва б. соҳаларда тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланади. Холдинг компанияни монополистик бирлашмалар (трест, концернлар)нинг раҳбарлари ёки уларнинг ишончли вакиллари бошқаради. Холдинг компаниялар капиталистик иқтисодиётни ташкил этишнинг юқори босқичида туради.

**ХУФИЯ ИҚТИСОДИЁТ** — давлат статистикаси томонидан ҳисобга олинмаган, режа ташкилотлари томонидан режалаштирилмаган, солиқ тўламайдиган, қонунларга бўйсунмайдиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти. Хуфия иқтисодиёт корхоналари давлат корхоналарининг ишлаб чиқариш воситаларидан кенг фойдаланадилар. Хуфия иқтисодиёт белгилари асосан товар ва аҳолига хизмат турларини хуфиёна ишлаб чиқариш (яширин цехлар, фабрикалар), кўшиб ёзиш, давлат мулкини талон-тарож қилиш, олиб сотарлик, таъмагирлик, фоҳишабозлик, каллоблик, порахўрлик ва бошқаларни ўз ичига олади. Айрим ҳисоб-китобларга қараганда хуфия иқтисодиёт ҳажми собиқ СССР доирасида 150—350 миллиард сўм, даромади 66—146 миллиард сўм ва 20 миллиондан ортиқроқ киши иштирокини ташкил этади (1990). Хуфия иқтисодиёт расмий иқтисодиётдаги ҳисоб-китобларни чалғитиб, халқ хўжалиги мувозанатларининг бузилиб кетишига олиб келмоқда. У айникса тақчиллик мавжуд бўлган жойда кенг томир ёяди. Уни бартараф қилишнинг йўллари тақчилликни тугатиш, ишлаб чиқариш структурасини халқ эҳтиёжларини тўларок қондириш томон буриш, бошқаришнинг иқтисодий усулларига, бозор муносабатларига дадиллик билан ўтиш ва б.

**ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИ** — хўжалик фаолиятини бошқаришдаги иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа шакллар, усуллар ҳамда воситалар мажмуидан иборат тизим.

**ХЎЖАЛИК ОБОРОТИДА ҚАТНАШУВЧИЛАР** — ишлаб чиқариш бўйича хўжалик фаолиятини амалга оширувчи давлат, кооператив, жамоат ёки бошқа корхоналар, товар сотувчи ёки харид қилувчи, юридик шахслар ёки шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар.

**ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ** — корхоналар ўртасида хўжалик ҳуқуқи ҳамда мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатишни ифодалайдиган фуқаролик-ҳуқуқий шартнома (келишув)лари.

**ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ** — корхоналар, ташкилотлар, идоралар ёки юридик шахсларнинг шартнома асосида ва ҳамкорликда хўжалик фаолияти юритиш мақсадларини кўзлайдиган ихтиёрий бирлашмалари. Ширкат икки ёки бир неча хўжалик юритиш субъектлари томонидан ташкил этилиши мумкин. Ширкат суд ишларида даъвогар ёки жавобгар сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиши ёки юридик шахс тарзида рўйхатдан ўтиши мумкин. Ширкат аъзолари хўжалик шартномаси асосида иш юритадилар, унда ширкатнинг мақсадлари — ширкат мулкини барпо этишда аъзоларнинг иштироки шакли ва миқдори, олинадиган фойданинг тақсимланиши ҳамда ширкат тугатилганда мулкнинг ўзаро тақсимланиши, бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилади. Ширкат мулки ҳамиша ширкат аъзоларининг ҳиссавий бадаллари негизида шаклланади. Мулк

барпо этиш принципи ширкат турига боглик. Ширкат мамлакат конунлари билан такикланмаган хар кандай фаолият билан шуғулланиши мумкин. Турли тармокларнинг ҳар бирида ўзига хос ширкат шакллари мавжуд. Давлат, кооператив, жамоа ва б. ташкилотлар ширкатга аъзо бўлиши мумкин. Ширкатга аъзо бўлншда улар ўз хўжалик мустакиллигини ва юридик шахслик ҳукукини саклаб коладилар. Хорижий ташкилотлар ва фукаролар ҳам конун йўл берган ҳолларда ширкатга киришлари мумкин. Ширкатлар ўз ваколатхоналарини, уларнинг баъзи турлари ўз филиалларини очиши мумкин.

Мамлакатимиз ва хориж хўжалик ҳаётида ширкатнинг куйидаги кўринишлари бор: тўлик, оддий, коммандит, масъулияти чекланган, масъулияти кўшимча ширкатлар, *акционер жамиятлари*. Муассислик шартномаси ва Устав ширкатнинг таъсис ҳужжатлари ҳисобланади. Тегишли молия идоралари ширкатларни рўйхатдан ўтказади. Ширкатнинг тугатилиши хўжалик ширкатлари ҳакидаги конунларда ва ширкатнинг таъсис шартномасида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

**ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ** — ишлаб чикаришнинг харажатларини натижалар билан киймат шаклида киёслаш имкониятини берадиган бошкариш усули. Ўз харажатларини ўзи коплаш, ўз-ўзини молиялаш, ишлаб чикариш-хўжалик фаолияти натижаларидан моддий манфаатдорлик ва жавобгарлик каби коидаларни талаб килади.

# Ч

**ЧАЙКОВЧИЛИК,** олибсотарлик — 1) турли молларни арзон олиб, кимматга сотиш билан даромад топишни кўзлайдиган фаолият, ман этилган тижорат иши; хуфия иктисодиётнинг бир кисми. Чайковчилик объекти такчил товарлардир. Соглом бозор иктисодиёти чайковчилик билан сигишмайди, чунки бундай бозор товарларнинг сероб бўлиши, харидор ҳоҳлаган товарни савдолашиб ола билиши демакдир; 2) нархлар тебранишидан факат фойда олиш максадини кўзлайдиган биржа келишувлари; 3) *хежирлаш*га зид фаолият. Хежирлаш накд товарлар бозори билан биржа ўртасида мувозанатга олиб келади, икки бозор ўртасида мувозанатни бузиш чайковчиликдир.

**ЧАКАНА НАРХЛАР** — давлат ва кооператив савдоси, деҳкон бозорида истеъмол моллари сотиладиган нархлар. Уларнинг асосини давлат чакана баҳолари ташкил килади. Чакана баҳоларнинг айрим кўринишлари: деҳкон бозори нархлари, аҳолига кўрсатиладиган хизмат тарифлари ва нархлари. Чакана нархлар аҳоли реал даромадларини шакллантиришда ва турмуш даражасини яхшилашда жиддий роль ўйнайди.

**ЧАРТЕР** — кема эгаси ва *фрахтчи* ўртасида тузиладиган шартнома. Кемани бутунлай ёки бир кисмини маълум муддатга ижарага олиш кўзланади.

**ЧЕГАРА ОЛДИ САВДОСИ** — халкаро товар айирбошлаш тури; мамлакат ташки савдосининг таркибий кисми. Савдо ва тўлов битимлари, йиллик протоколлар асосида кўшни давлатлар чегара олди музофотларининг савдо ташкилотлари ва фирмалари томонидан амалга оширилади.

**ЧЕК** — махсус пул ҳужжати; чекни имзолаганнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошка ҳисобга ўтказиш ҳакида банкка берилган ёзма фармойишни ифода этади. Ривожланган банк тизими шароитларида ички тўлов оборотида

кенг тарқалган, яъни тўловларнинг асосий қисми чек билан тўлаш асосида олиб борилади. Чек ташқи тўловлар оборотида ҳам ишлатилади. Бозор иқтисодиёти шароитларида чекдан фойдаланиш нақд пул билан қилинадиган ҳисоб-китобларни кўп даражада камайтиради.

**ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ** иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларига чет эл мулкдорлари капиталининг узоқ муддатга қўйилиши.

# Ш

**ШАРТНОМА** — томонлар ўртасида ўрнатилган, ўзгартирилган ёки тўхтатилган (бекор қилинган) ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисидаги келишув, битим. Томонлар барча муҳим бандлар бўйича келишган ҳолдагина (қонун талаб этган тарзда) шартнома қабул қилинган ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги шартнома кўрсатилган маҳсулотни етказиб бериш бўйича тузилади. Шартнома кўпинча мол етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида ҳам имзоланади. Бунда мол етказиб берувчининг мажбуриятлари истеъмолчига шартномада кўрсатилган ҳажм, мол ҳиллари, муддат ва шаклларда етказиб беришдан иборат бўлади. Истеъмолчи эса етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиб олиш, маҳсулотлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва б. ларни ўз устига олади.

**ШАРТНОМА НАРХЛАРИ** — товарларни ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан уни истеъмол этувчи (харидор) ўртасидаги битимга биноан, ҳар иккала томоннинг розилигига қараб белгиланган нарх. Ички ва халқаро шартнома нархлари мавжуд. *Ички шартнома нархлари* белгиланганда келишган томонларнинг манфаати ҳисобга олинади, яъни товарлар ҳам сотувчи, ҳам харидор наф кўрган нархларда сотилади. Ички шартнома нархлари эркин бозор, рақобат бор жойда яхши натижа беради. Товарларни ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқда монополия мавжуд бўлган шароитларда бундай нархлар кенг истеъмолчиларни талаш воситасига айланади. Бозор иқтисодиёти шароитларида ички шартнома нархлари рақобат воситасига айланиб, антимонопол характерга эга бўлади, бозордаги талаб ва таклифга қараб белгиланади. Натижада нархларнинг тўхтовсиз ошиб боришига тўсиқ қўйилади, чунки нархларнинг ўз чегараси бўлиб, уларни харидорнинг сотиб олиш (харид) қобилияти белгилайди. *Халқаро (ёки ташқи) шартнома нархлари* турли давлатлар ёки турли мамлакатлардаги корхона, ташкилотларнинг бевосита ташқи алоқаларига хизмат қилади. Ташқи шартнома нархлари *контракт нархлар* деб юритилади. Улар жаҳон бозори конъюнктурасига қараб вақти-вақти билан ўзгариб туради.

**ШАРҚИЙ ЕВРОПА УЧУН ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЕВРОПА БАНКИ** — Шарқий Европа мамлакатларига, жумладан, МДҲга кредит бериш орқали уларнинг тараққиётига кўмаклашувни кўзда тутган Европа банки. 1990 йил январь ойида ташкил топган. Мазкур банк 42 давлат иштирокида тузилган. Дастлабки капитали 12 млрд. доллар. Бадалнинг 51 %ни Ғарбий Европа мамлакатлари, 10 %ни АҚШ, 8,5 %ни Япония, 6,5 %ни СССР (собиқ) берган. Банк берадиган кредит, асосан, иқтисодиётнинг хусусий секторини ўстириш, давлатнинг приватизация дастурини амалга оши-

ришга каратилади, бозор иктисодиётига ўтишга молиявий жиҳатдан ёрдам беради. 1992 йил апрелида Ўзбекистон Республикаси банк аъзолигига қабул қилинди.

**ШАХСИЙ МУЛК** — фуқароларнинг шахсий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи мулк. Шахсий мулк субъектп айрим фуқаролар, унинг объекти эса истеъмол буюмлари, тураржой ва б., умуман, шахсий эҳтиёжни қондиришга хизмат қиладиган воситалардир. Шахсий мулк ишлаб топилган даромад, меросга олинган ёки инъом сифатида олинган мол-мулк ҳисобидан, иш ҳақи, нафақа, стипендия, томорқа хўжалигидан тушган даромад, акциядан келган дивиденд, лотерея ва заём ютуқлари эвазига кўпайиб боради. Шахсий мулк объектлари эҳтиёжни қондириш доирасидан чиқиб, даромад топиш йўлида ишлатилса, хусусий мулкка айланиб кетиши мумкин.

**ШАХСИЙ ҲИСОБ ВАРАҚАСИ** — банкнинг ўз мижозлари билан бўлган барча пул-кредит ва ҳисоб-китоб муносабатларини акс эттирувчи банк ҳужжати.

**ШИРИНКОМА** — қ. *Куртаж.*

**ШОУ-БИЗНЕС** — ҳар хил пуллик томошалар кўрсатиш йўли билан даромад топиш. Шоу-бизнес билан махсус фирмалар, маданий-мусиқавий уюшмалар ёки айрим бизнесменлар шуғулланади. Шоу-бизнесдан тушадиган даромад аҳолидан олинадиган томоша ҳақи (билет ҳақи), фирмалардан тушадиган реклама пули, томошабинларга савдо маиший хизмат кўрсатиш ҳақи ва б. дан шаклланади. Шоу-бизнесда битишув шартномаларига биноан машҳур ижрочиларнинг чиқишлари уюштирилади. Контрактлар *шоу-биржа* орқали тузилади.

**ШОУ-БИРЖА** — турли мамлакат (регион)лардаги якка мусиқавий ижрочилар, ижрочилар жамоаси (ансамбллар) билан шартнома тузиш юзасидан ўтказиладиган биржа. Шоу-биржада икки томон — ижрочилар ва шоу-бизнес ташкилотчилари қатнашади. Шартномада ижрочилар гастролларини ўтказиш шартлари, муҳими — ижрочилар учун бериладиган гонорар (ижод ҳақи) келишиб олинади. Шоу-биржа ақлий товарлар бозорининг бир тури.

# Э

**ЭГРИ СОЛИҚЛАР** — товар ҳамда кўрсатиладиган хизматлар нархи ёки тарифига белгиланган устама ҳақ.

**ЭКСПОРТ** (инг. export, лат exportare — четга чиқариш) — товарлар, хизматлар ва капитални ташқи бозорга чиқариш. Моддий неъматларни четга чиқариш — т о в а р  э к с п о р т и, хориждаги шерикларга ишлаб чиқариш ёки истеъмолга оид тўловли хизмат кўрсатиш — х и з м а т  к ў р с а т и ш  э к с п о р т и, мамлакат ташқарисида капитал қўйиш (корхона ва объектлар қуриш ва ишга тушириш) — к а п и т а л  э к с п о р т и ва б. турлари бор.

**ЭКСПОРТ КВОТА** — муайян товарларни экспортга белгиланган ҳажмда ишлаб чиқариш ва етказиб бериш.

**ЭКСПОРТ КРЕДИТЛАР** — экспортёрлар (фирмалар, банклар, ҳукуматлар) чет эл фирмалари ва давлатларига ўз мамлакатидан товар сотиб олиш учун берадиган кредитлар.

**ЭКСПОРТ НАЗОРАТИ** — «стратегик товарлар» экспорти бўйича таъқиқ, чеклаш, назорат бўйича тадбирлар тизими.

**ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТИ** — чет элга товар чиқариб сотиш имконияти; корхоналар, тармоқлар ва айрим бир мамлакатнинг хорижга товар чиқариб, чет эл бозорида рақобат қила билиш қобилиятини, шу ҳисобига валюта тўплай олиши, даромад ола билишини англатади. Экспорт имконияти ишлаб чиқаришнинг техника ва технологиясига, иш кучининг сифати, меҳнат ва технология интизомига, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва халқаро бозор талабларига мослаша билишига боғлиқ, чунки буларнинг ҳаммаси сифатли ва бозорда ўтадиган товарлар тайёрлаш омилларидир.

**ЭКСПОРТ МАРКЕТИНГИ** — ташқи бозорга мўлжалланган *маркетинг*. Корхоналарга рақобат курашувида ёрдам бериш, ташқи бозорга ёриб чиқиш йўлларини таклиф қилиш, экспорт фаолияти йўналишини аниқлаш масалаларида ёрдам беради. Экспорт маркетинги экспорт товар сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

**ЭКЮ**, Европа валюта бирлиги (фр. ecі, айнан маънода — қалқон) — 13—19-асрларда Францияда зарб қилинган олтин ва кумуш танга номи. Европа мамлакатлари ҳисоб-китобларида ишлатиладиган махсус пул бирлиги. Валюта курси *Европа Иқтисодий Ҳамжамияти* аъзолари бўлган бир қанча мамлакатлар миллий валюталари мажмуи асосида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жорий этган курс бўйича Ўзбекистон ҳудудида 1 ЭКЮ нинг курси 577 сўм 80 тийинга тенг (1993, январь).

**ЭЛЕКТРОН ПУЛ** — ҳисоб-китобларни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида бажариш учун қўлланиладиган кредит пулларининг энг сўнгги тури; кредит карточкаларига ўхшаган пул. Капиталистик мамлакатларда 80-йиллар охирида пайдо бўлган.

**ЭМБАРГО** (испан. embargo — хатга олиш) — давлат томонидан бирор товарлар, хизматлар, валюта ёки бошқа бойликларни мамлакатга келтириш ёки бошқа мамлакатларга олиб кетиш, четга чиқаришни тақиқлаб қўйиш; айрим мамлакатлар ёхуд мамлакатлар гуруҳи билан савдо муносабатларини тўла таъқиқлаш; иқтисодий ёки сиёсий, молиявий, илмий-техник тазйиқ воситаси бўлиб, ҳукумат томонидан жорий этилади.

**ЭМИССИЯ** (лат. emissio — чиқармоқ, ишлаб чиқармоқ) — муомалага банк билетлари, хазина билетлари, қоғоз пуллар ва қимматбаҳо қоғозлар чиқариш. Пул эмиссиясини давлатнинг марказий (эмиссия) банклари амалга оширади. Қимматбаҳо қоғозларни давлат, банклар, акционер жамиятлар чиқаради. Муомалага пул ва қимматбаҳо қоғозлар чиқарган томон *эмитент* деб номланади.

**ЭМИТЕНТ** — қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ҳуқуқи берилган корхоналар, кооперативлар, банклар, акционерлик жамиятлари ва бошқа ташкилотлар.

**ЭНГ ПАСТ ИСТЕЪМОЛ БЮДЖЕТИ**, тирикчилик минимуми бюджети — иш кучини оддий равишда такрор ишлаб чиқариш зарурияти асосида тузилган оила бюджети. Оиланинг бир аъзоси ҳисобига бир йилда (ёки бир ойда) кетадиган пул ҳисобида тузилади ва лозим даражада такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган сифат ҳамда миқдордаги товарлар тури ва хизматлар қийматини ўз ичига олади.

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР** — қўшма соҳибкорлик зоналари, хориж капиталининг эркин амал қилиши учун ажратилган махсус ҳудуд. Бу зоналар мамлакатлар ҳудудида товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолият турлари бўйича чет эл фирмалари та-

шаббусини фаоллаштиришга каратилган. Эркин иктисодий зоналар иктисодий ўсишни таъминлаш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ечиш учун ташкил этилади. Эркин иктисодий зоналарда бож пули олинмайди ёки жуда оз микдорда белгиланади, экспорт-импорт устидан назорат бекор килинади. 1985 йили АКШда 130 шундай зона мавжуд бўлган. Эркин иктисодий зоналар ўзининг фаолияти йўналишига караб бир канча турларга бўлинади.

Эркин иктисодий зона туркумига банк ва суғурта зоналари киради, бу билан банк муомалалари ва суғурта ишлари учун имтиёз ва капиталнинг кириб келишига кулай шароит яратилади. Эркин иктисодий зоналарнинг махсус тури — технологик зоналардир. Бундай зоналарда янги техника ва технологияни яратиш учун имтиёзлардан хорижий, шунингдек, миллий корхоналар ва ҳар хил ташкилотлар ҳам фойдаланади. Комплекс характердаги алоҳида иктисодий зоналарда савдо, саноат, технология ишлари учун кулайликлар барпо этилади. Бундай зоналар алоҳида, ҳамма учун очик территориялар деб аталади. ХХР да 70-йиллардаги иктисодий ислоҳот давомида 22 комплекс зоналар пайдо бўлди. Эркин иктисодий зона ташкил этиш халкаро иктисодий муносабатларда фаол катнашишнинг шарт-шароитларидан бири ҳисобланади.

**ЭРКИН САВДО ЗОНАЛАРИ** — мамлакатнинг солик тўлашда махсус имтиёз тартиби амал киладиган алоҳида ҳудуд. Унга киритилган товарлар бож тўловидан озод этилади, божхона назоратидан ҳоли бўлади. Ҳозир жаҳонда 500 дан ортик эркин савдо зоналари бўлиб, улар асосан ривожланган мамлакатларда.

**ЭРХАРД РЕЖАСИ** — Ғарбий Германия асосий сиёсий партиялари блоки иктисодий дастури асосини ташкил этган «ижтимоий бозор хўжалиги» концепцияси. Бу режа асосчиси ГФР нинг таникли иктисодчиси, давлат ва сиёсий арбоби Эрхард Людвиг (1897—1977) дир. Эрхард режаси Ғарбий Германияни Иккинчи жаҳон урушидан сўнг оғир иктисодий тангликдан чикариш учун янги пул чикариш, фукаролар ҳамда компанияларнинг эски омонатларини кадрсизланган ҳолда бўлсада, кейинрок кайтариб бериш кафолати билан бир неча йилга «музлатиш», ижтимоий бозор хўжалигини ривожлантириш ғоялари ва б. ни ўз ичига олган.

# Ю-Я

**ЮАНЬ** — Хитой Халк Республикасининг пул бирлиги. 1 юань=10 цзяо=100 финям.

**ЮК УЧУН БОЖ ДЕКЛАРАЦИЯСИ** — юк эгасининг чет элдан товарларни олаётганда ёки чет элга товар жўнатаётганда божхонага такдим этадиган баёноти.

**ЮРИДИК ШАХС** — турли мулкчиликка асосланган, мустакил иш юритувчи, конунга кўра гражданлик ҳукуклари ва мажбуриятлари субъекти бўлган корхона, ташкилот, муассаса. Ўз номидан мулкий ҳамда номулкий ҳукукни олиш ва мажбуриятларни бажариш, суд, арбитраж ва ҳакамлар судида даъвогар, жавобгар бўлиши мумкин. Банкда ўз ҳисоб варакасига эга, мустакил баланс юритади.

**ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ** — фукароларнинг товар ишлаб чикариш ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш бўйича меҳнат фаолияти. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти фукаро ва оила аъзоларининг шахсий мех-

натига асосланиб, ёлланма меҳнатдан фойдаланишни инкор этади. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти даромадидан солиқ ундиришнинг икки шакли: хўжалик фаолияти натижасига кўра ўсиб борувчи даромад солиғи ёки патент учун тўлов тарзида олиб борилади.

**ЯНГИЛИК** — қ. *Новация*.

**ЯНГИЛИКНИ ЖОРИЙ ЭТИШ** — қ. *Инновация*.

**ЯШИРИН КЕЛИШУВ** — халқаро савдодаги ғирром рақобат шаклларидан бири. Икки тури мавжуд: 1) ёпиқ савдо қатнашчилари ўртасида; 2) бозорни тақсимлаш ва нархлар ўрнатиш ҳақидаги норасмий шартномалар.

# Ў

**ЎЗАРО ТЎЛОВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ** — икки ёки бир неча юридик ёки жисмоний шахслар қарзини уларнинг тўлов мажбуриятлари миқдорига тенг суммада узиш. Ҳисобга олишдан мақсад ўзаро қарзларни камайтириш, ҳисоб-китобларни тезлаштириш ҳамда тўлов воситаларини тежашга эришиш.

**«ЎЗБЕК САВДО УЙИ»** — экспорт-импорт фирмаси; масъулияти чекланган жамият тарзида 1991 йил сентябрда ташкил этилган. Устав капитали 50 минг сўм. Тошкент шаҳрида жойлашган. Фирмада 10 ихтисослашган савдо бўлими, лицензия, тижорат, ахборот хизматлари ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар бўлими иш олиб боради. Ўзбекистон регионал бозорига хизмат кўрсатади. Фирма Ўзбекистонда савдо-сотиқ, тижорат, қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва уни бирламчи ва иккиламчи жойлаштириш билан шуғулланади. Ўзбекистонда ва чет элларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, реклама ва бошқа корхоналар барпо этади, чет эл фирмалари билан савдо алоқалари олиб боради. Юридик ва жисмоний шахсларга маркетинг, реклама, дилерлик ва брокерлик, комиссион ва консигнаторлик хизматлари кўрсатади. Фирманинг бир ойлик умумий товар обороти 50 млн. сўмни ташкил этади (1992).

**«ЎЗБЕКБИЗНЕСКЛУБ»** — 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси қошида ташкил этилди. Тошкентдаги корхоналар, ташкилотлар, қўшма корхоналар, ишбилармонлик ҳамкорлиги уюшмалари, ташқи савдо фирмалари клубга аъзо бўлиб кирган. Клуб аъзолари норасмий учрашув ва йиғинларида ўзаро тажриба алмашадилар, мамлакат ва чет эллардаги бозор ҳолатларини таҳлил этадилар, қабул қилинадиган қонунлар, ҳукумат фармойишларига умумий нуқтаи назарни шакллантирадилар, чин бизнесменларга хос бўлган хулқ-одоб, хайрия қоидаларини ўрганадилар. Клуб йиғилиши ҳар ойда бир марта ўтказилади. Клуб ишига президент раҳбарлик қилади. Клубга аъзолар аъзолик бадали тўлайдилар.

**ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ БАНКИ** — республика акционерлик-тижорат банки. 1991 йил майда таъсис этилган. Акционер ва резерв капитали 1 130 млн. сўм. Қисқа муддатли, узоқ муддатли ва факторинг бўйича кредит маблағлари 19 627 млн. сўм, йиллик фойда 358 млн. сўмни ташкил этди (1992, янв.). Банк 1991 йилдан чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун бош лицензия олган. Расмий аудитори «Ўзбанкаудит» аудитор жамияти.

**ЎЗБЕКИСТОН БИРЖАЛАРИ КЕНГАШИ** — республикада биржалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳукумат ташкилоти. 1992 йил март ойида Ва-

зирлар Маҳкамаси қарори билан тузилган. Республикада бозор иқтисодиётининг зарурий унсури бўлган биржалар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш, биржа ҳаракатини ривожлантириш, уларни ихтисослаштириш, янги биржалар очиш ва бошқа вазифаларни адо этади.

**ЎЗБЕКИСТОН ВАЛЮТА БИРЖАСИ** — Ўзбекистон Марказий банки ҳузурида банклараро валюта савдосини ўтказадиган республика маркази тарзида 1992 йил февралида Тошкент шаҳрида ташкил этилган. Марказ ягона валюта сиёсатини таъминлаш, республиканинг валюта ресурсларини асраш, ташқи иқтисодий алоқаларда республиканинг валюта манфаатларини ҳимоя қилиш, республикага чет эл инвестициялари келишига ва уларни мақсадга мувофиқ жойлаштиришга ёрдам бериш ва б. дан иборат.

Марказ валюта савдосида махсус рўйхатдан ўтган ўз аъзолари иштирок этади, республика, корхона ва ташкилотлари, биринчи навбатда, марказ аъзолари валюта сотишлари ёки харид қилишлари мумкин. Марказ валюта савдосидан хариднинг 0,3 % миқдорида комиссион ҳақ, марказ аъзолари эса ўз воситачилиги учун мижозлардан келишувнинг 1 % миқдорида ҳақ олади.

**ЎЗБЕКИСТОН ТАДБИРКОРЛАРИ УЮШМАСИ** — республикада ишбилармонликни ривожлантириш ва унга раҳбарлик қилиш мақсадларида ишбилармонларнинг биринчи таъсис қурултойида (1991 йил 6 июнь) ташкил этилган. Уюшма ўз Низоми ва дастури асосида иқтисодиётни барқарорлаштириш, хўжалик алоқаларини тиклаш, рақобатни ривожлантириш, истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш, чет эллардаги тадбиркорлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва б. йўналишларда иш олиб боради. Уюшма ҳузурида Ўзбекистон тадбиркорларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолият кўрсатади. Таркибида 65 ташкилотни бирлаштирган (1992).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ** — республиканинг чет мамлакатлар билан савдо, иқтисодий ва илмий-техника алоқаларини ривожлантиришга ёрдам берувчи ташкилот. 1959 йилда савдо палатаси ташкил этилиб, 1972 йилдан савдо-саноат палатасига айлантирилган. Палатанинг саноат, савдо корхоналари, илмий-тадқиқот муассасалари ва б. ташкилотлардан иборат 210 дан ортиқ ҳақиқий аъзоси бор. 1969 йилдан Африка-Осиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзоси. Палата халқаро кўргазма ва ярмаркаларда қатнашади, импорт моллари экспертизасини ўтказади, чет мамлакатлар иқтисодиёти ва ташқи савдоси тўғрисида маълумотлар тайёрлайди, илмий-техника ва иқтисодий адабиётлар таржимаси б-н шуғулланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ** — ихтисослаштирилган акционер тижорат банки. Республикада валюта заҳирасини тўплаш ва уни мақсадга мувофиқ сарфлаш, халқаро валюта муомаласи, товарлар экспорти ва импорти бўйича ҳисоб-китоблар, корхона (бирлашма) ва ташкилотларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини кредитлаш, давлат валюта сиёсатини таъминлаш ва назорат қилишни амалга оширади. Устав фонди 100 млн. сўм ва 40 млн. АҚШ долларидан иборат. 1991 йилда ташкил этилган. Чет эл банклари билан алоқалар олиб боради. Тошкент шаҳрида жойлашган.

**ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ** («Узпромстройбанк») — акционерлик-тижорат банки. 1991 йил июль ойида

ташкил этилган. 8 таъсисчиси ва 246 акционери бор. Дастлабки устав фонди 250 млн. сўм (1992 йилда 500 млн. сўм), тижорат ва акционерлик фаолияти орқали топган йиллик даромади 520 млн. сўм, харажатлари 309.5 млн. сўм, шундан кредит ресурслари 250 млн. сўмни ташкил этди (1992). Дивиденд тўловларига 21,1 млн. сўм ажратилди. Халқаро банклар тизимига кириш тараддуди кўрилмоқда.

**ЎЗГАРУВЧИ НАРХ** — томонлар келишган усулларда шартноманинг амал қилиши муддати ичида ўзгарувчи нархлар.

# Қ

**ҚАРЗГА ОЛИНГАН ВОСИТАЛАР** — бир томон (қарз берувчи) иккинчи томон (қарз олувчи)га мулк қилиб ёки оператив бошқарниш учун берадиган воситалар (пул ёки буюм). Қарз олувчи қарзни қайтариш мажбуриятини олади.

**ҚАРЗНИ УЗА ОЛМАСЛИК** — к. *Қурбсизлик.*

**ҚИЁСИЙ БАҲОЛАР** муайян йил ёки сананинг нархлари; шартли равишда маълум даврларда ишлаб чиқариш, товар муомаласи ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларнинг қиймат ифодаси қиёсланганда база сифатида ишлатилади.

**ҚИЗ ЖАМИЯТ**, б а ч к и ж а м и я т — она жамият назоратида бўлган, бош акционерлик корхонасининг шохобчаси.

**ҚИЙМАТ** — товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарда гавдаланган ва унда моддийлашган ижтимоий меҳнати. Товар қийматининг меъёри уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ижтимоий зарурий меҳнат миқдори билан белгиланади, ижтимоий нормал шароитда мамлакат бўйича ўртача меҳнат маҳорати ва шиддати даражасида товар ишлаб чиқариш учун кетадиган ижтимоий зарурий иш вақти билан ўлчанади. Товар қиймати миқдори уни тайёрлашга кетган меҳнат миқдорига тўғри мутаносиб, меҳнат унумдорлигига эса тескари мутаносибликда (к. *Товар қиймати*).

**«ҚИММАТ ПУЛЛАР»** — 1) мамлакат марказий банкларининг иқтисодий тараққиётни секинлаштириш, инфляцияни жиловлаш ҳамда тўлов баланси тақчиллигини камайтириш мақсадида ўтказган тадбирлари натижасида кредитнинг қимматлашуви; 2) харид қобилияти кучли пуллар.

**ҚИРОТ** — к. *Карат.*

**ҚИСМАН КОНВЕРТИРЛАНГАН ВАЛЮТА** — фақат маълум тўлов муомаласи учун ишлатиладиган ва бошқа валютага чекланган тарзда алмашадиган *валюта.*

**ҚОПЛАМА КЕЛИШУВ** — товарларни ўзаро тенг қийматда етказиб бериш тўғрисидаги келишув. Қоплама келишув оддий товар айирбошлаш келишувидан (бартер) бош келишувлиги, яъни ўз таркибида корхонага кредитга жиҳозлар етказиб бериш, ноу-хау учун корхона ишга туширилгандан кейин тайёр махсулот ёки бошқа товарлар билан ҳисоб-китоб қилиш каби шартномалар комплекси бўлиши билан фарқ қилади. Бундай келишувда импорт товарларни қисман пул билан қоплаш кўзда тутилиши мумкин.

**ҚУРБСИЗЛИК**, қ а р з н и у з а о л м а с л и к — қарз тўлашни тўхтатиш.

**ҚЎШИМЧА ХАРАЖАТЛАР** — ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг хўжалик хизмати билан боғлиқ харажатлари: ишлаб чиқаришдаги асосий харажатларга

кўшимча бўлиб, маҳсулот таннархига қўшилади.

**ҚЎШМА КОРХОНАЛАР** — бошқа мамлакатлар иштирокида бунёд қилинган корхоналар. Улар ўзаро манфаатдорлик негизида, ҳукуматлараро шартномалар асосида ташкил қилиниб, илмий-ишлаб чиқариш, илмий-техник ва бошқа вазифаларни ечишга қаратилган. Таъсисчилар мулкини бирлаштириш ва бадал асосида қўшма корхонанинг молиявий фонди яратилади. Қўшма корхоналар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо, фан ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида таркиб топиши мумкин. Бу корхоналар, асосан, чет эл техникаси ва технологияси асосида барпо этилиб, маҳаллий хом ашё ва иш кучи ҳисобига ишлайди. Корхона ўзининг мустақил балансига эга ва тўла хўжалик ҳисоби асосида фаолият юритади. Жумҳуриятимизда АҚШ, Италия ва бошқа қатор давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар, объектлар қурилиб, ишга туширилмоқда.

**ҚЎШМА СОҲИБКОРЛИК ЗОНАЛАРИ** — қ. *Эркин иқтисодий зоналар.*

# Ҳ

**ҲИСОБ ВАРАҚАСИ** — банклар томонидан пул маблағларини сақлаш ва ҳисоб-китоб қилиш имкониятига эга бўлган, хўжалик ҳисобида иш юритувчи, ўз муомала маблағларига ва мустақил балансига эга бўлган бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар учун очиладиган ҳисоб варақалари. Ҳисоб варақаларини очиш ва беркитиш тартибини банклар белгилайди.

**ҲИССА** — қ. *Пай.*

**ҲОМИЙ** — қ. *Спонсор.*

**ҲУЖЖАТ** (гувоҳнома) — муайян ахборот қайд этилган моддий объект; ахборотларни қайта ишлаш ва уларни замон ва маконда узатишга хизмат қилади. Ҳужжатдаги маълумотлар инсон ёки машина томонидан қайта тартиблаш учун қулай ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий мазмунга эга бўлиши керак.

ЧИТАЛЬНЫЙ ЗАЛ

**Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантиришга оид қабул қилинган энг муҳим ҳужжатлар рўйхати**

(1993 йил 1 январгача)

Ер тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (20.06.1990)

Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори (29.10.1990).

Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (31.10.1990).

Савдодаги суиистеъмоллар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (31.10.1990).

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (15.02.1991).

Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (15.02.1991).

Банклар ва банк фаолияти тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (15.02.1991).

Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (15.02.1991).

Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (15.02. 1991).

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (14.06.1991).

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (14.06. 1991).

«Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида» ги ва «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (14.06.1991).

Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (14.06.1991).

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (7.09.1991).

Давлат божи тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (25.10.1991).

Ўзбекистон Республикаси Божхона комитетини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (25.10.1991).

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (19.11.1991).

Ижара тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (19.11.1991).

Республика деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони (29.11.1991).

Корхоналар (ташкилотлар) фақат махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турларининг рўйхати ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори (14.01.1992).

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди, Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки, Ривожланиш халқаро ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи Агентликка аъзолиги тўғрисида. Ўзбекистон Респубикаси Қонуни (2.07.1992).

Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2.07.1992).

Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (3.07.1992).

Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2.07.1992).

Деҳқон хўжалиги тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (3.07.1992).

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2.07.1992).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (8.12.1992).

Ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қуриқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (9.12.1992).

Аудиторлик фаолияти тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (9.12.1992).

Давлат божи тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (9.12.1992).

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонуни (9.12.1992).

Гаров тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (9.12.1992).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРЖАЛАРИ РЎЙХАТИ ВА МАНЗИЛГОҲИ

| | |
|---|---|
| Андижон товар-хом ашё биржаси | Андижон, Машраб кўчаси, 19. тел.: 6-27-90, 6-10-22. |
| Бухоро регионал товар биржаси | Бухоро, Ўзбекистон 40 йиллиги кўчаси, 3; тел.: 3-04-13, 3-01-15, 3-05-15. |
| Валюта биржаси (Валюта хариди маркази) | Тошкент, Ўзбекистон проспекти, 6; тел.: 32-75-20, 32-77-04. |
| Жиззах товар-хом ашё биржаси | Жиззах, Навоий кўчаси, 4а; тел.: 3-84-87. |
| «Карвон» трансконтинентал универсал интеллектуал инновацион биржа | Тошкент, тел.: 34-96-71. |
| «Кон-М» регионал универсал кимё биржаси | Тошкент, Навоий кўчаси, 23; тел.: 41-17-54, 58-03-27, 44-00-58, 44-05-37. |
| Навоий товар-фонд биржаси | Навоий, Ленин проспекти, 71; тел.: 3-62-10, 3-11-06. |
| Наманган универсал товар-хом ашё биржаси | 716000, Наманган, Банк кўчаси, 9; тел.: 6-61-17, 6-64-29. |
| Олмалиқ товар-хом-ашё биржаси | 702400, Олмалиқ, Металлурглар маданият саройи, 29; тел.: 3-71-61, 3-34-64, 5-29-95. |
| Самарқанд универсал товар биржаси | 703000, Самарқанд, Охунбобоев кўчаси, 35а; тел.: 24-38-41, 26-72-78. |
| Сурхондарё универсал товар-хом ашё биржаси | Термиз, Термизий проспекти, 1; тел.: 4-69-07,4-43-06. |
| «Тошкент» республика универсал товар-фонд биржаси акционерлик жамияти | Тошкент, Ўзбекистон проспекти, 45; тел.: 45-91-96, 45-76-78. |
| Тошкент «Ҳамкорлик» регионлараро товар-хом ашё биржаси | Тошкент, Лоҳутий кўчаси, 16а; тел.: 56-49-51, 54-93-31. |
| Фарғона «Камолот» товар биржаси | 712022, Қиргули, Фарғона кўчаси, 82; тел.: 2-12-61, 2-10-24. |
| Фарғона «Олтин водий» товар-хом ашё биржаси. | 712000, Фарғона, Пушкин кўчаси, 17; тел.: 4-09-88. |
| Чиноз универсал биржаси | Чиноз шаҳри |
| «Янгийўл» универсал товар-хом ашё фонд биржаси | Янгийўл шаҳри |

| | |
|---|---|
| Ўзбекистон автотранспорт вазирлиги автобиржаси | Тошкент, Педагогика кўчаси, 16; тел.: 55-04-59. |
| «Ўзбекистон» универсал республика агросаноат биржаси | Тошкент, Халқлар дўстлиги проспекти, 8; тел.: 45-89-56, 45-83-17. |
| Қашқадарё «Насаф» универсал товар-хом ашё биржаси | Қарши, Ленин кўчаси, 219; тел.: 4-38-02, 3-57-09. |
| Қорақалпоғистон универсал товар-хом ашё биржаси | 742000, Нукус, Утепов кўчаси, 31; тел.: 7-07-07, 7-05-06, 2-55-04. |
| «Қўқон-Фарғона» универсал биржаси | Қўқон, Октябрь кўчаси, 20ᵃ; тел.: 2-31-00; Марғилон, тел.: 4-16-65. |

# МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ҲУДУДИДАГИ ЭНГ ЙИРИК БИРЖАЛАР РЎЙХАТИ ВА МАНЗИЛГОҲИ

| | |
|---|---|
| Агропромбиржа | Москва, тел.: 149-59-19, 149-05-69, факс: 143-09-30 |
| Байкал (Осиё) биржаси | 670000, Улан-Удэ, Совет кўчаси, 23; тел.: (301-122) 227-26, 228-11, факс: 226-81 |
| Белоруссия универсал биржаси | 220856, Минск, Козинц кўчаси, 2; тел.: 78-11-21, 78-79-83. |
| Биржалар конгресси | Москва, тел.: 924-78-62, Вильнюс, тел.: 62-88-04, Киев, тел.:228-64-81 |
| «БРИЖ» телебиржаси | 103489, Москва, а/я 41; тел.: 531-80-29, факс: 531-97-43, 532-97-74 |
| Брокерлик савдо уйи | Москва, тел.: 262-21-53, 262-31-99. |
| Бутунроссия кўчмас мулк биржаси | 129243, Москва, Ярославль кўчаси, 8, 3-корп.; тел.: 217-60-51, телефакс: 217-60-51 |
| «VICTOR» регионлараро товар-хом ашё биржаси | Москва, Комсомол майдони, 4; тел.: 975-42-77, факс: 975-42-41. |
| Деҳқон марказий биржаси | 103009, Москва, Тверь кўчаси, 5/6,402-хона; тел.: 924-03-11, 924-03-65. |
| Европа-Осиё хом ашё — озик-овқат биржаси | Екатеринбург, тел.: (3432) 55-23-23, 58-68-92; факс: 55-23-23 |

| | |
|---|---|
| Жанубий Россия озик-овкат биржаси | Краснодар, тел. (8612) 55-25-77, 55-14-44, факс: 55-84-92 |
| Иккиламчи ресурслар халкаро универсал биржаси | 107076, Москва, Б. Матрос тор кўчаси, 1, 1-корп.; тел.: (095) 296-02-11, телефакс: (095) 268-82-05 |
| Интеллектуал мулк биржаси | 191025, Санкт-Петербург, Нева проспекти, 41; тел.: 312-05-65, факс: 314-33-64 |
| Кавказ биржаси | 380086, Тбилиси, Важа Пшавела проспекти, 72; тел.: (88-32) 38-46-90; факс: 74-35-49, телекс: 21-22-54 |
| Кама универсал биржаси | Набережние Челни, тел.: 53-15-71 |
| Киев универсал товар биржаси | Киев, тел.: 228-38-28 |
| Компьютер биржаси | 119517, Москва, Матвеевка кўчаси, 10, 5-корп. 116-хона; тел.: 441-56-35 |
| Марказий фонд биржаси | Москва, тел.: 430-84-24 |
| Москва марказий фонд биржаси | 157000, Москва, Грановский кўчаси, 5/37; тел.: 229-76-35, 262-61-00, факс: 273-72-31 |
| Москва нефть биржаси | Москва, тел.: 239-83-41 |
| Москва товар биржаси (МТБ) | 129223, Москва, ВДНХ, 4-павильон; тел.: 187-86-14, 188-95-38 |
| Москва халкаро телеиндустрия фонд биржаси | 117334, Москва, Ленин проспекти, 45; тел.: 137-00-06, 137-68-19, факс: 137-65-25 |
| Нижневартовск нефть биржаси | Нижневартовск, тел.: 3-38-72 |
| Озарбайжон халк биржаси | 307603, Боку, ГСП, Москва проспекти, 81; тел.: (8922) 67-81-98, 66-32-91 |
| Регионлараро биржа иттифоки | Москва, тел.: 251-15-76, 251-73-57, 251-47-11 |
| Россия брокерлар уйи | 107066, Москва, Нижная Красносельская кўчаси, 35; тел.: 264-56-45, 263-80-77, телефакс: 264-55-45 |
| «Российская бумага» («Россия коғози») | Москва, Садово-Кудринск, 9; тел.: 244-84-03; 244-87-47 |
| Россия компьютер биржаси | 193144, Санкт-Петербург, а/я 279, Митнинская кўчаси, 19; тел.: 271-14-20, факс: 271-13-93 |
| Россия техника биржаси (Ростехбиржа) | Москва, тел.: 280-59-85 |
| Россия товар-хом ашё биржаси (РТСБ) | 101000, Москва, Новая площадь, 3/4; тел.: 924-78-62, 262-80-80 |

| | |
|---|---|
| Россия федерацияси агросаноат комплекси товар биржаси (Росагробиржа) | Москва, тел.: 209-52-25, 209-19-36 |
| Россия ўрмон биржаси (Рослесбиржа) | Москва, тел.: 207-97-94, 207-95-93 |
| Санкт-Петербург товар-фонд биржаси | Санкт-Петербург, тел.: 217-59-03 |
| Таллин товар биржаси | Таллин мева-сабзавот савдоси идораси, тел.: (0142) 51-01-26 |
| Таллин халкаро тадбиркорлик информацияси биржаси | 200104, Таллин, Куульбарс кўчаси, 1, 420-хона; тел.: (0142) 431-700,431-240 |
| Тбилиси универсал биржаси | Тбилиси, тел.: 36-90-89, факс: 72-67-04, телекс: 21-22-63 |
| Теле маркет телефон биржаси | 109280, Москва, Автозаводская кўчаси, 5; тел.: 166-21-12 |
| [illegible] [illegible] биржаси | Екатеринбург, тел.: (3432) 71-38-56, 76-09-53, факс: 71-39-43 |
| [illegible] биржаси | Москва, Б. Черкизов кўчаси, 4, 4 корп., 69 хона; факс: 265-67-03 |
| Тожикистон «Наврўз» универсал биржаси | Душанба, Орджоникидзе кўчаси, 37; тел.: 21-12-61, 23-46-94 |
| Тожикистон республикаси товар-хом ашё биржаси | Душанба, тел.: (3772) 23-34-94, 27-79-81, факс: 27-03-91, телекс: 11-62-49 |
| Тюмень товар-фонд биржаси | 625016, Тюмень, Мельникайте, 106; тел.: 24-48-36,24-04-75, Москвадаги филиали тел.: 924-00-86, 924-00-86, |
| «Украина биржаси» | 252601, Киев, Порезная кўчаси, 15; тел.: 228-64-81, факс: 229-63-76. |
| Украина брокерлар ассоциацияси | Харьков, тел.: (0572) 47-82-78, 40-87-25 |
| Украина канд биржаси | 252021, Киев-21, Роза Люксембург кўчаси, 16; факс: (044) 293-16-68 |
| Халкаро озик-овкат биржаси | Москва, тел.: (095) 286-75-77, 266-54-74; факс: 286-75-33 |
| Халкаро ўрмон биржаси | 195009, Санкт-Петербург, Михайлов кўчаси, 17; тел.: 542-90-03 |
| Хўжанд агросаноат биржаси | Хўжанд, (37922) тел.: 4-38-43, 6-40-42; факс: 4-30-68 |
| «Центросоюз» биржаси | Москва, ВДНХ, «Матлубот кооперацияси» павильони; тел.: 430-84-24, 430-83-03 |

| | |
|---|---|
| Челябинск инвестицион товар биржаси | 454000, Челябинск, Елькин кўчаси, 5; тел.: (83512) 33-98-25 факс: (83512) 33-18-25 |
| Электрон биржаси (Exnet) | Москва, тел.: 255-97-31, 198-73-61, 198-98-67 |
| Ўрмон биржаси | 101000, Москва, Колпачний тор кўчаси, 4, 27-хона; тел.: 924-49-25 |
| Караганда регионлараро товар биржаси | 470074, Қараганда, Курувчилар кўчаси, 28; тел.: 74-08-59, 74-04-82; факс 74-43-25 |
| «Қирғизистон» универсал биржаси | 720001, Бишкек, Тўктағул кўчаси, 189; тел.: 21-26-24, телекс: 245-277 (Чайка), |
| Қозоғистон «Олма» универсал товар биржаси | Олма-ота, Тимирязев кўчаси, 42; тел.: 44-81-89, факс: 62-67-01 |
| Ғоялар ва технология биржаси | 129223, Москва, ВДНХ, «Марказий» павильони, тел.: 181-90-39 |

Нурислом Тўхлиев
Аҳмаджон Ўлмасов

**Ишбилармонлар луғати**

**ИБ 103**

Муҳаррирлар В. С. Зайнутдинова, И. Ҳ. Абдуллаева
Муқова рассоми Б. А. Хайбуллин
Бадиий муҳаррир А. Бурхонов
Техник муҳаррирлар Ж. Бекиева, Д. Максудова

На узбекском языке
Н. Тухлиев, А. Улмасов

**Словарь делового человека**

В краткой, популярной форме дается толкование около 1000 слов, наиболее употребляемых в современном деловом мире.

Предназначен для деловых кругов, специалистов, а также читателей, интересующихся проблемами рыночной экономики.

Теришга берилди 1.06.1992. Босишга рухсат этилди 27.04.1993. Бичими 84×108[1]/32. Гарнитураси «Адабий». Офсет усулида босилди. Шартли б. т. 5,9. Нашриёт т. 10. Тиражи 50 000 нусха. Буюртма № 7365. Баҳоси шартнома асосида.

Комуслар Бош таҳририяти. Тошкент, Жуковский кўчаси, 52.

Тошкент матбаа комбинатининг ижарадаги корхонаси.